



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БОЖХОНА ИНСТИТУТИ**

А.Ахлимирзаев, С.Шомирзаев

**БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ЖИНОЯТЛАР
ЮЗАСИДАН СУРИШТИРУВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Услубий қўлланма

Тошкент шаҳри-2020 йил

А.Ахлимирзаев, С.Шомирзаев. “Божхона органларида жиноятлар юзасидан суриштирув олиб бориш тартиби” услубий қўлланмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти. Тошкент:-2020 й. 126 б.

Такризчилар:

Н.Қўшаев – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти “Соҳавий ҳуқуқий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди

Б.Шералиев – Ўзбекистон Республикаси ДБҚнинг Божхона институти Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети “Махсус фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси, божхона хизмати майори

Ушбу услубий қўлланма ДБҚнинг Божхона институтининг юриспруденция йўналишидаги бакалавриат босқичи курсантлари, Солиқ ва божхона ҳуқуқи йўналишидаги магистратура босқичи ва “Божхона органларида суриштирув” малака ошириш курси тингловчилари, шунингдек ДБҚнинг ҳудудий бошқармаларида Суриштирув ва маъмурий амалиёт тузилмаларида хизмат олиб бораётган божхона ходимлари учун мўлжалланган бўлиб, бу орқали божхона органлари томонидан суриштирув ўтказишлик белгиланган жиноятлар ва уларга тегишли асосий тушунчалар билан танишишлари, шу билан бирга, божхона суриштирувига тааллуқли айрим жиноятлар бўйича амалиётда ўрнатилган тартибда суриштирув шаклида ўтказилган тергов ҳаракатларига доир процессуал ҳужжатлар намуналаридан фойдаланиб сифатли расмийлаштирилишини таъминлашлари ва ушбу йўналишда муайян кўникмалар ҳосил қилишларига ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

Мазкур услубий қўлланма Божхона институти Кенгашининг 2020 йил 4 сентябрда ўтказилган йиғилишида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган.

© Божхона институти, 2020

МУНДАРИЖА

Кириш4-6

I-боб. Божхона органларида суриштирув шаклида тергов ўтказиладиган жиноятлар ва асосий тушунчалар7-19

1.1 Асосий тушунчалар.....7

1.2 Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятининг ҳуқуқий тавсифи.....8-10

1.3 Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жиноятининг ҳуқуқий тавсифи.....11-12

1.4 Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятининг ҳуқуқий тавсифи.....12-14

1.5 Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш жиноятининг ҳуқуқий тавсифи.....14-16

1.6 Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш жиноятининг ҳуқуқий тавсифи.....16-17

1.7 Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи жиноятининг ҳуқуқий тавсифи.....18-19

II-боб. Божхона органларида аниқланган жиноятлар юзасидан суриштирув шаклида тергов ўтказиш юзасидан расмийлаштириладиган процессуал ҳужжат намуналари20-126

2.1 Жиноят кодексининг 184-моддаси билан қўзғатилган жиноят иши бўйича ҳудудий бошқарманинг Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлимида олиб борилган суриштирув ҳаракатлари акс этган айрим процессуал ҳужжатларидан намуналар.....21-65

2.2 Жиноят кодексининг 244⁴-моддаси билан қўзғатилган жиноят иши бўйича божхона постида олиб борилган суриштирув ҳаракатлари акс этган айрим процессуал ҳужжатлардан намуналар.....66-126

КИРИШ

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан миллий қонунчилигимизда судга қадар иш юритишнинг суриштирув шакли жорий этилди.

Суриштирув деганда Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар тоифасига кирмайдиган айрим турдаги жиноятлар бўйича терговнинг қисқа муддатли иш юритиш шаклини, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказиладиган жиноий процессуал фаолиятни тушуниш мумкин. Суриштирув ҳозирда МДҲ, Шарқий Европа, Ҳиндихитой ва Яқин Шарқ минтақаларининг айрим давлатларида судгача тергов ўтказишнинг шакли сифатида сақланиб қолган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан, суриштирув Ўзбекистонда ҳам жиноят ишини тергов қилишнинг мустақил шаклига айланди. Яъни бир қатор жиноятлар бўйича жиноят ишлари суриштирувдан дастлабки терговга юборилмайди. Ҳозирги кунда Жиноят кодексига мавжуд 154 та таркибдан иборат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг 98 таси бўйича судгача иш юритишнинг ана шундай соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Суриштирув шаклида тергов ўтказиш Россия Федерациясида 93 та, Қозоғистонда 120 та, Беларусда 36 та жиноят таркиблари бўйича амалга оширилади.

Натижада илгари барча жиноят ишлари бўйича мажбурий бўлган дастлабки тергов энди фақат алоҳида жиноят таркиблари бўйича мажбурий тартибда амалга ошириладиган бўлди.

Жиноят ишини айблов далолатномаси билан прокурорга ва кейинчалик тасдиқлаган ҳолда судга юбориш билан тугатиладиган суриштирув кўринишидаги дастлабки тергов муддати бир ой қилиб белгиланган.

Ҳозирда жиноят ишлари бўйича суриштирув ички ишлар органлари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси, Миллий гвардия ҳамда Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари суриштирувчилари томонидан олиб борилади. Яъни божхона органларига ҳам суриштирув шаклида тергов қилиш ваколати берилган.

Халқаро тажрибада божхона органлари томонидан жиноятларни тергов қилиш амалиёти кўплаб давлатларда мавжуд. Масалан, АҚШда икки турдаги божхона хизмати мавжуд бўлиб, улардан Иммиграция ва божхона хизмати (ICE-Immigration Customs Enforcement) тергов соҳасида жуда катта ваколатларга эга орган ҳисобланади. Жумладан, Иммиграция ва божхона хизмати оммавий қирғин қуролларини тарқатиш, терроризм, одам савдоси ва контрабандаси, қурол-яроғ контрабандаси, наркотик моддалар савдоси ва контрабандаси, ҳужжатлар ва даромадлар фирибгарлиги, сохта иммиграция ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш, фойдаланиш ва сотиш, инсон ҳуқуқлари бузилиши, трансмиллий уюшган жиноий фаолият, пул ювиш ва йирик миқдордаги валюта контрабандаси каби молиявий жиноятлар, кибержиноят, секс-туризм ва болалар эксплуатацияси, тижорат фирибгарлиги ва интеллектуал мулк ўғирлиги каби савдо жиноятлари, контрафакт дори воситалари ва бошқа тиббиёт буюмлари контрабандаси, оммавий маркетинг фирибгарлиги, санъат ўғирлиги, виза хавфсизлиги, халқаро маданият ва антиквариатга оид жиноятлар кабиларнинг терговини амалга оширади ва мамлакат Миллий хавфсизлик қотибига ҳисобот беради.

Ҳозирда Европа Иттифоқининг аъзо мамлакатларидан бири Латвия Республикасида божхона идоралари Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат даромадлари хизмати таркибида бўлиб, унинг Солиқ ва божхона полицияси деб номланувчи тузилмаси Латвия жиноят процесуал қонунчилигига кўра, 11 та тергов органларидан бири ҳисобланади. У солиқ, божхона ва молия соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар юзасидан жиноят ишини кўзғатиш, гумонланувчини ушлаш, ушлаб туриш, барча зарур тергов ҳаракатларини олиб бориш ва ишни судга юбориш ваколатларига эга. Солиқ ва божхона полициясининг республика бўйича урта ҳудудий тузилмаси бўлиб, уларга божхона идораларида аниқланган жиноят аломатлари бор барча

хуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан хабар берилиши ва тўпланган ҳужжатлар ўз вақтида тақдим этилиши шарт.

МДХ доирасида эса Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси божхона органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, Россия Федерациясида божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ҳамда нақд пул воситалари контрабандаси жиноятлари бўйича (Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 194 ва 200¹-моддалари) божхона органлари суриштирувчилари томонидан тергов шаклидаги суриштирув ўтказилади. Озарбайжон Республикаси Божхона кодексига кўра, божхона органлари суриштирув органи ҳисобланиб, Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 207-моддаси (Озарбайжон Республикаси ҳудудига бадий, тарихий ва археологик бойликларни қайтармаслик) ҳамда 209-моддасида (Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш) кўрсатилган жиноятлар бўйича судгача соддалаштирилган кўринишдаги тергов ўтказадилар.

Божхона органлари томонидан суриштирув шаклидаги терговни амалга оширишда процессуал ҳужжатларни тўғри ва сифатли расмийлаштириш, тергов ҳаракатлари ҳар томонлама, тўлиқ, объектив ўтказиш, далиллар тўплаш ҳар бир божхона ходимига қўшимча масъулият юклаб, бу борада уларнинг кўникмаларини ошириш мақсадида мазкур қўлланма ишлаб чиқилди.

I-боб. Божхона органларида суриштирув шаклида тергов ўтказиладиган жиноятлар ва асосий тушунчалар

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасида “жиноят” тушунчасига таъриф берилган.

Жиноят бу - Жиноят Кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади.

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавfli қилмиш деб топилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят–процессуал кодексининг 381²-моддасига кўра, Давлат божхона қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан Жиноят кодексининг **130-моддаси** (*порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш*) биринчи ва иккинчи қисмлари, **130¹-моддаси** (*зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш*), **184-моддаси** (*солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш*) биринчи ва иккинчи қисмлари, **244³-моддаси** (*диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш*), **244⁴-моддаси** (*учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш*) биринчи қисми ҳамда **250¹-моддаси** (*пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи*) биринчи қисмида назарда тутилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятларга доир ишлар бўйича суриштирув шаклидаги тергов ҳаракатлари ўтказиш ваколати берилган.

Шу билан бирга Жиноят кодексининг 167-моддаси (*Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороғ қилиш*) биринчи қисмида назарда тутилган жиноят бўйича, агар божхона органи томонидан иш қўзғатилган бўлса, унга доир ишлар бўйича суриштирув ҳам божхона органи томонидан олиб борилади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 237-моддаси (*Ёлгон хабар бериши*) биринчи қисмида, 238-моддаси (*Ёлгон гувоҳлик бериши*) биринчи ва иккинчи қисмларида, 239 (*Суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилиши*) ва 240-моддаларида (*Жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши*) назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича суриштирув ушбу иш кўзғатилишига сабаб бўлган жиноят, агар божхона органининг терговига тегишли бўлган тақдирда, ушбу орган томонидан олиб борилиши ўрнатилган.

130-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижросиси сифатида жалб қилиш, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модда Порнографик маҳсулотлар айланиши ва савдосининг олдини олиш тўғрисидаги халқаро конвенция талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган. Конвенция 1923 йил 12 сентябрда Женевада қабул қилинган, 1947 йил 12 ноябрда бир қатор ўзгартиришлар киритилган

Порнография – қадимги юнон тилидан “фоҳишабозлик, зинокорлик” ва “ёзаман, тасвирлайман, чизаман”, “мен сотаман” каби маъноларни билдиради. Шунинг учун ҳам дастлаб адабиёт ва санъатда фоҳишаларнинг ҳаётини тасвирлаб, ўзида акс эттирадиган ҳар қандай асарлар порнографик асарлар саналган. Ҳозирда эса порнография деганда жинсий кўзғалишни келтириб чиқариш мақсадида адабиётлар, расмлар ва фильмларда жинсий алоқага оид ҳатти-ҳаракатларнинг тасвирланиши тушунилади. Ўзбек тилининг изохли луғатида порнография “адабиёт, тасвирий санъат, театр, кино, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва шу кабиларда жинсий ҳаётни кўпол-ялонғоч ҳолда, беҳаёларча тасвирлаш, намойиш қилиш; шундай тасвирларга асосланган асарларнинг ўзидир” дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг VIII-бўлимида ушбу тушунчага қуйидагича таъриф келтирилган:

Порнографик маҳсулот — бадий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёхуд одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатишган жинсий алоқанинг тавсифини ёхуд фото, видео тасвирини ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва нарсалар тушунилади.

Порнографик маҳсулот деб топиш учун тегишли соҳадаги мутахассислар томонидан ўтказиладиган комплекс санъатшунослик экспертизасини тайинлаш ва эксперт хулосасини олиш лозим.

Мазкур жиноятнинг таркиби:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 130-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объекти – жамиятда ўрнатилган ҳуққ-атвор қоидалари, ижтимоий муносабатлар;

Жиноятнинг объектив томони – маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилишда ифодаланади;

Жиноятнинг субъекти – 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс;

Субъектив томони – жиноят қасдан содир этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жиноят маъмурий преюдицияли жиноят ҳисобланиб, яъни шахс муқаддам бир йил ичида

худди шу каби ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 189-моддасида порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 декабрдаги “Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5286-сон Фармонида мувофиқ Республика ҳудудига порнографик маҳсулотни олиб кириш таъқиқланади.

Шунингдек, ҳозирда амалиётда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130-моддаси ҳамда МЖТКнинг 189-моддасида порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, мазкур нормаларни қўллашда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тушунтиришини эътиборга олиш лозим.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 189-моддасида кўрсатилган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш жамоат тартибига тажовуз қилувчи маъмурий жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳаракат ҳисобланиб, ушбу ҳуқуқбузарлик айнан порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришни назарда тутса ушбу модда билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган порнографик маҳсулот товар хусусиятига эга бўлсагина, МЖТКнинг 189-моддаси билан малакаланиши белгиланган.

130¹-модда. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-324-сон Қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Жиноят кодексларида “Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш” учун жавобгарлик белгиланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-бўлимида ушбу тушунчага қуйидагича таъриф киритилди:

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот — бадий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар ва нарсалар.

Мазкур жиноятнинг таркиби:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 130¹-моддасида назарда тутилган жиноятнинг объекти – жамиятда ўрнатилган ҳуқ-атвор қоидалари, ижтимоий муносабатлар;

Жиноятнинг объектив томони – маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

Жиноятнинг субъекти – 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс;

Субъектив томони – жиноят қасддан содир этилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жиноят содир этилиши учун шахс муқаддам бир йил ичида худди шу каби ҳаракатлари учун Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 189¹-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши лозим.

184-модда. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш:

а) такроран;

б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 16-моддасига мувофиқ:

“**Солиқ** деганда ушбу Кодекса белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига (бундан буён матнда бюджет тизими деб юритилади) тўланадиган мажбурий беғараз тўлов тушунилади.

Йиғим деганда бюджет тизимига ушбу Кодекса ёки бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўлов тушунилади, бу йиғимнинг тўланиши уни тўловчи шахсга нисбатан ваколатли орган ёки унинг мансабдор шахси томонидан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан унга муайян ҳуқуқларни ёхуд рухсат этувчи ҳужжатларни бериш шартларидан бири бўлади”.

Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни:

қасдан яшириш – ҳисобот ҳужжатларида ҳақиқий маълумотларни қасдан кўрсатмаслик, шунингдек уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни яшириб қолиш мақсадида уларнинг келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузганлик;

камайтириб кўрсатиш – ҳисобот ҳужжатларига била туриб уларнинг миқдори тўғрисида какмайтирилган ҳолда маълумотлар киритиш.

Солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлаш – нарсалар ҳақиқий ҳолатини қасдан ўзгартириш, солиқ органларига била туриб нотўғри ахборот беришнинг турли услубларини қўллаш, тўланиши лозим бўлган солиқ ёки бошқа тўловлар ҳажмини камайтириш учун маълум факт ва ходисалар орқали янглиштириш, бунга солиқ органларига солиқ тўлаш объектлари ҳақида ҳисобот ҳужжатларини бермаслик, имконият мавжудлигида мажбурий тўловларни тўламаслик, солиқ органларига рўйхатга қўймаслик кабилар киради.

Мазкур жиноятнинг таркиби:

Жиноятнинг объекти — давлат молия фаолияти соҳасида амал қиладиган ижтимоий муносабатлар;

Жиноятнинг объектив томони — диспозицияда санаб ўтилган ҳаракатларнинг бирортасини содир этишдан иборат. Яъни фойда

(даромад)ни яшириш ёки камайтириб кўрсатиш, солиқ тўланадиган бошқа объектларни яшириш ёки камайтириб кўрсатиш, давлат томонидан белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш кабилар киради;

Жиноятнинг субъектив томони — фақат тўғри қасд билан тавсифланади. Айбдор фойда-даромадни ёки бошқа солиқ тўланадиган объектларни яшираётганлиги, камайтираётганлигини ёки тўловдан бўйин товлаётганлигини англайди, қилмишидан давлатга йирик миқдорда зиён етишини олдиндан тушунади ва айна шу оқибатларнинг юз беришини истайди;

Ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин.

Мазкур модданинг биринчи қисми диспозициясида анча миқдор, иккинчи қисмида кўп миқдор, учинчи қисмида жуда кўп миқдор тушунчалари берилган. Бизга маълумки, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100-300 баробаригача анча миқдорни, 300-500 баробаригача кўп миқдорни ҳамда 500 баробар ва ундан юқори бўлганда жуда кўп миқдорни ташкил этади. *(Маълумот учун бугунги кунда базавий ҳисоблаш миқдори 223,0 минг сўмга тенг).*

244³-модда. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш

Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

— базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10-сонли Қарори билан ушбу йўналишда ишларни тартибга солувчи Низом тасдиқланган.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш фақат давлат диншунослик экспертизаси ўтказилганидан кейин амалга оширилиши белгиланган.

диний мазмундаги материаллар — дунёдаги турли динларнинг асослари, тарихи, мафкураси, таълимоти ва шарҳлари ҳамда маросимларини ўтказиш амалиётини асос этирувчи китоблар, рисоалар, журналлар, газеталар, варақалар ва бошқа босма нашрлар, аудиовизуал асарлар (теле-, кино- ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурларининг ёзмалари, мультфильмлар, аниме, хэнтай ва шу кабилар), ахборот ташувчи электрон жисмлар (дискетлар, CD, DVD дисклари, Интернет тармоғида жойлаштирилган материаллар ва шу кабилар);

тайёрлаш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни нашр этиш, қайта нашр этиш ва нусха кўчириш;

олиб кириш — хорижда тайёрланган диний мазмундаги материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етказиб беришнинг ҳар қандай шакли;

тарқатиш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни сотиш, обуна бўлиш, етказиб бериш, тарқатиш, юбориш ва реализация қилиш;

давлат диншунослик экспертизаси — Дин ишлари бўйича қўмита томонидан диний мазмундаги материалларни тадқиқ этиш жараёни;

экспертиза хулосаси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита томонидан бажариладиган диний мазмундаги материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, олиб кириш, тарқатишга рухсат бериш (рухсат бермаслик) масаласини ҳал этиш учун кўрсатилган материалларда диний қонун-қоидалардан оғишганлик ёки бузиб кўрсатишнинг борлигига оид илоҳиётшунослик тадқиқотлари ўтказилганлигини расман тасдиқловчи ёзма ҳужжат;

тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш ман этилган диний мазмундаги материаллар рўйхати — Дин ишлари бўйича қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлиши

тақиқланган диний мазмундаги материалларнинг ҳар йили камида икки марта тузиладиган рўйхати.

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти – Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлардир;

Объектив томони – диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатишдаги фаол ҳаракатлар;

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади.

Ушбу жиноятнинг субъекти – 16 ёшга тўлган, ақли расо, илгари (бир йил ичида) шундай ҳаракатлари учун маъмурий жазога тортилган Ўзбекистон Республикаси ёки чет эл фуқаролари ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.

Диний мазмундаги материаллар, яъни диний мақсадга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборотлар мазкур жиноятнинг предмети ҳисобланади.

244⁴-модда. Учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш

Учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш, —

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавfli рецидивист томонидан;

б) шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

г) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одам ўлишига сабаб бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) одамлар ўлимига;

б) ҳалокатга;

в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс, агар у учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ўз ихтиёри билан топширса, жавобгарликдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида учувчисиз учиш қурилмаларидан санкциясиз фойдаланишда огоҳлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 322-сонли ва 2016 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 287-сонли қарорлари билан учувчисиз бошқариладиган аппаратларни республика ҳудудига олиб кириш таъқиқланган (*айрим ҳоллар бундан мустасно*).

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 майдаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига 244⁴-моддаси киритилиб, учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланди. Мазкур Қонун нормаси 2019 йил 2 ноябрдан эътиборан амалга киритилган.

Учувчисиз учиш аппарати – бортида учувчисиз парвозни амалга оширадиган ёки бошқа жойдан туриб бошқариладиган, дастурлаштириладиган ва парвозда тўлиқ автономлаштирилган восита ҳисобланади. Учувчисиз ҳаво воситаси ажралмас тизим сифатида ишлайдиган ва узоқдан учадиган воситаларни жойдан туриб бирлаштиради.

Мазкур жиноятнинг таркиби:

Ушбу жиноятнинг объекти – жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган ижтимоий муносабатлар;

Объектив томони – учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланишда ифодаланган фаол ҳаракатлар;

Субъектив томондан жиноят қасдан содир этилади;

Жиноятнинг субъекти – 16 ёшга тўлган, ақли расо, Ўзбекистон Республикаси ёки чет эл фуқаролари ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.

Учувчисиз учадиган аппаратлар, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари ушбу жиноятнинг предмети ҳисобланади.

250¹-модда. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

- а) кўп миқдорда;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
- в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;
- г) мансаб мавқеини суистеъмом қилиш йўли билан содир этилган бўлса;

- д) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

- а) жуда кўп миқдорда;
- б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;

- в) одам ўлишига сабаб бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, -улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

- а) одамлар ўлимига;
- б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.12.2009 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 309-сонли Қарорида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш тақиқланиши белгиланган.

Ушбу жиноятнинг объекти – жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган ижтимоий муносабатлар;

Объектив томони – пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (олиб чиқиш) ёки ўтказиш ифодаланган фаол ҳаракатлар;

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилади;

Жиноятнинг субъекти – 16 ёшга тўлган, ақли расо, Ўзбекистон Республикаси ёки чет эл фуқаролари ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.

Пиротехника буюмлари ушбу жиноятнинг предмети ҳисобланади.

**II-боб. Божхона органларида аниқланган жиноятлар юзасидан
суриштирув шаклида тергов ўтказиш юзасидан
расмийлаштириладиган процессуал ҳужжат намуналари**

Бундай жиноятлар бўйича иш юритиш жараёнида процессуал ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, процессуал ҳаракат натижасида тўпланган далиллар белгиланган тартибда ва шаклда, сифатли расмийлаштирилган процессуал ҳужжатлар орқали иш материалларига қўшиб қўйилади.

Процессуал ҳужжатларни тузишга етарлича эътибор берилмаслиги исботлаш жараёни самарадорлигининг пасайишига олиб келади. Шунга кўра, ҳар қандай самарали ўтказилган процессуал ҳаракатнинг аҳамияти процессуал ҳужжатларнинг сифатсиз расмийлаштирилиши орқали йўқотилиши мумкин.

Жиноий ҳолатлар бўйича қарорлар қабул қилиш, баённомалар тузиш ва бошқа процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган бўлиб, уларда процессуал ҳужжатларда акс эттирилиши лозим бўлган ҳолатлар қайд этилган.

Жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва суриштирув ҳаракатлари ўтказиш ҳамда процессуал ҳужжатлар расмийлаштириш тартиби ҳақида янада аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида, мазкур бўлимда божхона органларида аниқланган айрим жиноятлар юзасидан суриштирув шаклида тергов ўтказиш юзасидан расмийлаштириладиган процессуал ҳужжат намуналари макет тарзида келтирилмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Рустамов Мохир
Тоҳировичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси
ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган

401-4-2019-628-сонли

Ж И Н О Я Т И Ш И

1(бир) жилддан иборат

Бошланди: 11.07.2019 йил

Тамомланди: __.__. 2019 йил

Наманган шаҳри-2019 йил

**401-4-2019-628-СОҢЛИ ЖИНОЯТ ИШИДА МАВЖУД ҲУЖЖАТЛАР
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ҳужжатларнинг қисқача номи	Бетлар
1	Жиноят ишини қўзғатиш ва иш юритувига олиш тўғрисидаги қарор	
2	Билдирги	
3	Юк кузатув ҳужжатлари ва БЮД нусхалари	
4	Вилоят солиқ бошқармасига сўров ва жавоби хатлари	
5	Давлат хизматлари марказига сўров ва жавоб хатлари	
6	Худудий электр тармоқлари корхонасига сўров ва жавоб хатлари	
7	Халқ банкига сўров ва унинг жавоб хатлари	
8	Бошқарманинг Тўловлар бўлимига сўров ва жавоб хатлари	
9	Фуқаро М.Т.Рустамовнинг тушунтириш хати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси	
10	Божхона расмийлаштирувчи мутахассис Н.Д.Ботировнинг тушунтириш хати	
11	Наманган шаҳар Давлат солиқ инспекциясига сўров ва жавоб хатлари	
12	Наманган вилояти Статистика бошқармасига сўров ва жавоб хатлари	
13	Терговга қадар текширув муддатини узайтириш ҳақида қарор	
14	Билдиришнома	
15	Жиноят иши қўзғатилишининг асослилиги юзасидан хулоса	
16	Тергов ҳаракатлари режаси	
17	Ҳужжатли тафтиш тайинлаш ва ишга алоқадаор ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиш ҳақида	
18	Наманган шаҳар ДСИга сўров ва жавоб хатлари	
19	Алоҳида топшириқлар	
20	БЮДларни текшириш ва хулоса бериш тўғрисида далолатнома	
21	Гувоҳ Н.Д.Бозоровнинг сўроқ баённомаси	
22	Гувоҳ У.Р.Тўхатовнинг сўроқ баённомаси	
23	Наманган вилояти ИИБ ЙХХБга сўров ва жавоб хатлари	
24	Наманган вилояти Ер тузиш ва кўчмас мулк давлат кадастрига сўров ва жавоб хатлари	
25	Наманган шаҳар давлат хизматлари марказига сўров ва жавоб хатлари	
26	Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан ўтказилган ҳужжатли текширув материаллари	
27	Ишончномалар	
28	Жиноят ишини суриштирувчига ўтказиш ҳақида қарор	
29	Жиноят ишини иш юритувга олиш ҳақида қарор	
30	Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарор	
31	Эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида қарор	
32	Муносиб хулқ-атворда бўлиш бўлиш ҳақида қарор	
33	Айбланувчи М.Т.Рустамовни сўроқ баённомаси	
34	Ёзма далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор	
35	Тақдимнома	
36	Жиноят иши материаллари билан таништириш баённомаси	
37	Айблов далолатномаси	
38	Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхати	
39	Фуқаровий даъвогарларни иш ҳужжатлари билан таништириш баённомалари	
40	Айбланувчи ва унинг ҳимоячисига жиноят ишининг барча материалларини танишиб чиқиш учун тақдим қилиши ҳақида баённома	
41	Айблов далолатномасини олганлиги тўғрисида тилхат	
42	б-шакл	

Рўйхатни туздим:

(имзо)

А.А.Бозоров

Қ А Р О Р

жиноят иши қўзғатиш ва иш юритувига олиш ҳақида

“ _____ “ июль 2019 йил

Наманган шаҳри

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бош-инспектор суриштирувчиси, божхона хизмати капитани Қ.К.Долимов, ушбу куни “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари М.Т.Рустамовга нисбатан тўпланган иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И М :

йил 01 июнь куни Наманган вилоят божхона бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.03.2009 йилдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-1050-сон қарорига мувофиқ, 2015-2017 йиллар давомида вилоят ҳудудида фаолият кўрсатиб келаётган хўжалик юритувчи субъектларга божхона тўловларидан берилган имтиёزلардан мақсадли фойдаланиш аҳволи юзасидан таҳлил ишлари ўтказилган.

Текширув давомида, 2015 йил 15 октябрь куни фуқаро Рустамов Мохир Тохирович томонидан “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ ташкил этиб, унда раҳбар сифатида фаолият юритиб келгани ҳолда, юқорида кўрсатилган қарорда қайд этилган имтиёزلардан фойдаланиб, Хитой Халқ Республикасидан ҳар хил турдаги харидоргир трикотаж маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси олиб кириб, келгусида ушбу маҳсулотларни нақд пулга сотиб ноқонуний даромад орттиришни режалаштирган.

Шунга кўра, 2015 йил 15 октябрь куни фуқаро М.Т.Рустамов “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖ ташкил этиб, жамиятнинг юридик манзили сифатида қайд этган Наманган шаҳри, Янгиобод м.ф.й. Темир йўл кўчаси 6-уйда ёки бошқа бирон-бир жойда ишлаб чиқариш билан боғлиқ фаолият билан шуғулланмаган ҳолда 2015 йил 3 декабрдаги Хитой Халқ Республикасининг “Xing Jiang Alqun import & export” Co.LTD компаниясидан “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖ номига юборилган импорт шартномаларига кўра жами 14800,8 кг, умумий фактура қиймати 14800,8 АҚШ долларига тенг бўлган жами 3 хил номдаги тикувчиликда ишлаб чиқаришда ишлатиладиган трикотаж маҳсулотларини олиб келиб, ушбу маҳсулотлар жамиятнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун олиб келинганлигини, фаолиятини гўёки қонуний амалга ошириладиганлигини намоён қилиш мақсадида имтиёз олиш учун асос бўлган барча ҳужжатларни божхона органига тақдим этган ва шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 мартдаги ПҚ-1050 сон қарори ва Вазирлар

Маҳкамасининг 2012 йил 4 сентябрдаги 585-ф-сон фармойиши асосида жами 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларидан озод этилган ҳолда мазкур жамият олиб келган товарларга имтиёз қўлланилган, бироқ жамият раҳбари М.Т.Рустамов давлат томонидан берилган имтиёзлардан мақсадсиз фойдаланиб, импорт қилинган трикотаж маҳсулотларини келгусида ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, ўз манфаати йўлида белгиланмаган жойларда нақд пулга сотиб юборганлиги аниқланган.

Наманган вилоят Давлат солиқ бошқармасининг 2019 йил 08 майдаги 13-04956-сонли хатига кўра, “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ ягона солиқ тўловлари бўйича ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботларни тақдим этмаганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, АТ Халқ банки Наманган вилоят филиалининг 2018 йил 28 майдаги 10-06/790-сонли хатига кўра, “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ “АТ Халқ банки” Наманган вилоят филиалининг “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими”да рўйхатдан ўтмаганлиги ҳамда ташкилот ходимларига тизимда ҳеч қандай анкета ҳисоб рақамлар очилмаганлиги маълум қилинган.

Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси АЖнинг 2018 йил 18 майдаги 35-21/1554-сонли хатига кўра, “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ билан электр энергияси истеъмолчиси сифатида шартнома тузилмаганлиги билдирилган.

Шунингдек, жамиятнинг ишлаб чиқариш цехи ва юридик манзиллари мавжудлиги ҳолати ўрганилганида, ушбу манзилларда ёки бошқа бирон-бир жойда ишлаб чиқариш билан боғлиқ цехлар мавжуд эмаслиги аниқланган.

Бундан ташқари, 2019 йил 01 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг 20.08.2015 йилдаги 391-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 5-қисмига мувофиқ, фуқаро М.Т.Рустамовга ўттиз кун муддат ичида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплаб қўйиши бўйича имконият берилиб, унга билдиришнома тақдим этилган бўлсада, бироқ фуқаро М.Т.Рустамов томонидан тўланиши лозим бўлган мажбурий божхона тўловлари белгиланган муддат ичида ихтиёрий равишда тўланмаган.

Шунга кўра, “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари М.Т.Рустамов қонунга хилоф равишда кўп миқдордаги мажбурий божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашда ифодаланган хатти-ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 184-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари борлигини инобатга олиб, мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзғатиш ҳамда жиноят иши бўйича суриштирув шаклидаги тергов ҳаракатларини олиб боришлик лозим бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 15, 38, 38¹, 381¹–моддалари, 381²-моддаси 4-банди, 321, 322 ва 330-моддаси 1-банди, 331 ва 336-моддаси 4-бандини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари Рустамов Мохир Тохировичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 184-моддаси 2-қисми билан 401-4-2019-628 сонли жиноят иши кўзгатилсин.

2. Жиноят ишини иш юритувга олиб, тергов ҳаракатларини олиб боришга киришилсин.

3. Қарор нусхаси Наманган вилоят прокурорига юборилсин.

**Суриштирув ва маъмурий
амалиёт бўлими бош инспектор-
суриштирувчиси**

(имзо) **Қ.К.Долиматов**

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Наманган вилояти божхона
бошқармаси бошлиғи ўринбосари,
божхона хизмати полковниги

_____ **И.Жалолов**

“ ___ ” июль 2019 йил

Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими томонидан 09.07.2019 йилда
“RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари М.Т.Рустамовга нисбатан ЖКнинг
184-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган 401-4-2019-628-сонли жиноят иши
юзасидан ўтказилиши лозим бўлган тергов ҳаракатлари

Р Е Ж А С И

2019 йил 12 июль

Наманган шаҳри

1. Мазкур жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатлар билан батафсил танишиб чиқиб, дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишлик учун киришиш.

Муддати: 12.07.2019 йил

2. Иш юзасидан М.Т.Рустамовнинг шахсий ва иш фаолиятига доир барча ҳужжатларини, шунингдек ИИБ Ахборот марказидан текширилган талабномасини олиб жиноят ишига қўшиш.

Муддати: 12-14.07.2019 йил

3. Жиноят иши бўйича М.Т.Рустамовга ҳимоя ҳуқуқлари тушунтирилгани ҳолда, гумонланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва сўроқ қилиш.

Муддати: тергов давомида

4. Жамият фаолият кўрсатган банк муассасаларидан имзо намуналари ва юридик йиғма жилдларини олиш ва иш ҳужжатларига қўшиш.

Муддати: тергов давомида

5. Жиноят иши доирасида тегишли тартибда мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳужжатли тафтиш тайинлаш ва тафтиш давомида ишга доир барча бухгалтерия ҳужжатлари нусхасини олиш.

Муддати: тергов давомида

6. Жиноят иши бўйича аниқланган зарарни ундириш юзасидан тегишли тергов ҳаракатларини ўтказиш.

Муддати: тергов давомида

7. Ишга алоқадор бўлган бошқа шахсларни ҳолат юзасидан батафсил сўроқ қилиш ва аниқланган ҳолатларга қонуний баҳо бериш.

Муддати: тергов давомида

8. Иш юзасидан сўроқ қилинган шахсларнинг кўргазмалари ўртасида зиддият келиб чиққан тақдирда, ушбу шахсларни юзлаштириб, зиддиятни батараф этиш чораларини кўриш.

Муддати: тергов давомида

9. Ҳаракатларида жиноят таркиби аниқланган ҳар бир шахснинг айблилик масаласини қатъиятлик билан ҳал этиш.

Муддати: тергов давомида

10. Айбланувчиларнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатлари, маҳалладан маълумотнома ҳамда яшаш тарзи ва иш фаолияти хусусида тавсифномалар олиб иш материалларига қўшиш.

Муддати: тергов давомида

11. Иш бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари давомида ўтказилиши лозим бўлган барча тергов ҳаракатлари ўтказилгандан сўнг айбдор шахсларнинг айблилик масаласини ҳал этиб, уларни ҳимоя ҳуқуқи билан реал таъминлаб, уларга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айб эълон қилиб, ҳаракатларини ижтимоий хавфлилик даражасига мос равишда эҳтиёт чораси қўллаш.

Муддати: тергов давомида

12. Жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида тегишли жойларга тақдимномалар киритиш;

Муддати: тергов якунида

13. Жиноят иши бўйича айбланувчиларга дастлабки терговнинг тамомланганлигини эълон қилиш ва уларга жиноят ишини барча материалларини танишиб чиқишлик учун тақдим қилиш.

Муддати: тергов якунида

14. Жиноят иши бўйича ўтказилган дастлабки тергов якунида айблов ҳулосаси тузиб, уни тасдиқлаш ва тегишли судловга юборишлик учун вилоят прокурорига тақдим қилиш.

Муддати: тергов якунида

15. Бундан ташқари, тергов жараёнида аниқланиши лозим бўлган бошқа тезкор-тергов ҳаракатларини ўтказиб, аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериб, қонуний қарор қабул қилиниши лозим.

Иш режа тузди:

Суриштирувчи

(имзо)

Қ.К.Долимаев

“К Е Л И Ш И Л Д И”

**Суриштирув ва маъмурий
амалиёт бўлими бошлиғи**

(имзо)

Ш.М.Ахмадалиев

Қ А Р О Р
ҳужжатли тафтиш тайинлаш ва ишга алоқадор ҳужжатларнинг
асл нусхаларини олиш ҳақида

2019 йил 11 июль

Наманган шаҳри

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бош инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати капитани Қ.К.Долимаев, иш юритувимидаги 401-4-2019-628-сонли жиноят иши бўйича олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М :

Наманган шаҳар Янгиобод МФЙ Темирйўл кўчаси 6-уйда яшаб келган Рустамов Мохир Тохирович, мулкӣ наф кўриш мақсадида ўзининг раҳбарлигида Наманган шаҳрида “RUSTAM Teks Servis” маъсулияти чекланган жамиятни ташкил этиб, жамиятга импорт шартномаси асосида Хитой Халқ Республикасидан ишлаб чиқариш мақсадида 2015 йил 03 декабрь куни олиб келинган жами 14800.8 кг. умумий фактура қиймати 14 800,8 АҚШ долларига тенг бўлган жами 3 номдаги тикувчиликда ишлаб чиқаришда ишлатиладиган трикотаж маҳсулотларини олиб келиб, маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2009 йилдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1050-сонли қарорида кўрсатилган божхона тўловлари бўйича белгиланган имтиёзлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиб, натижада давлат бюджетига хисобланиши ва тўланиши лозим бўлган кўп миқдордаги 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Юқоридагиларга кўра, М.Т.Рустамов раҳбарлигида ташкил этилган “RUSTAM Teks Servis” маъсулияти чекланган жамият фаолияти юзасидан жиноят иши доирасида ҳужжатли тафтиш тайинлаш ва ишга алоқадор ҳужжатларнинг асл нусхаларини олиш лозим.

Бинобарин, ЖПКнинг 38¹, 172, 173, 174, 175 ва 180-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Мазкур жиноят иши бўйича “RUSTAM Teks Servis” маъсулияти чекланган жамият (ИНН 303470403) фаолияти юзасидан жиноят иши доирасида ҳужжатли тафтиш тайинлансин;

2. Ҳужжатли тафтиш ўтказиш Наманган шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимларига топширилсин;

3. Текшириш давомида зарурияти туғилган ҳолларда тегишли мутахассисларни жалб қилиниб, хулосалар олинсин;

4. Текшириш давомида янги аниқланган ҳолатлар юзасидан қўшимча саволлар киритилсин ва далолатномада кўрсатиб ўтилсин.

Суриштирувчи:

(имзо)

Қ.К.Долимаев

ДАЛОЛАТНОМА
(БЮДларни текшириши ва хулоса бериши тўғрисида)

2019 йил “__” июль

Наманган шаҳри

Наманган вилояти божхона бошқармасининг Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими томонидан “RUSTAM Teks Servis” раҳбари М.Т.Рустамовга нисбатан ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги сабабли, юқоридаги МЧЖ томонидан ташкил этилган кундан ҳозирги кунга қадар амалга оширган экспорт-импорт операциялари, ундирилган божхона тўловлари ва қўлланилган имтиёзларнинг қонунийлиги юзасидан хулоса берилиши сўралган.

Шунга кўра, Наманган вилояти божхона бошқармасида мавжуд база маълумотлар ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни аниқладим:

“RUSTAM Teks Servis” МЧЖ томонидан 2015 йилнинг 1 январидан 2018 йил 20 июнига қадар Хитой Ҳалқ Республикасидан 1 та партияда товарлар олиб келиниб, “Наманган” ТИФ божхона постида жами нетто оғирлиги 17,64 тонна бўлган, умумий фактура қиймати 17 минг АҚШ долларига тенг миқдорда товарлар “Эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимига асосан эркин муомалага чиқарилган.

Мазкур товарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги “Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сон Қарори асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 4 сентябрдаги 585-Ф-сон Фармойиши билан тасдиқланган рўйхатда бўлганлиги ҳамда ишлаб чиқариш мақсадида олиб келган товар сифатида кўрсатилганлиги учун 13 млн. 521 минг 966,2 сўм божхона тўловларидан имтиёз қўлланилган ҳолда божхона расмийлаштирувидан ўтказилган (*Жадвал илова қилинади*).

Жамият томонидан импорт сифатида олиб келинган товарларни Наманган вилояти божхона бошқармаси доирасида “эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимига расмийлаштириш пайтида, “Gold Brok Servis” брокерлик фирмасининг божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиси Ботиров Назар Дилшодович томонидан декларациялар божхона органларига тақдим этилган ва “Наманган” ТИФ божхона пости инспектори Ш.Исроилов томонидан божхона кўриги амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтган “Юридик шахсларга, солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақидаги” 1463-сонли Низомнинг 15-бандига асосан “Солиқ ва божхона тўловлари бўйича қўлланилган имтиёзлар агар

мақсадсиз фойдаланганлик ҳолатлари аниқланса, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар, уларни ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда мажбурий равишда давлат бюджетига ундириб олиниши кераклиги белгилаб қўйилган".

Шунга кўра, мазкур жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарори асосида олиб келинган товарлар мақсадсиз фойдаланилган бўлса, мазкур товарлар учун божхона тўловлари қайта ҳисобланиб **68.832.767,81 сўм** мажбурий божхона тўловлари давлат бюджетига тўланиши лозим бўлади.

Илова ___варақда.

Далолатнома тузувчи:

**Наманган вилояти божхона
бошқармаси Божхона тўловлари
бўлими катта инспектори,
божхона хизмати капитани**

(имзо)

Б.Мирзаев

Қ А Р О Р
Жиноят ишини суриштирувчига ўтказиш ҳақида

2019 йил 01 август

Наманган шаҳри

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, божхона хизмати майори Ш.М.Ахмадалиев, 401-4-2019-628-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М :

Мазкур жиноят иши 09.07.2018 йилда Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бош инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати капитани Қ.К.Долиматов томонидан “RUSTAM Teks Servis” маъсулияти чекланган жамияти раҳбари Рустамов Мохир Тохировичга нисбатан ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми билан қўзғатилиб, иш юритувига олинган.

2019 йил 01 август кунидан Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бош инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати капитани Қ.К.Долиматов бошқа лавозимга ўтказилганлиги муносабати билан унинг иш юритувидаги мазкур жиноят ишини бошқа суриштирувчига ўтказиш лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 39, 381⁵-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. 401-4-2019-628-сонли жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими катта инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти А.А.Бозоровга ўтказилсин.

2. Қабул қилинган қарор хусусида манфаатдор томонларга маълум қилинсин.

3. Қарор нусхаси Наманган вилоят прокурорига юборилсин.

**Суриштирув ва маъмурий
амалиёт бўлими бошлиғи,
божхона хизмати майори**

(имзо)

Ш.М.Ахмадалиев

Қ А Р О Р
Жиноят ишини иш юритувга олиш ҳақида

2019 йил 01 август

Наманган шаҳри

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими катта инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти А.А.Бозоров, 401-4-2019-628-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М :

Мазкур жиноят иши 09.07.2019 йилда Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бош инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати капитани Қ.К.Долиматов томонидан “RUSTAM Teks Servis” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Рустамов Мохир Тохировичга нисбатан ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми билан кўзғатилиб, иш юритувга олинган.

2019 йил 01 август кунидан Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бош инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати капитани Қ.К.Долиматов бошқа лавозимга ўтказилганлиги муносабати билан унинг иш юритувидаги мазкур жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини юритиш менга юклатилган.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 38¹, 381⁶-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. 401-4-2019-628-сонли жиноят ишини ўз иш юритувигамга олиб, дастлабки терговга киришилсин.
2. Қабул қилинган қарор хусусида манфаатдор томонларга маълум қилинсин.
3. Қарор нусхаси Наманган вилоят прокурорига юборилсин.

Суриштирувчи:

(имзо)

А.А.Бозоров

Қ А Р О Р
жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга
жалб қилиш тўғрисида

2019 йил 04 август

Наманган шаҳри

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими катта инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти А.А.Бозоров, иш юритувимдаги 401-4-2019-628-сонли жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М :

01.01.1980 йилда Наманган шаҳрида туғилган Рустамов Мохир Тохирович, Наманган шаҳар, Янгиобод МФЙ Темирйўл кўчаси 6-уйда яшаб келиб, мулкый наф кўриш мақсадида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумига кирувчи сохта тадбиркорлик, кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш жиноятларини қуйидаги ҳолат, вақт ва усулда содир этган.

Хусусан, М.Т.Рустамов Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан 15.10.2015 йилда рўйхатдан ўтказилган “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, жамиятнинг тасдиқланган Низомига асосан асосий фаолият тури, тикувчилик, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, кенг кўламда енгил саноат, тикувчилик, тўқимачилик, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишдан иборат бўлсада, ушбу фаолият тури билан шуғулланмай, жамиятга хорижий давлатлардан импорт шартномасига кўра 03.12.2015 йилда фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари (божхона қиймати 95.183,51 АҚШ доллари эквивалентда 261.795.581,4 сўм) эквивалентда 46.760.335,5 сўмлик ип маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш мақсадида олиб келиб, импорт шартномалар асосида олиб келинган тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан давлат бюджетига солиқларни камайтириб тўлаш мақсадини кўзлаб, сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган.

М.Т.Рустамов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан, яъни мулкый наф кўриш мақсадида, уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, давлат бюджетига солиқларни камайтириб тўлаш мақсадини кўзлаб, сохта тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб, ЖКнинг 179-моддасида назарда тутилган жиноятни;

Шунингдек, М.Т.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, мулкый наф кўриш мақсадида ўзининг раҳбарлигида Наманган шаҳрида “RUSTAM Teks Servis” МЧЖга импорт шартномаси асосида ХХР дан ишлаб чиқариш мақсадида 2015 йил 03 декабрь куни олиб келинган умумий божхона қиймати 95.183,51 АҚШ доллари (фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари)га тенг бўлган умумий оғирлиги 17.001,1 кг бўлган 4 хил номдаги ип маҳсулотлари олиб келиб, ушбу ип маҳсулотларидан умумий божхона қиймати 89.110,68 АҚШ доллари (фактура қиймати 14.800,8 АҚШ доллари)га тенг бўлган оғирлиги 14.800,8 кг бўлган 3 хил номдаги тикувчиликда ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ип маҳсулотлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарорига кўра имтиёз қўлланилиб, 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларини тўлашдан озод этилган.

Бироқ жамият раҳбари М.Т.Рустамов юқоридаги ип маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги ПҚ-1050-сонли қарорида кўрсатилган божхона тўловлари бўйича белгиланган имтиёзлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиб, натижада давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган кўп миқдордаги 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шу каби М.Т.Рустамов Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 32-36, 360-моддалари талабларига зид равишда “RUSTAM Teks Servis” МЧЖнинг Наманган шаҳар Давлат Солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботларда сотувдан тушган пул маблағларини яшириб, кўрсатмаганлиги оқибатида давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган 11.724.800 сўм 2015 йил учун ягона солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

М.Т.Рустамов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловлари ва 11.724.800 сўм ягона солиқ жами 80.557.567,81 сўм кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, ЖКнинг 184-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни;

Бундан ташқари, М.Т.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “RUSTAM Teks Servis” МЧЖга қўлланилган имтиёзлар ҳисобига олиб келинган йилда фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари эквивалентда 46.760.335,5 сўмлик божхона қийматида ҳисобланганида 95.183,51 АҚШ доллари эквивалентда 261.795.581,4 сўмлик ип маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмай, маҳсулотларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, 234.495.581,4 сўмлик

ип маҳсулотлари савдосидан тушган нақд пул маблағларини НКМга кириб қилмай ва банк муассасасига топширмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2011 йилдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги 306-сонли, 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сон қарорлари талабларига зид равишда, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини амалга ошириб, товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини 234.495.581,4 сўм жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

М.Т.Рустамов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан, яъни товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини 234.495,581,4 сўм жуда кўп миқдордаги қийматда бузиб, ЖКнинг 189-моддасида назарда тутилган жиноятни;

Шундай қилиб, Рустамов Мохир Тохирович ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан, яъни мулкӣй наф кўриш мақсадида, уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, давлат бюджетига солиқларни камайтириб тўлаш мақсадини кўзлаб сохта тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб, ЖКнинг 179-моддасида, давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловлари ва 11.724.800 сўм ягона солиқ жами 80.557.567,81 сўм кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлаб, ЖКнинг 184-моддаси 2-қисмида ва товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини 234.495.581,4 сўм жуда кўп миқдордаги қийматда бузиб, ЖКнинг 189-моддасида назарда тутилган жиноятларни қасдан содир этган бўлиб, уни мазкур жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш лозим бўлади.

Баён этилганларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38¹, 45-46, 361-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Мазкур жиноят иши бўйича Рустамов Мохир Тохирович айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниб, унга ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 2-қисми ва 189-моддаси билан айблов эълон қилинсин.

2. Ушбу қарор айбланувчи М.Т.Рустамовга эълон қилинсин ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилсин.

3. Қарор нусхаси назорат учун шаҳар прокурорига юборилсин.

Суриштирувчи:

(имзо)

А.А.Бозоров

Ушбу қарор менга 2019 йил 04 август куни эълон қилинди ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, яъни:

“Айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; қамокқа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида ҳимоячига ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом эти швақти чекланмаган ҳолда у билан ҳоли учрашиш, (ЖПКнинг 230-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно); ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқларига эга. Судланувчи охириги сўз билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Айбланувчи; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш; дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги, ҳақиқатни аниқлашга, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга ҳилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт. Айбланувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек узининг айбдор эмаслиги ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас” лиги тўғрисида тушунтирилди.

Айбланувчи:

(имзо)

М.Т.Рустамов

Қ А Р О Р

Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат орқали
очикда қолдириш эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида

2019 йил 04 август

Наманган шаҳри

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими катта инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти А.А.Бозоров, иш юритувимдаги 401-4-2019-628-сонли жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М:

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими томонидан Рустамов Мохир Тохирович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 2-қисми ва 189-моддаси билан жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган.

М.Т.Рустамовнинг содир этган жинояти ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришлиги, яшаш жойи ва иш жойи аниқлиги, содир этган жиноятига тўла иқрорлигини, яшаш жойидан яхши тавсифланганлиги, қармоғида 3 нафар фарзандлари борлиги, тергов ҳаракатларига тўсқинлик қилмасдан терговчи ва суднинг чақириши билан дарҳол етиб келиши, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида берган тилхатини инобатга олган ҳолда унга муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат орқали очикда қолдириш эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК-нинг 38¹, 236-238, 240, 250-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. Мазкур жиноят иши бўйича айбланувчи - 01.01.1980 йилда Наманган вилояти Наманган шаҳрида туғилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, депутатликка сайланмаган, партиясиз, Наманган шаҳридаги “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари, Наманган шаҳар Янгиобод МФЙ Темирйўл кўчаси 6-уйда рўйхатда туриб, истиқомат қилувчи Рустамов Мохир Тохировичга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўллансин.

2. Ушбу қарор айбланувчи М.Т.Рустамовга эълон қилинсин.

Суриштирувчи:

(имзо)

А.А.Бозоров

Ушбу қарор менга 2018 йил 04 август куни эълон қилинди.

Айбланувчи:

(имзо)

М.Т.Рустамов

Т И Л Х А Т

Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими катта инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти А.А.Бозоров томонидан суриштирув ўтказилаётган 401-1-2019-628-сонли жиноят иши бўйича айбланувчи Рустамов Мохир Тохирович бераман ушбу тилхатни шу ҳақдаким, ўзимни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддасида, 184-моддаси 2-қисмида ва 189-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этганимга тўла иқрорман, тергов ва суддан яширинмасликка, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмасликка, жинойий фаолият билан шуғулланмасликка, терговчи, прокурор ва судининг биринчи чақируви билан дарҳол етиб келишликка, тергов ва суд органидан ижозатсиз Наманган шаҳар Янгиобод МФЙ Темирийўл кўчаси 6-уйдан бошқа жойга кўчиб кетмасликка, яшаш жойим ўзгариб қолган тақдирда дарҳол тергов ва суд органига хабар қилишликка сўз бераман.

Агар ушбу тилхатда кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасида кўрсатилган бошқа мажбуриятларимни бузган тақдиримда менга нисбатан қаттиқроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкинлиги ҳақида прокурор томонидан огоҳлантирилдим.

Ушбу тилхат Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими катта инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти А.А.Бозоров томонидан менинг сўзимдан тўғри ёзилган.

_____ М.Т.Рустамов

2019 йил «___» август

Тилхат олдим:

Суриштирувчи:

(имзо)

А.А.Бозоров

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ
СУРИШТИРУВ ВА МАЪМУРИЙ АМАЛИЁТ БЎЛИМИ**

АЙБЛАНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ БАЁННОМАСИ

2019 йил 04 август

Наманган шаҳри

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими катта инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти А.А.Бозоров, иш юритувимдаги жиноят иши юзасидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96-111-моддаларига қўлланиб, ҳимоячи Я.Р.Раҳмановни иштирокида айбланувчи тариқасида сўроқ қилдим.

Сўроқ бошланди: соат « __ : __ » да.

Сўроқ тамомланди: соат « __ : __ » да.

- | | | |
|-----|---|---|
| 1 | Фамилия, исми, шарифи | Рустамов Мохир Тохирович |
| 2 | Туғилган йили, ой, кун | 01.01.1980 йил |
| 3 | Туғилган жойи | Наманган вилояти Наманган шаҳри |
| 4 | Миллати | Ўзбек |
| 5 | Фуқаролиги | Ўзбекистон Республикаси |
| 6 | Маълумоти, касби | Ўрта-махсус
Наманган шаҳар Янгиобод МФЙ Темирийўл
кўчаси 6-уйда истиқомат қилади. |
| 7 | Яшаш жойи | Телефон: _____ |
| 8 | Оилавий ахволи | Оилали, 3 нафар фарзанди бор |
| 9 | Иш жойи, лавозими | Наманган шаҳридаги “RUSTAM Teks
Servis” МЧЖ раҳбари |
| 10. | Шахсини тасдиқловчи
ҳужжат | Шахси аниқ, АВ 2385340 серия, рақамли
фуқаролик паспорти асосида |
| 11 | Судланганлиги | Муқаддам судланмаган |
| 12 | Харбий хизматга
мажбурийлиги | Хизматга мажбур |
| 13 | Мукофотланганлиги | Мукофот олмаган |
| 14 | Депутатлиги | Депутатликка сайланмаган. |
| 15 | Айбланувчига алоқаси | |
| 16 | Жабрланувчи ёки фуқа-
ровий даъвогарга алоқаси | Йўқ |

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддаси (айбланувчини ҳуқуқ ва мажбуриятлари)

Айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиш; қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш, ушбу Кодекс 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга.

Айбланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Айбланувчи: _____ **М.Т.Рустамов**

Мен, Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими катта инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти А.А.Бозоровнинг 2019 йил 04 август кундаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддасида, 184-моддаси 2-қисмида ва 189-моддасида назарда тутилган жиноятларни содир этганлигим тўғрисидаги айбловига _____ иқроп _____.

Айбланувчи: _____ **М.Т.Рустамов**

Савол: Айтингчи, кўрсатув беришни хоҳлайсизми, агар кўрсатув беришни хоҳласангиз қайси тилда кўрсатув берасиз?

Жавоб: Мен кўрсатмаларимни ўзбек тилида кирилл алифбосида беришни хоҳлайман, менинг кўрсатувларим суриштирувчи томонидан компьютер ёрдамида ёзиб олинишига қаршилигим йўқ.

Берилган саволларга қуйидагиларни маълум қилди:

Мен юқорида кўрсатилган манзилда яшаб келаман. Наркология ва руҳий асаб касалликлар диспансерида врач рўйхатида турмайман, соғлиғим яхши, берилган саволларни тушунган ҳолда ўз фикрим билан жавоб бераман.

2015 йил куз ойларида Хитой давлатидан трикотаж маҳсулотлари яъни пайпоқ иплари ва бошқа қисмлари юзасидан имтиёздан фойдаланган ҳолда олиб келиш ва келгусида ишлаб чиқариш, сотиш фикри туғилди.

Шунга кўра, мен 2015 йил 15 октябрь куни Наманган шаҳрида “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖни бир ўзим ташкил этганман. Жамиятнинг фаолият тури трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлиб, юридик манзили менинг яшаш манзилим, яъни Наманган шаҳар, Янгиобод МФЙ, Темирийўл кўчаси, 6-уй деб кўрсатилган. Бироқ ушбу манзилда ёки бошқа бирон бир бошқа манзилда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ цех ёки корхонам мавжуд эмас.

2015 йил декабрь ойида Хитой Халқ Республикасининг “Xing Jiang Alqun import & export” Co.LTD жамият ўртасида 04.11.2015 йилдаги шартномага кўра, мен раҳбарлик қилаётган “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖ номига умумий божхона қиймати 95.183,51 АҚШ доллариға тенг бўлган умумий оғирлиги 17.001,1 кг бўлган жами 4 хил номдаги ип маҳсулотларини олиб келиниб, Наманган шаҳридаги “ABC Ҳамкор” очик турдаги божхона омборига жойлаштирилган. 2015 йил 02 декабрь куни юқоридаги олиб келинган маҳсулотларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун Наманган шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган “GOLD BROK SERVIS” хусусий корхонаси билан шартнома имзолаганман. 2015 йил 03 декабрь куни мен “GOLD BROK SERVIS” хусусий корхонаси божхона расмийлаштируви мутахассиси Ботиров Назар Дилшодович билан биргаликда мен раҳбарлик қилаётган жамият номига олиб келинган маҳсулотларни Хитой давлатидан юборилган йўл юк хужжатлари асосида божхона омбори ИМ-74 божхона режимига жойлаштириш юзасидан божхона юк декларациясини тўлдириб, “Наманган” ТИФ божхона постига тақдим қилганмиз. Ушбу божхона юк декларацияси “Наманган” ТИФ божхона пости ходими Мирзаев Бунёд Шокиржонович томонидан 14010/03.12.2015/0006767 рақам билан рўйхатга олингандан сўнг, шу куни “Наманган” ТИФ божхона пости инспектори Исроилов Шерзод Боходирович 14010/03.12.2015/0006767 рақамли божхона юк декларацияси ва йўл юк хужжатлари асосида божхона расмийлаштируви мутахассиси Назаров Дилшоджон Холдоралиевич, “ABC Ҳамкор” очик турдаги божхона омбори омборчиси Саматов Нурмухаммад, “Азия эксперт брокер групп” МЧЖ эксперти Эргашев Нурматжон Алижанович, холислар Джураев Улугбек Акбарович ва Абдуллаев Рашидхон Саидвалиевичлар иштирокида мен раҳбарлик қилаётган жамият номига Хитой давлатидан олиб келинган ип маҳсулотлар контейнердан туширилиб, божхона кўригидан ўтказилди. Божхона кўриги жараёнида 14010/03.12.2015/0006767 рақамли божхона юк декларацияси ва йўл юк хужжатлари кўрсатилган 350 та

полиэтилен қопларда 5.280 та ғалтакда 8.800 кг “пряжа из синтетических волокон”, 132 та полиэтилен қопларда 2.200,3 кг “нитки комплексные синтетические, текстурированные”, 33 та полиэтилен қопларда 2.640 та ғалтакда 1.000,3 кг “резиновая нить с текстильным покрытием” ва 196 та картон каробкада 3.136 та ғалтакда 5.000,5 “эластомерные комплексные синтетические нитки” маҳсулотлари божхона юк декларацияси ва йўл юк хужжатларига мос келганлиги ва тафовутлар аниқланмаганлиги кўрилиб, бу ҳақида божхона кўриги далолатномаси расмийлаштирилди. Сўнг ушбу маҳсулотлари “АВС Ҳамкор” божхона омборига жойлаштирилди. Шу куннинг ўзида мен божхона расмийлаштируви мутахассиси Н.Д.Ботиров билан биргаликда юқоридаги ип маҳсулотларини эркин муомалага чиқариш ИМ-40 божхона режими жойлаштириш учун божхона юк декларациясини тўлдириб, “Наманган” ТИФ божхона постига тақдим қилдик. “Наманган” ТИФ божхона пости ходими Б.Мирзаев томонидан 14010/03.12.2015/0006777 рақами билан рўйхатга олиниб, шу пост инспектори Ш.Исроилов томонидан ушбу БЮД ва йўл юк хужжатлари асосида юбюрида келтирилган шахслар иштирокида ип маҳсулотларини яна бир бор божхона кўригидан ўтказилди ва хужжатларга мос келганидан сўнг ип маҳсулотларни “АВС Ҳамкор” божхона омборидан олиб чиқиб кетдик.

Мен раҳбарлик қилаётган “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖ номига олиб келинган юқоридаги ип маҳсулотларини “Наманган ТИФ” божхона постига ушбу маҳсулотларни жамиятнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун олиб келинганлиги кўрсатиб, имтиёз олиш учун асос бўлган барча хужжатларни тақдим этганман, шунга кўра импорт қилинган умумий божхона қиймати 95.183,51 АҚШ долларига умумий оғирлиги 17.001,1 кг бўлган 4 хил номдаги ип маҳсулотларидан умумий божхона қиймати 89.110,68 АҚШ долларига тенг бўлган оғирлиги 14.800,8 кг бўлган 3 хил номдаги тикувчиликда ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ип маҳсулотлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги ПҚ-1050 сон қарорига кўра товарларга божхона тўловларидан озод этиш юзасидан имтиёзлар қўлланилган.

Мен олиб келинган ип маҳсулотларини келгусида ишлаб чиқариш учун йўналтирмоқчи эдим, бироқ ушбу ип маҳсулотларидан пайпоқ ишлаб чиқариш учун керакли ускуналар ўта қиммат бўлганлиги сабабли сотиб олишга маблағ топа олмадим. Шу сабабли керакли ускуналарни сотиб олиш ва ишлатиш учун моддий қийналганлигим сабабли қарорда қайд этилган имтиёзлардан мақсадсиз фойдаланиб, импорт қилинган товарларни ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, ўз манфаатим йўлида нотаниш шахсларга сотиб юборганман. Мазкур ип маҳсулотларидан имтиёз қўлланмаган ҳолда олиб кирилган қисмини хўжалик юритувчи субъектларга бир ўзим сотиб юборганман.

Мен юқоридаги жамиятни бир ўзим ташкил этиб, бир ўзим иш фаолиятини юргизганман. Мазкур жамиятни бошқаришда мени ҳисобчим ва иш бошқарувчим бўлмаган ҳамда ишлаб чиқариш учун керакли дастгоҳлар сотиб ололмаганлигим сабабли жамиятга ишчиларни ҳам ишга қабул қила олмаганман. Жамиятни иш бошқарувчиси ва ҳисобчиси лавозимида ҳам шахсан ўзим ишлаб, барча ишларни шахсан ўзим амалга оширганман.

Мен ушбу юқорида кўрсатилган товарлардан ташқари чет давлатлардан жамият номига товарлар импорт қилинмаган.

2019 йил 19 июль кунидан 30 июль кунига қадар мен раҳбарлик қилаётган МЧЖда ўтказилган текширишда ҳақиқатдан ҳам, ДСИ ходими текширишни бошлашдан олдин корхона фаолиятига тегишли бўлган барча бухгалтерия бирламчи ҳужжатларини тақдим этишимни сўради. Тегишли ҳужжатларни тақдим этдим ва тегишли ҳужжатлар асосида ҳужжатли текшириш ўтказилди. ДСИ ходими томонидан текширишга тақдим этилмаган корхонанинг молия хисоб-рақамлари фаолиятига доир бошқа бирламчи ҳужжатларни мавжудлиги аниқланган тақдирда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишим мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Агар текширишдан сўнг корхона фаолиятига доир ҳужжатлар аниқланадиган бўлса жавобгарлигини ўз зиммамга оламан.

Ўтказилган текшириш якунига кўра қуйидаги камчиликларга йўл қўйганлигим аниқланди:

Наманган вилоят божхона бошқармаси томонидан жамиятга импорт шартномаси асосида ХХРдан ишлаб чиқариш мақсадида 2015 йил 03 декабрь куни олиб келинган жами 14800,8 кг умумий фактура қиймати 14800,8 АҚШ долларига тенг бўлган жами 3 хил номдаги тикувчиликда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган трикотаж маҳсулотларини олиб келиб, маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2009 йилдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қароридан кўрсатилган божхона тўловлари бўйича белгиланган имтиёزلардан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиб, натижада давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган кўп миқдордаги 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларини тўлашдан бўйин товланганлигим аниқланди.

Импорт шартномаси асосида олиб келинган маҳсулотлар божхона қиймати билан ҳисобланиб, жамиятнинг ҳисоб-рақамига келиб тушган маблағлар чегирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинганда, 234.495.700 сўмлик сотилган маҳсулотлар юзасидан маблағлар жамият ҳисоб-рақамига келиб тушмаганлиги аниқланди.

Текширишда 234.495.700 сўмлик сотилган маҳсулотлар юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилмаганлиги ёки сотилган маҳсулотларни раелизациясидан келиб тушган маблағларни жамият ҳисоб рақамига қилинмаганлиги натижасида, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) - товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши белгиланганлигини инобатга олиб, 46.899,14 минг сўм ($234.495.700 \text{ минг сўм} * 20\% = 46.899.140 \text{ минг сўм}$) миқдорида молиявий жарима қўллаш лозим топилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақидаги 595-сонли қарори талабларига риоя этилиши юзасидан корхона текширилганда, АТ “Халқ банки” Наманган шаҳар филиалидан олинган маълумотга ва жамиятда мавжуд ҳужжатларга асосан корхонанинг ишчи ходимларига жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари очилганлиги ва реестрлар тақдим этилганлиги текширилганда, жамият томонидан ишчи хизматчиларга жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари очилмаганлиги ва маблағлар ўтказилмаганлиги ва бу билан қарор талаблари бузилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 511-сонли қарорининг ижроси юзасидан кўрилганда, корхона томонидан электр энергиясидан фойдаланиш юзасидан текширилган даврлар мобайнида электр тармоқлари корхонаси билан шартномалар тузилмаганлиги, қарздорлиги мавжуд эмаслиги аниқланди.

Четдан олиб келинган маҳсулотларни сотилганлиги юзасидан ҳужжатлар тақдим эта олмайман, ушбу маҳсулотларни сотишдан банкда очилган жамият ҳисоб рақамига 27.300.000 сўм маблағ келиб тушганлиги ва ҳозирда бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан дебитор ҳақдорлигим мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу маҳсулотлар қолдиқда ҳам мавжуд эмаслиги тўғри.

Савол: 2019 йил 19 июль кунидан 30 июль кунига қадар Сиз раҳбарлик қилаётган “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖда ўтказилган текширишда, жамият ҳовлисида турган қиймати 43.300.000 сўмга тенг бўлган 5 тонна цемент маҳсулотлари, 1 комплект бетономешалка, 1 дона вибростол, 300 метр квадрат қолиплар, 500 дона фанер паддонлар, 10 метр куб писка ва 200 кг пигмент(ранг)лар кимга тегишли, уларни қачон сотиб олинган ва жамиятга кирим қилинганми?

Жавоб: Мен раҳбарлик қилаётган “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖда ўтказилган текширишда, жамият ҳовлисида турган қиймати 43.300.000 сўмга тенг бўлган 5 тонна цемент маҳсулотлари, 1 комплект бетономешалка, 1 дона вибростол, 300 метр квадрат қолиплар, 500 дона фанер паддонлар, 10 метр куб писка ва 200 кг пигмент(ранг)лар акам Рустамов Шокир Тохировичга тегишли бўлиб, уларни 2017 йилнинг январь-февраль ойларида нақд пулига сотиб олган. Ушбу маҳсулот ва хом ашёларни менга фойдаланиш учун берган. Шунинг учун мен уларни жамиятга кирим қилинмаган.

Савол: Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1996 йилдаги “Бухгалтерия тўғрисида”ги қонуни талаблари бўйича Сиз раҳбарлик қилаётган МЧЖни ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган қатъий ҳисобда бўлган бухгалтерия бош китоби, айланма китоблар, ишонч қоғозларини юритиш китоби, касса китоби, буюртмачи ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги журналларни ва бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатларини терговга тақдим эта оласизми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1996 йилдаги «Бухгалтерия тўғрисида»ги қонун талаблари бўйича мен раҳбарлик қилаётган МЧЖни ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган қатъий ҳисобда бўлган бухгалтерия бош китоби, айланма китоблар, ишонч қоғозларини юритиш китоби, касса китоби, буюртмачи ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги журналларни ва бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатлари юритиш лозимлигини билмаганлигим учун юқоридаги ҳужжатлар юритилмаган. Шунинг учун мен уларни терговга тақдим қила олмайман.

Савол: Қўшимчаларингиз борми?

Жавоб: Менинг қўшимчаларим йўқ, қилган ишимдан чин кўнгилдан пушаймонман, айбимга иқрорман, айбимга иқрорлигимни, муқаддам судланмаганлигимни инобатга олиб қонуний енгиллик берилишини сўрайман.

Савол: Сизга кўрсатмаларингиз ёзиб олинган сўроқ баённомаси ўқиб, имзолаш учун тақдим қилинмоқда. Сўроқ баённомасига қўшимча ва ўзгартиришларингиз, сўроқ жараёнига эътирозларингиз борми?

Жавоб: _____

_____.

Айбланувчи: (имзо) **М.Т.Рустамов**

Ҳимоячи (имзо) **Я.Р.Раҳманов**

Сўроқ қилдим: (имзо) **А.А.Бозоров**

Қ А Р О Р

Ёзма далил деб эътироф этиш тўғрисида

2019 йил 06 август

Наманган шаҳри

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими катта инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти А.А.Бозоров, иш юритувимдаги 401-4-2019-628-сонли жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М :

Иш материалларига кўра, М.Т.Рустамов Наманган шаҳар хокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан 15.10.2015 йилда рўйхатдан ўтказилган “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, жамиятнинг тасдиқланган Низомига асосан асосий фаолият тури, тикувчилик, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, кенг кўламда энгил саноат, тикувчилик, тўқимачилик, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишдан иборат бўлсада, ушбу фаолият тури билан шуғулланмай, жамиятга хорижий давлатлардан импорт шартномасига кўра 03.12.2015 йилда фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари (божхона қиймати 95.183,51 АҚШ доллари эквивалентда 261.795.581,4 сўм) эквивалентда 46.760.335,5 сўмлик ип маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш мақсадида олиб келиб, импорт шартномалар асосида олиб келинган тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан давлат бюджетига солиқларни камайтириб тўлаш мақсадини кўзлаб сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган.

Шунингдек, М.Т.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, мулкий наф кўриш мақсадида ўзининг раҳбарлигида Наманган шаҳрида “RUSTAM Teks Servis” МЧЖга импорт шартномаси асосида ХХРдан ишлаб чиқариш мақсадида 2015 йил 03 декабрь куни олиб келинган умумий божхона қиймати 95.183,51 АҚШ доллари (фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари)га тенг бўлган умумий оғирлиги 17.001,1 кг бўлган 4 хил номдаги ип маҳсулотлари олиб келиб, ушбу ип маҳсулотларидан умумий божхона қиймати 89.110,68 АҚШ доллари (фактура қиймати 14.800,8 АҚШ доллари)га тенг бўлган оғирлиги 14.800,8 кг бўлган 3 хил номдаги тикувчиликда ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ип маҳсулотлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарорига кўра, имтиёз қўлланилиб, 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларини тўлашдан озод этилган.

Бирок жамият раҳбари М.Т.Рустамов юқоридаги ип маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги ПҚ-1050-сонли қарорида кўрсатилган божхона тўловлари бўйича белгиланган имтиёзлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиб, натижада давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган кўп миқдордаги 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шу каби М.Т.Рустамов Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 32-36, 360-моддалари талабларига зид равишда “RUSTAM Teks Servis” МЧЖнинг Наманган шаҳар ДСИга тақдим этилган ҳисоботларда сотувдан тушган пул маблағларини яшириб, кўрсатмаганлиги оқибатида давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган 11.724.800 сўм 2015 йил учун ягона солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Бундан ташқари, М.Т.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “RUSTAM Teks Servis” МЧЖга қўлланилган имтиёзлар ҳисобига олиб келинган йилда фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари эквивалентда 46.760.335,5 сўмлик божхона қийматида ҳисобланганида 95.183,51 АҚШ доллари эквивалентда 261.795.581,4 сўмлик ип маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмай, маҳсулотларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, 234.495.581,4 сўмлик ип маҳсулотлари савдосидан тушган нақд пул маблағларини НКМга кирим қилмай ва банк муассасасига топширмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2011 йилдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги 306-сонли, 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарорлари талабларига зид равишда, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини амалга ошириб, товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини 234.495.581,4 сўм жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Юқоридагиларга кўра, “RUSTAM Teks Servis” МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиш, банк айланмаларини бажариш ва импорт маҳсулотларни божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун асос бўлган ҳужжатлар мазкур жиноят иши учун далилий аҳамиятга эга эканлиги ва жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёрдам бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38¹, 204-207-моддаларига қўлланиб, -

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. “RUSTAM Teks Servis” МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиш, банк айланмаларини бажариш ва импорт маҳсулотларни божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун асос бўлган ҳужжатлар мазкур жиноят иши бўйича ёзма далил деб эътироф этилсин ва иш ҳужжатларига қўшиб қўйилсин.

2. Қарорнинг нусхаси Наманган вилояти прокурорига юборилсин.

Суриштирувчи:

(имзо)

А.А.Бозоров



160100, Namangan shahri,
Irrigator ko‘chasi 2-a.
tel.: (369) 234-33-01
faks: (369) 234-35-01

el.pochta:
namangan@customs.uz

160100, город Наманган,
ул. Ирригаторов 2-а.
тел.: (369) 234-33-01
факс: (369) 234-35-01

« ___ » _____ 2019 йил

№ _____

Наманган шаҳар
Янгиобод МФЙ раисига

ТАҚДИМНОМА
Жиноятнинг сабабларини ва
унинг содир этилишига имкон
берган шарт-шароитларни
бартараф қилиш тўғрисида

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими томонидан Наманган шаҳар Янгиобод МФЙ Темирийўл кўчаси 6-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Рустамов Мохир Тохировични Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 2-қисми ва 189-моддаси билан айблаш ҳақидаги 401-4-2019-628-сонли жиноят иши юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Суриштирув ҳаракатларини олиб бориш жараёнида:

01.01.1980 йилда Наманган шаҳрида туғилган Рустамов Мохир Тохирович, Наманган шаҳар, Янгиобод МФЙ, Темирийўл кўчаси, 6-уйда яшаб келиб, мулкий наф кўриш мақсадида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумига кирувчи сохта тадбиркорлик, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиш жиноятларини қуйидаги ҳолат, вақт ва усулда содир этган.

Хусусан, М.Т.Рустамов Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан 15.10.2015 йилда рўйхатдан ўтказилган “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, жамиятнинг тасдиқланган Низомига асосан асосий фаолият тури, тикувчилик, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, кенг кўламда енгил саноат, тикувчилик, тўқимачилик, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва

сотишдан иборат бўлсада, ушбу фаолият тури билан шуғулланмай, жамиятга ҳорижий давлатлардан импорт шартномасига кўра 03.12.2015 йилда фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари (божхона қиймати 95.183,51 АҚШ доллари эквивалентда 261.795.581,4 сўм) эквивалентда 46.760.335,5 сўмлик ип маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш мақсадида олиб келиб, импорт шартномалар асосида олиб келинган тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан давлат бюджетига солиқларни камайтириб тўлаш мақсадини кўзлаб, сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган.

М.Т.Рустамов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан, яъни мулкий наф кўриш мақсадида, уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, давлат бюджетига солиқларни камайтириб тўлаш мақсадини кўзлаб, сохта тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб, ЖКнинг 179-моддасида назарда тутилган жиноятни;

Шунингдек, М.Т.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, мулкий наф кўриш мақсадида ўзининг раҳбарлигида Наманган шаҳрида “RUSTAM Teks Servis” МЧЖга импорт шартномаси асосида ХХРдан ишлаб чиқариш мақсадида 2015 йил 03 декабрь куни олиб келинган умумий божхона қиймати 95.183,51 АҚШ доллари (фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари)га тенг бўлган умумий оғирлиги 17.001,1 кг бўлган 4 хил номдаги ип маҳсулотлари олиб келиб, ушбу ип маҳсулотларидан умумий божхона қиймати 89.110,68 АҚШ доллари (фактура қиймати 14.800,8 АҚШ доллари)га тенг бўлган оғирлиги 14.800,8 кг бўлган 3 хил номдаги тикувчиликда ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ип маҳсулотлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарорига кўра имтиёз қўлланилиб, 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларини тўлашдан озод этилган.

Бироқ жамият раҳбари М.Т.Рустамов юқоридаги ип маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги ПҚ-1050-сонли қарорида кўрсатилган божхона тўловлари бўйича белгиланган имтиёзлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиб, натижада давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган кўп миқдордаги 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шу каби М.Т.Рустамов Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 32-36, 360-моддалари талабларига зид равишда “RUSTAM Teks Servis” МЧЖнинг Наманган шаҳар ДСИга тақдим этган ҳисоботларида сотувдан тушган пул маблағларини яшириб, кўрсатмаганлиги оқибатида давлат

бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган 11.724.800 сўм 2015 йил учун ягона солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

М.Т.Рустамов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловлари ва 11.724.800 сўм ягона солиқ жами 80.557.567,81 сўм кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, ЖКнинг 184-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни;

Бундан ташқари, М.Т.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “RUSTAM Teks Servis” МЧЖга қўлланилган имтиёзлар ҳисобига олиб келинган йилда фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари эквивалентда 46.760.335,5 сўмлик божхона қийматида ҳисобланганида 95.183,51 АҚШ доллари эквивалентида 261.795.581,4 сўмлик ип маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмай, маҳсулотларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, 234.495.581,4 сўмлик ип маҳсулотлари савдосидан тушган нақд пул маблағларини НКМга кирим қилмай ва банк муассасасига топширмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2011 йилдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги 306-сонли, 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарорлари талабларига зид равишда, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини амалга ошириб, товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини 234.495.581,4 сўм жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

М.Т.Рустамов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан, яъни товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини 234.495,581,4 сўм жуда кўп миқдордаги қийматда бузиб, ЖКнинг 189-моддасида назарда тутилган жиноятни;

Суриштирув ҳаракатлари якунига кўра фуқаро М.Т.Рустамов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 2-қисми ва 189-моддаси билан айбланди.

Жиноят иши ҳозирда суд муҳокамасига юборилиш арафасида турибди.

Таҳлиллар, юқорида қайд этилган иқтисодиёт асосларига қаратилган бу каби жиноятларнинг содир этилишига Наманган шаҳридаги номи кўрсатилган МФЙда, шунингдек деярли барча бошқа маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасадди ходимлари, фаоллари ва кенг жамоатчилик томонидан фуқаролар, муқаддам судланганлар, ҳеч қаерда ишламайдиганлар, айниқса аёллар ўртасида жамиятнинг ривожланиши ва оила фаровонлиги учун фойдали бўлган қонуний фаолият билан шуғулланиш, амалда кенг имтиёзлар берилган қонуний тадбиркорлик фаолиятининг афзалликлари ҳақида тушунтиришлар ўтказиш, шунингдек жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида олиб

борилаётган ишларнинг самарали эмаслиги, аҳоли ўртасида жиноят учун жазо муқаррарлиги тушунчасини шакллантириш, иш билан банд бўлмаган аҳолининг турмуш тарзи, оилавий шароити, даромад манбаи, қайси турдаги фаолият билан шуғулланаётганлиги ва унинг қонунийлиги борасидаги жамоатчилик назоратининг суствлиги каби салбий ҳолатлар шароит яратиб бераётганини кўрсатмоқда.

Келгусида Кенгаш раҳбарлиги ва ташаббуси асосида аҳоли ўртасида жамият равнақи учун жон куйдириш, жиноятчиликни олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, қонун устуворлиги, жиноят учун жазо муқаррарлигини сингдириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкил этилишига эришиш, ножўя хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил фуқароларга жамоатчилик назорати орқали таъсир этиш йўли билан жиноятчиликдан қайтариш чораларини кўриб бориш юзасидан бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда дастурлар ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга татбиқ этилиши лозим, деб ҳисоблайман.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 297, 299-моддаларига асосан,

С Ў Р А Й М А Н :

Ушбу тақдимномани дарҳол ҳудуддаги барча маҳалла фуқаролар йиғинининг мутасаддилари, фаоллар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда манфаатдор ташкилотлар иштирокида муҳокама қилиб, шаҳар ҳудудида асосий эътиборни муқаддам судланганлар томонидан жиноят содир этилишини олдини олишга қаратган ҳолда жиноятчиликка барҳам бериш ва олдини олиш, бу борадаги жамоатчилик таъсирини кучайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқишликни ва амалиётга татбиқ этишни;

Тақдимномани муҳокамасида иштирок этиш учун кўриб чиқиш вақти хусусида Наманган вилояти божхона бошқармасига аввалдан маълум қилишликни;

Тақдимномани дарҳол кўриб чиқиб, натижаси ҳақида қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида Наманган вилояти божхона бошқармасига ёзма равишда хабар беришликни.

**Бошлиқ ўринбосари,
божхона хизмати полковниги** (имзо)

И.Жалолов

*Ижрочи: А.А.Бозоров
Тел:234-40-46*

**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Наманган вилоят прокурори
ўринбосари, адлия маслаҳатчиси**

_____ **Ж.О.Азимов**

2019 йил «__» август

А Й Б Л О В Д А Л О Л А Т Н О М А С И

Ўзбекистон Республикаси фуқароси
“RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари
Рустамов Мохир Тохировични Ўзбекистон
Республикаси ЖКнинг 179-моддаси,
184-моддаси 2-қисми ва 189-моддаси
билан айблаш ҳақидаги 401-4-2019-628-
сонли жиноят иши юзасидан.

Мазкур жиноят иши 09.07.2019 йил куни Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бош инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати капитани Қ.К.Долимаев томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари Рустамов Мохир Тохировичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми билан қўзғатилиб, иш юритувига олинган ва жиноят ишига 401-4-2019-628-рақами берилган.

ж.и. 1- 87 в.в.

Жиноят иши юзасидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш 2019 йил 01 август куни Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бош инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати капитани Қ.К.Долимаевдан менга ўтказилган.

ж.и. 255 в.в.

Жиноят ишини 2019 йил 01 август куни иш юритувимга олиб тергов ҳаракатларини олиб боришга киришганман.

ж.и. 256 в.в.

Суриштирув давомида тўпланган далилларга кўра:

1. 01.01.1980 йилда Наманган вилояти Наманган шаҳри туғилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали 3 нафар фарзанди бор, депутатликка сайланмаган, партиясиз, Наманган шаҳридаги “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари, Наманган шаҳар Янгиобод МФЙ, Темирйўл кўчаси, 6-уйда рўйхатда туриб, истиқомат қилувчи иш бўйича 04.08.2019 йилдан эҳтиёт чораси сифатида муносиб ҳуқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат қўлланилган **Рустамов Мохир Тохирович**;

Фуқаро Рустамов Мохир Тохирович, мулкӣ наф кўриш мақсадида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар туркумига кирувчи сохта тадбиркорлик билан шуғулланиб, кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаб ва савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддасида, 184-моддаси 2-қисмида ва 189-моддасида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда

А Й Б Л А Н А Д И:

Хусусан, М.Т.Рустамов Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан 15.10.2015 йилда рўйхатдан ўтказилган “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, жамиятнинг тасдиқланган Низомига асосан асосий фаолият тури, тикувчилик, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, кенг кўламда енгил саноат, тикувчилик, тўқимачилик, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотишдан иборат бўлсада, ушбу фаолият тури билан шуғулланмай, жамиятга ҳорижий давлатлардан импорт шартномасига кўра 03.12.2015 йилда фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари (божхона қиймати 95.183,51 АҚШ доллари эквивалентда 261.795.581,4 сўм) эквивалентда 46.760.335,5 сўмлик ип маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаб чиқариш мақсадида олиб келиб, импорт шартномалар асосида олиб келинган

тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан давлат бюджетига солиқларни камайтириб тўлаш мақсадини кўзлаб сохта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган.

М.Т.Рустамов ўзининг юқоридаги жинойий ҳаракатлари билан, яъни мулкый наф кўриши мақсадида, уставда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириши мақсадини кўзламасдан, давлат бюджетига солиқларни камайтириб тўлаш мақсадини кўзлаб сохта тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириб, ЖКнинг 179-моддасида назарда тутилган жинойятни содир этган.

Шунингдек, М.Т.Рустамов ўзининг жинойий ҳаракатларини давом эттириб, мулкый наф кўриш мақсадида ўзининг раҳбарлигида Наманган шаҳрида “RUSTAM Teks Servis” МЧЖга импорт шартномаси асосида ХХРдан ишлаб чиқариш мақсадида 2015 йил 03 декабрь куни олиб келинган умумий божхона қиймати 95.183,51 АҚШ доллари(фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари)га тенг бўлган умумий оғирлиги 17.001,1 кг бўлган 4 хил номдаги ип маҳсулотлари олиб келиб, ушбу ип маҳсулотларидан умумий божхона қиймати 89.110,68 АҚШ доллари (фактура қиймати 14.800,8 АҚШ доллари)га тенг бўлган оғирлиги 14.800,8 кг бўлган 3 номдаги тикувчиликда ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ип маҳсулотлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарорига кўра имтиёз қўлланилиб, 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларини тўлашдан озод этилган.

Бироқ жамият раҳбари М.Т.Рустамов юқоридаги ип маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги ПҚ-1050-сонли қарорида кўрсатилган божхона тўловлари бўйича белгиланган имтиёзлардан қонунга хилоф равишда фойдаланиб, натижада давлат бюджетига хисобланиши ва тўланиши лозим бўлган кўп миқдордаги 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шу каби М.Т.Рустамов Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 32-36, 360-моддалари талабларига зид равишда “RUSTAM Teks Servis” МЧЖнинг Наманган шаҳар ДСИга тақдим этган ҳисоботларда сотувдан тушган пул маблағларини яшириб, кўрсатмаганлиги оқибатида давлат

бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган 11.724.800 сўм 2015 йил учун ягона солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

М.Т.Рустамов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловлари ва 11.724.800 сўм ягона солиқ жами 80.557.567,81 сўм кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, ЖКнинг 184-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Бундан ташқари, М.Т.Рустамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, “RUSTAM Teks Servis” МЧЖга қўлланилган имтиёзлар ҳисобига олиб келинган йилда фактура қиймати 17.001,1 АҚШ доллари эквивалентда 46.760.335,5 сўмлик божхона қийматида ҳисобланганида 95.183,51 АҚШ доллари эквивалентда 261.795.581,4 сўмлик ип маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирмай, маҳсулотларни дастлабки терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, 234.495.581,4 сўмлик ип маҳсулотлари савдосидан тушган нақд пул маблағларини НКМга кириш қилмай ва банк муассасасига топширмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2011 йилдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги 306-сонли, 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларини банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарорлари талабларига зид равишда, нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланмасини амалга ошириб, товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини 234.495.581,4 сўм жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

М.Т.Рустамов ўзининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан, яъни товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини 234.495,581,4 сўм жуда кўп миқдордаги қийматда бузиб, ЖКнинг 189-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Мазкур жиноят иши бўйича **М.Т.Рустамовга** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 2-қисми ва 189-моддаси билан айблов эълон қилиниб, айбланувчи тариқасида сўроқ қилинганда, у ўзига нисбатан эълон қилинган айбга иқrorлигини билдириб берган кўргазмасида,
“2015 йил куз ойларида Хитой давлатидан трикотаж маҳсулотлари яъни пайпоқ иплари ва бошқа қисмлари юзасидан имтиёздан фойдаланган ҳолда олиб келиш ва келгусида ишлаб чиқариш, сотиш фикри туғилди.

Шунга кўра , мен 2015 йил 15 октябрь куни Наманган шаҳрида “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖни бир ўзим ташкил этганман. Жамиятнинг

фаолият тури трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлиб, юридик манзили менинг яшаш манзилим, яъни Наманган шаҳар, Янгиобод МФЙ, Темирийўл кўчаси, 6-уй деб кўрсатилган. Бироқ ушбу манзилда ёки бошқа бирон бир бошқа манзилда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ цех ёки корхонам мавжуд эмас.

2015 йил декабрь ойида Хитой Халқ Республикасининг “Xing Jiang Alqun import & export” Co.LTD жамият ўртасида 04.11.2015 йилдаги шартномага кўра, мен раҳбарлик қилаётган “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖ номига умумий божхона қиймати 95.183,51 АҚШ долларига тенг бўлган умумий оғирлиги 17.001,1 кг бўлган жами 4 хил номдаги ип маҳсулотларини олиб келиниб, Наманган шаҳридаги “ABC Ҳамкор” очик турдаги божхона омборига жойлаштирилган. 2015 йил 02 декабрь куни юқоридаги олиб келинган маҳсулотларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун Наманган шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган “GOLD BROK SERVIS” хусусий корхонаси билан шартнома имзолаганман. 2015 йил 03 декабрь куни мен “GOLD BROK SERVIS” хусусий корхонаси божхона расмийлаштируви мутахассиси Ботиров Назар Дилшодович билан биргаликда мен раҳбарлик қилаётган жамият номига олиб келинган маҳсулотларни Хитой давлатидан юборилган йўл юк хужжатлари асосида божхона омбори ИМ-74 божхона режимига жойлаштириш юзасидан божхона юк декларациясини тўлдириб, “Наманган” ТИФ божхона постига тақдим қилганмиз. Ушбу божхона юк декларацияси “Наманган” ТИФ божхона пости ходими Мирзаев Бунёд Шокиржонович томонидан 14010/03.12.2015/0006767 рақам билан рўйхатга олингандан сўнг, шу куни “Наманган” ТИФ божхона пости инспектори Исроилов Шерзод Боходирович 14010/03.12.2015/0006767 рақамли божхона юк декларацияси ва йўл юк хужжатлари асосида божхона расмийлаштируви мутахассиси Назаров Дилшоджон Холдоралиевич, “ABC Ҳамкор” очик турдаги божхона омбори омборчиси Саматов Нурмухаммад, “Азия эксперт брокер групп” МЧЖ эксперти Эргашев Нурматжон Алижанович, холислар Джураев Улугбек Акбарович ва Абдуллаев Рашидхон Саидвалиевичлар иштирокида мен раҳбарлик қилаётган жамият номига Хитой давлатидан олиб келинган ип маҳсулотлар контейнердан туширилиб, божхона кўригидан ўтказилди. Божхона кўриги жараёнида 14010/03.12.2015/0006767 рақамли божхона юк декларацияси ва йўл юк хужжатлари кўрсатилган 350 та полиэтилен қошларда 5.280 та ғалтакда 8.800 кг “пряжа из синтетических волокон”, 132 та полиэтилен қошларда 2.200,3 кг “нитки комплексные синтетические, текстурированные”, 33 та полиэтилен қошларда 2.640 та ғалтакда 1.000,3 кг “резиновая нить с текстильным покрытием” ва 196 та картон каробкада 3.136

та ғалтакда 5.000,5 “эластомерные комплексные синтетические нитки” маҳсулотлари божхона юк декларацияси ва йўл юк ҳужжатларига мос келганлиги ва тафовутлар аниқланмаганлиги кўрилиб, бу ҳақида божхона кўриги далолатномаси расмийлаштирилди. Сўнг ушбу маҳсулотлари “АВС Ҳамкор” божхона омборига жойлаштирилди. Шу куннинг ўзида мен божхона расмийлаштируви мутахассиси Н.Д.Ботиров билан биргаликда юқоридаги ип маҳсулотларини эркин муомалага чиқариш ИМ-40 божхона режими жойлаштириш учун божхона юк декларациясини тўлдириб, “Наманган” ТИФ божхона постига тақдим қилдик. “Наманган” ТИФ божхона пости ходими Б.Мирзаев томонидан 14010/03.12.2015/0006777 рақами билан рўйхатга олинди, шу пост инспектори Ш.Исроилов томонидан ушбу БЮД ва йўл юк ҳужжатлари асосида юборида келтирилган шахслар иштирокида ип маҳсулотларини яна бир бор божхона кўригидан ўтказилди ва ҳужжатларга мос келганидан сўнг ип маҳсулотларни “АВС Ҳамкор” божхона омборидан олиб чиқиб кетдик.

Мен раҳбарлик қилаётган “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖ номига олиб келинган юқоридаги ип маҳсулотларини “Наманган ТИФ” божхона постига ушбу маҳсулотларни жамиятнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун олиб келинганлиги кўрсатиб, имтиёз олиш учун асос бўлган барча ҳужжатларни тақдим этганман, шунга кўра импорт қилинган умумий божхона қиймати 95.183,51 АҚШ долларига умумий оғирлиги 17.001,1 кг бўлган 4 хил номдаги ип маҳсулотларидан умумий божхона қиймати 89.110,68 АҚШ долларига тенг бўлган оғирлиги 14.800,8 кг бўлган 3 хил номдаги тикувчиликда ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ип маҳсулотлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2009 йилдаги ПҚ-1050 сон қарорига кўра товарларга божхона тўловларидан озод этиш юзасидан имтиёзлар қўлланилган.

Мен олиб келинган ип маҳсулотларини келгусида ишлаб чиқариш учун йўналтирмақчи эдим, бироқ ушбу ип маҳсулотларидан пайпоқ ишлаб чиқариш учун керакли ускуналар ўта қиммат бўлганлиги сабабли сотиб олишга маблағ топа олмадим. Шу сабабли керакли ускуналарни сотиб олиш ва ишлатиш учун моддий қийналганлигим сабабли қарорда қайд этилган имтиёзлардан мақсадсиз фойдаланиб, импорт қилинган товарларни ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, ўз манфаатим йўлида нотаниш шахсларга сотиб юборганман. Мазкур ип маҳсулотларидан имтиёз қўлланмаган ҳолда олиб кирилган қисмини хўжалик юритувчи субъектларга бир ўзим сотиб юборганман.

Мен юқоридаги жамиятни бир ўзим ташкил этиб, бир ўзим иш фаолиятини юргизганман. Мазкур жамиятни бошқаришда мени ҳисобчим

ва иш бошқарувчим бўлмаган ҳамда ишлаб чиқариш учун керакли дастгоҳлар сотиб ололмаганлигим сабабли жамиятга ишчиларни ҳам ишга қабул қила олмаганман. Жамиятни иш бошқарувчиси ва ҳисобчиси лавозимида ҳам шахсан ўзим ишлаб, барча ишларни шахсан ўзим амалга оширганман.

Мен ушбу юқорида кўрсатилган товарлардан ташқари чет давлатлардан жамият номига товарлар импорт қилинмаган.

2019 йил 19 июль кунидан 30 июль кунига қадар мен раҳбарлик қилаётган МЧЖда ўтказилган текширишда ҳақиқатдан ҳам, ДСИ ходими текширишни бошлашдан олдин корхона фаолиятига тегишли бўлган барча бухгалтерия бирламчи ҳужжатларини такдим этишимни сўради. Тегишли ҳужжатларни такдим этдим ва тегишли ҳужжатлар асосида ҳужжатли текшириш ўтказилди. ДСИ ходими томонидан текширишга такдим этилмаган корхонанинг молия хшжалик фаолиятига доир бошқа бирламчи ҳужжатларни мавжудлиги аниқланган тақдирда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишим мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Агар текширишдан сўнг корхона фаолиятига доир ҳужжатлар аниқланадиган бўлса жавобгарлигини ўз зиммамга оламан.

Ўтказилган текшириш якунига кўра қуйидаги камчиликларга йўл қўйганлигим аниқланди:

Наманган вилоят божхона бошқармаси томонидан жамиятга импорт шартномаси асосида ХХРдан ишлаб чиқариш мақсадида 2015 йил 03 декабрь кунини олиб келинган жами 14800,8 кг умумий фактура қиймати 14800,8 АҚШ долларига тенг бўлган жами 3 хил номдаги тикувчиликда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган трикотаж маҳсулотларини олиб келиб, маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирмасдан, маҳсулотларни белгиланмаган жойларда нақд пул маблағларига сотиб юбориб, бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2009 йилдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли қарорида кўрсатилган божхона тўловлари бўйича белгиланган имтиёзлардан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиб, натижада давлат бюджетига ҳисобланиши ва тўланиши лозим бўлган кўп миқдордаги 68.832.767,81 сўм мажбурий божхона тўловларини тўлашдан бўйин товланганлигим аниқланди.

Импорт шартномаси асосида олиб келинган маҳсулотлар божхона қиймати билан ҳисобланиб, жамиятнинг ҳисоб-рақамига келиб тушган маблағлар чегирилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинганда, 234.495.700 сўмлик сотилган маҳсулотлар юзасидан маблағлар жамият ҳисоб-рақамига келиб тушмаганлиги аниқланди.

Текширишда 234.495.700 сўмлик сотилган маҳсулотлар юзасидан хужжатлар расмийлаштирилмаганлиги ёки сотилган маҳсулотларни раелизациясидан келиб тушган маблағларни жамият ҳисоб рақамига кирим қилинмаганлиги натижасида, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) - товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши белгиланганлигини инобатга олиб, 46.899,14 минг сўм ($234.495.700 \text{ минг сўм} * 20\% = 46.899.140 \text{ минг сўм}$) миқдорида молиявий жарима қўллаш лозим топилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги “Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги 595-сонли қарори талабларига риоя этилиши юзасидан корхона текширилганда, АТ “Халқ банки” Наманган шаҳар филиалидан олинган маълумотга ва жамиятда мавжуд хужжатларга асосан корхонанинг ишчи ходимларига жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари очилганлиги ва реестрлар тақдим этилганлиги текширилганда, жамият томонидан ишчи хизматчиларга жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари очилмаганлиги ва маблағлар ўтказилмаганлиги ва бу билан қарор талаблари бузилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги “Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

511-сонли қарорининг ижроси юзасидан кўрилганда, корхона томонидан электр энергиясидан фойдаланиш юзасидан текширилган даврлар мобайнида электр тармоқлари корхонаси билан шартномалар тузилмаганлиги, қарздорлиги мавжуд эмаслиги аниқланди.

Четдан олиб келинган маҳсулотларни сотилганлиги юзасидан хужжатлар тақдим эта олмайман, ушбу маҳсулотларни сотишдан банкда очилган жамият ҳисоб рақамига 27.300.000 сўм маблағ келиб тушганлиги ва ҳозирда бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан дебитор ҳақдорлигим мавжуд эмаслиги ҳамда ушбу маҳсулотлар қолдиқда ҳам мавжуд эмаслиги тўғри.

Мен раҳбарлик қилаётган “RUSTAM TEKS SERVIS” МЧЖда ўтказилган текширишда, жамият ҳовлисида турган қиймати 43.300.000 сўмга тенг бўлган 5 тонна цемент маҳсулотлари, 1 комплект

бетономешалка, 1 дона вибростол, 300 метр квадрат қолиплар, 500 дона фанер паддонлар, 10 метр куб писка ва 200 кг пигмент(ранг)лар акам Рустамов Шокир Тохировичга тегишли бўлиб, уларни 2017 йилнинг январь-февраль ойларида нақд пулига сотиб олган. Ушбу маҳсулот ва хом ашёларни менга фойдаланиш учун берган. Шунинг учун мен уларни жамиятга кириш қилинмаган.

Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1996 йилдаги “Бухгалтерия тўғрисида”ги қонун талаблари бўйича мен раҳбарлик қилаётган МЧЖни ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган қатъий ҳисобда бўлган бухгалтерия бош китоби, айланма китоблар, ишонч қоғозларини юритиш китоби, касса китоби, буюртмачи ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги журналларни ва бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатлари юритиш лозимлигини билмаганлигим учун юқоридаги ҳужжатлар юритилмаган. Шунинг учун мен уларни терговга тақдим қила олмайман.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан менга нисбатан бирон бир ноқонуний ҳаракатлар ҳамда жисмоний ва руҳий тазйиқлар ўтказилмади. Менинг ходимларга нисбатан ҳеч қандай эътирозим ва шикоятим йўқ.

Менинг кўшимчаларим йўқ, қилган ишимдан чин кўнгилдан пушаймонман, айбимга иқрорман, айбимга иқрорлигимни, муқаддам судланмаганлигимни инобатга олиб қонуний енгиллик берилишини сўрайман.” деб баён этган.

ж.и. 258-258, 262-265 в.в.

Айбланувчининг содир этган жинояти қўйидаги далиллар билан ўз исботини топган:

Гарчанд, айбланувчи М.Т.Рустамов содир этган жиноий қилмишлари бўйича қўйилган айбига иқрорлик билдириб кўрсатмалар берган бўлсада, унинг мазкур жиноят иши бўйича айбланувчи сифатидаги айблари суриштирув давомида тўлиқ ҳажмда аниқланган ва иш бўйича тўпланган қўйидаги далил, фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳларнинг кўргазмалари ҳамда ишдаги тўпланган ҳужжатлар билан ҳам ўз исботини топади:

Жиноят иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Ботиров Назар Дилшодович**нинг “... (баён қилинади)” деб берган кўрсатувлари билан;

ж.и. 98-99 в.в.

Жиноят иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Исроилов Шерзод Боходирович**нинг “... (баён қилинади)” деб берган кўрсатувлари

билан;

ж.и. 100-101 в.в.

Жиноят иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Абдуллаев Рашидхон Саидвалиевич**нинг “... (баён қилинади)” деб берган кўрсатувлари билан;

ж.и. 102-104 в.в.

Жиноят иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Джураев Улугбек Акбарович**нинг “... (баён қилинади)” деб берган кўрсатувлари билан;

ж.и. 105-107 в.в.

Жиноят иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Эргашев Нурматжон Алижанович**нинг “... (баён қилинади)” деб берган кўрсатувлари билан;

ж.и. 108-109 в.в.

Жиноят иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Жабборов Шерзод Мамасидиқович**нинг “... (баён қилинади)” деб берган кўрсатувлари билан;

ж.и. 241-243 в.в.

Жиноят иши юзасидан фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган **Мирзаев Бунёд Шокиржанович**нинг “... (баён қилинади)” деб берган кўрсатувлари билан;

ж.и. 246-247 в.в.

Жиноят иши юзасидан фуқаровий даъвогар тариқасида сўроқ қилинган **Собиров Шоятбек Абдишукурович**нинг “... (баён қилинади)” деб берган кўрсатувлари билан;

ж.и. 250-251 в.в.

Жиноят иши юзасидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Рустамов Шокир Тохирович**нинг “... (баён қилинади)” деб берган кўрсатувлари билан;

ж.и. 266-267 в.в.

Шунингдек, айбланувчи М.Т.Рустамовнинг айби жиноят иши бўйича тўпланган қуйидаги ҳужжатлар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топган:

Жамиятга Хитой давлатидан импорт шартномаси асосида қайта ишлаб чиқариш учун олиб келинган маҳсулотларни божхона юк декларацияларини расмийлаштирилишида ундирилган божхона тўловлари ва қўлланилган имтиёзларнинг қонунийлиги юзасидан божхона мутахасислари томонидан тузилган далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан;

ж.и. 95-96 в.в.

Наманган шаҳар ДСИ ходими томонидан жамият фаолияти юзасидан жиноят иши доирасида ўтказилган ҳужжатли текшириш далолатномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлари билан;

ж.и. 122-240 в.в.

Жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш, банк айланмаларини бажариш ва импорт маҳсулотларни божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун асос бўлган ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далиллар деб эътироф этиш қарори билан;

ж.и. 270-271 в.в

Шундай қилиб, айбланувчи томонидан содир этилган жиноят юқорида қайд этилганлардан ташқари жиноят ишидаги бошқа ҳужжатлар ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Бинобарин, жиноят иши бўйича олиб борилган суриштирув ҳаракатлари яқунланган, Рустамов Мохир Тохировични айблаш учун етарли далиллар тўпланган, уни жиноят содир этишдаги айби тўлиқ тасдиқланган деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процесуал кодексининг 381¹²-моддаси талабларига кўра, айблов далолатномаси 2019 йилнинг 07 август куни компьютерда ўз хизмат хонамда тузилди.

Мазкур айблов далолатномасини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процесуал кодексининг 381¹⁶-моддаси тартибида ўрганиб чиқиш ва тасдиқлаш масаласини ҳал этиш учун жиноят ишини Наманган вилоят прокурорига тақдим қилиш лозим бўлади.

**Катта инспектор-суриштирувчи,
божхона хизмати катта лейтенанти**

(имзо) **А.А.Бозоров**

“К Е Л И Ш И Л Д И”

**Наманган вилояти божхона бошқармаси
Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими
бошлиғи, божхона хизмати майори**

(имзо) **Ш.Ахмадалиев**

МА Ё Л У М О Т Н О М А
401-4-2019-628-сонли жиноят иши бўйича

1. Мазкур жиноят иши 09.07.2019 йилда Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими бош инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати капитани Қ.К.Долиматов томонидан “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари Рустамов Мохир Тохировичга нисбатан ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми билан кўзғатилиб, иш юритувиغا олинган ва жиноят ишига 401-4-2019-628-рақам берилган.

ж.и. 1-87 в.в.

2. 04.08.2019 йил куни М.Т.Рустамовга ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 2-қисми ва 189-моддаси билан айблов эълон қилиниб, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишликка жалб қилинган ҳамда унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида тилхат қўлланилган.

ж.и. 258-261 в.в.

3. 06.08.2019 йил куни айбланувчи М.Т.Рустамов ва унинг ҳимоячисига дастлабки терговни тамомланганлиги эълон қилиниб, уларни жиноят ишидаги материаллар билан таништириш ҳақидаги баённома тузилган.

ж.и. 274 в.в.

8. 07.08.2019 йилда айблов далолатномаси тузилган.

ж.и. 275-296 в.в.

4. 07.08.2019 йил куни айбланувчи М.Т.Рустамов ва унинг ҳимоячисига жиноят ишининг барча материаллари билан танишибчиқиш учун тақдим қилиш ҳақидаги баённома тузилган.

ж.и. 299 в.в.

Наманган вилояти божхона бошқармаси
Суриштирув ва маъмурий амалиёт
бўлими катта инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати катта лейтенанти

(имзо)

А.А.Бозоров

Айбланувчи ва унинг ҳимоячисига жиноят ишининг барча материалларини танишиб чиқиш учун тақдим қилиш тўғрисида

БАЁННОМА

2019 йил « ___ » август

Наманган шаҳри

Наманган вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими катта инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати катта лейтенанти А.А.Бозоров, ушбу куни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 376-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 2-қисми ва 189-моддаси билан айбланувчи Рустамов Мохир Тохирович ва унинг ҳимоячиси Раҳманов Якубжон Раҳмоновичга 401-4-2019-628-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб чиқишлари учун жиноят иши рўйхатланган ва тикилган ҳолда тақдим қилинди.

Айбланувчи М.Т.Рустамов ҳимоячиси Я.Р.Раҳмановнинг иштирокида жиноят ишини материаллари билан 2019 йил « ___ » август куни соат « ___ » дан « ___ » дақиқа ўтгандан 2019 йил « ___ » август куни соат « ___ » дан « ___ » дақиқа ўтгунга қадар танишиб чиқди.

Айбланувчи М.Т.Рустамов ҳимоячиси Я.Р.Раҳмановнинг иштирокида жиноят ишини материаллари билан танишиб чиққач, жиноят иши бўйича қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимоси бор ёки йўқлиги сўралганда, айбланувчи М.Т.Рустамов қуйидагиларни билдирди:

“Менга ҳимоячим Я.Р.Раҳмановнинг иштирокида жиноят ишининг барча материаллари тақдим қилинди, шу билан биргаликда, жиноят иши материалларидан менга керакли бўлган маълумотларни ёзиб олишга имконият берилди. Жиноят ишининг барча материаллари билан ҳимоячим Я.Р.Раҳманов билан биргаликда тўлиқ танишдим”.

_____.

Мазкур баённома бизлар томонимиздан ўқиб чиқилди. Қўшимча ва эътирозларимиз йўқ.

Айбланувчи _____ М.Т.Рустамов

Ҳимоячи _____ Я.Р.Раҳманов

Суриштирувчи:

(имзо)

А.А.Бозоров

**Наманган вилоят прокурори
ўринбосари,
адлия маслаҳатчиси**

Ж.О.Азимовга

Жиноят ишини юбориш ҳақида

Ушбу орқали Сизга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 381¹⁶-моддасига мувофиқ “RUSTAM Teks Servis” МЧЖ раҳбари М.Т.Рустамовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 2-қисми ва 189-моддаси билан айбланиш ҳақидаги суриштирув ҳаракатлари тамомланган 401-4-2019-628-сонли жиноят иши айблов далолатномаси юборилмоқда.

Айбланувчи М.Т.Рустамовга 2019 йил 04 август куни муносиб ҳуқуқ-атворда бўлиш ҳақида эҳтиёт чораси қўлланилган ва бугундан эътиборан Наманган вилояти прокуратураси ихтиёрига ўтишини маълум қилинади.

*Илова: 1) 401-4-2018-628-сонли жиноят иши 1 жилд, 301 varaқда
2) Айблов далолатномаси 3 нусхада, 38 varaқда.*

Ҳурмат билан,

**Бошлиқ ўринбосари,
божхона хизмати полковниги** (имзо) **И.Жалолов**

*Ижрочи: А.А.Бозоров
Тел: 234-40-46*



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси фуқароси **Тиллоев Муҳаммад
Фатхиддин ўғлига** нисбатан Ўзбекистон Республикаси
ЖКнинг **244⁴-моддаси 1-қисми** билан қўзғатилган

060004/2020-1ҚР-сонли

Ж И Н О Я Т И Ш И

1(бир) жилддан иборат

Бошланди: 08.02.2020 йил

Тамомланди: __. __. 2020 йил

Бухоро шаҳри-2020 йил

**060004/2020-1 КР-СОНЛИ ЖИНОЯТ ИШИДА МАВЖУД ҲУЖЖАТЛАР
Р Ў Й Х А Т И**

Т/р	Ҳужжатларнинг қисқача номи	Бетлар
1	“Жиноят ишини кўзгатиш ва иш юритувига олиш тўғрисида”ги қарор	
2	Махсус хабарнома	
3	Билдирги	
4	“Фуқаронинг қўл юки ва кузатиб борилаётган бағажларини кўздан кечириш, ашёларни санаш ва олиб қўйиш тўғрисида”ги баённомаси	
5	Фотожадвал	
6	Фуқаро М.Ф.Тиллоевнинг тушунтириш хати	
7	Холис А.А.Сроджевнинг тушунтириш хати	
8	Холис М.С.Шамсидиновнинг тушунтириш хати	
9	“Судга оид техникавий экспертизани тайинлаш тўғрисида”ги қарор ва хати	
10	“Судга оид товаршунослик экспертизани тайинлаш тўғрисида”ги қарор ва хати	
11	“Терговга қадар текширув муддатини узайтириш ҳақида”ги қарор	
12	Далолатнома, 26-сонли юк хати	
13	Суриштирув режаси	
14	Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида”ги қарор	
15	Адвокатлар палатасига йўлланма хати	
16	Гумон қилинувчига ҳимоя ҳуқуқини тушунтириш тўғрисида”ги қарор	
17	“Гумон қилинувчини ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан тушунтирилганли ва уни ҳимоячи хизматидан воз кечганлиги ҳақида”ги баённома	
18	“Гумон қилинувчини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорлар ва ўзига берилган ҳуқуқлар билан таништириш ҳақида”ги баённома	
19	“Гумон қилинувчини экспертиза хулосалари билан таништириш ҳақида”ги баённома	
20	Гумон қилинувчи М.Ф.Тиллоевни сўроқ қилиш баённомаси	
21	Гувоҳ А.А.Сроджевнинг сўроқ қилиш баённомаси	
22	Гувоҳ М.С.Шамсидиновнинг сўроқ қилиш баённомаси	
23	Гувоҳ Х.Э.Тойировнинг сўроқ қилиш баённомаси	
24	“Нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳамда уларни ишга қўшиб қўйиш ҳақида”ги қарор	
25	“Жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида”ги қарор	
26	Айбланувчи М.Ф.Тиллоевни сўроқ қилиш баённомаси	
27	“Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат орқали очикда қолдириш эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида”ги қарор	
28	“Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида”ги тилхат	
29	Тақдимнома	
30	Йўлланма хати	
31	Жиноят иши материаллари билан танишим баённомаси	
32	Айблов далолатномаси	
33	Тилхат	
34	Маълумотнома	
35	Судга чақирилувчилар рўйхати	
36	б-шакл маълумотнома	

Рўйхатни туздим:

(имзо)

М.М.Рахматов

Қ А Р О Р

жиноят ишини қўзғатиш ва иш юритувига олиш тўғрисида

2020 йил “ ____ ” февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармасининг “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига нисбатан тўпланган Шакл–1 китобидан 012 рақам билан рўйхатдан ўтган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М :

2020 йил 8 февраль куни соат 17:30 ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан учиб келиб, “яшил” йўлак орқали ҳаракатланган фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли пост ходимларида шубҳа уйғотганлиги сабабли, унинг қўл юклари ва кузатиб борилаётган сумкаси “Rapiscan 624XR” рентген аппаратида божхона назоратидан ўтказилганда, сумкасида бир дона вазни 0,652 кг “T-SERIES T-40” русумли учувчисиз учиш аппаратини божхона ходимларининг оғзаки сўровида маълум қилмасдан ва йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кирганлиги аниқланиб, тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.11.2014 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида учувчисиз учиш қурилмаларидан санкциясиз фойдаланишда огоҳлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 322-сон қарорига, кўра учувчисиз учадиган аппаратни республика ҳудудига олиб кириш таъқиқланади.

Баён этилганларга кўра, фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлининг ҳаракатида учувчисиз учадиган аппаратни қонунга хилоф равишда олиб кириш жинояти аломатлари мавжудлигини инобатга олиб, мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатиш ва иш юритувига қабул қилиб, суриштирув ўтказиш лозим.

Юқоридагиларни эътиборга олиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг

15, 38¹, 321, 322-моддаси 4-банди, 330-моддаси 1-банди, 331, 381²-моддаси 4-банди, 381⁶-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тиллоев Муҳаммад Фатхиддинга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилсин.

2. Жиноят иши иш юритувга қабул қилиниб, жиноят ишини тергов қилишни суриштирув шаклида амалга оширишга киришилсин.

3. Қарор нусхаси маълумот ва назорат учун Бухоро транспорт прокуратурасига юборилсин.

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси**

(имзо)

М.Рахматов

**“Қ Ҷ Ш И Л А М А Н”
Суриштирув ва маъмурий
амалиёт бўлими бошлиғи**

(имзо)

Э.Рахматов

БАЁННОМА

Фуқаронинг қўл юки ва кузатиб борилаётган багажларини кўздан кечириши, ашёларни санаши ва олиб қўйиши тўғрисида

2020 йил “08” февраль

Бухоро шаҳар

Бизлар, Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости катта инспектори, божхона хизмати капитани Х.Тойиров ҳамда ДХХ Бухоро вилояти бошқармаси тезкор ходими С.М.Бойматов ҳамкорлигида, фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлининг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 90-92, 135-141, 160-163-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда, ҳолислар:

1. Сирожов Ахтам Аминович 21.11.1989 йил, Бухоро шаҳрида туғилган, Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Олимхўжа кўчаси 9-уйда яшовчи, миллати ўзбек, муқаддам судланмаган, маълумоти олий, “Бухоро халқаро аэропорти” да авиа-назоратчи бўлиб ишлайди;

2. Шамсидинов Миршод Санжар ўғли, Бухоро вилояти Бухоро шаҳри А.Сомий кўчаси 36-уй 73-хонадонда яшовчи 26.05.1994 йил, Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, муқаддам судланмаган, “Бухоро халқаро аэропорти” да авиа-назоратчи бўлиб ишлайди иштирокида, уларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 73-74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилган ҳолда:

1. (имзо)

2. (имзо)

тузамиз ушбу баённомани шу ҳақдаким, 2020 йил 08 февраль куни соат тахминан 17:³⁰ ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан учиб келган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси (26.08.1998 йил, Жондор туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-маҳсус, Бухоро вилояти Жондор тумани Зандавоис қишлоғи 54-уйда яшовчи, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, №АВ 2165193 рақамли паспорт, Бухоро вилояти Жондор тумани ИИБ томонидан 09.02.2015 йилда берилган, ўз сўзидан муқаддам судланмаган) **Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли** божхона назорати ҳудудининг “яшил” (йўловчиларнинг ёнида, қўл юклари ва кузатиб борилаётган багажсида таъқиқланган ҳамда декларация қилинадиган ашё ва буюмларнинг мавжуд бўлмаганлагини билдирувчи, оғзаки декларацияланадиган) йўлаги орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган вақтида, ўзига нисбатан пост ходимларида шубҳа уйғотганлиги сабабли унинг қўл юклари ва кузатиб борилаётган багажи рентген аппаратида божхона назоратидан ўтказилганда, фуқаро М.Ф.Тиллоев ёнида ўзининг қўлида оқ полиэтилен пакетга ўралган ҳолда, у

томонидан йўловчи божхона декларациясида божхона ходимига тақдим қилмаган ҳамда божхона ходимининг оғзаки сўровида маълум қилмаган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 ноябрдаги 322-сонли ва 2016 йил 31 августдаги 287-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган, “Rapiscan 624XR” рентген аппаратида ўтказилганда олдин фойдаланилган оқ, сариқ ҳамда қора ранг аралашган 1 (бир) дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учуш аппарати (дрон)га ўхшаш қурилма борлиги аниқланди.

Мазкур учуш аппарати (дрон)га ўхшаш қурилма иштирокчилар томонидан кўздан кечирилганда, “MEZON” модели FH1059 тарозисида ўлчаб кўрилганда соф оғирлиги 600 грамм бўлган, Хитойда ишлаб чиқарилган, верталёт кўринишидаги, оқ, сариқ ҳамда қора ранг аралашган, унинг остки қисмида фото ва видео камераси бор, 1 (бир) дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учуш аппарати (дрон)га ўхшаш қурилма ҳамда остки қисмида жойлаштирилган, 1 (бир) дона, Тайванда ишлаб чиқарилган, хотираси 2GB бўлган, C15LHY091334 серияли, “micro SD” ёзувли микрочип борлиги маълум бўлди.

Мазкур ашёлар қайта жойлаштирилиб, ҳолатга аниқлик киритилгунга қадар иштирокчилар томонидан имзоланиб, муҳрланган ҳолда вақтинча сақловга олинди.

Кўздан кечириш жараёни “Panasonic FULL HD” HC-V260 русумли ведеокамера ёрдамида фотосуратга олинди ва баённомага илова қилинади.

Кўздан кечириш жараёни соат 17³⁰ да бошланиб, соат 19⁰⁰ да якунланди.

Баённома иштирокчиларга баланд овозда ўқиб эшиттирилди, иштирокчилар томонидан кўшимча ва эътирозлар билдирилмади.

**“Бухоро аэропорти” чегара
божхона пости катта инспектори,
божхона хизмати капитани**

(имзо)

Х.Тойиров

Холислар:

(имзо)

А.А.Сирожов

(имзо)

М.С.Шамсидинов

Фуқаро:

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

**ДХХ Бухоро вилояти
бошқармаси тезкор ходими**

(имзо)

С.М.Бойматов

Фуқаронинг қўл юки ва кузатиб борилаётган багажларини кўздан кечириш, ашёларни санаш ва олиб қўйиш тўғрисидаги баённомага фото-илова

1-расм

Кўздан кечириш жараёнида ҳуқуқбузарлик ашёси ҳисобланган товарлар обзорли ва деталли усулда суратга туширилиши, шунингдек, товар турлари алоҳида-алоҳида расмга туширилиб, амалга оширилган жараённи кетма-кетликда ёритиб бериш кўринишида фотожадвалга жойлаштирилиши лозим.

2-расм

Ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида олинган товарларнинг ёрликлари, бирка ва номлари шунингдек, бошқа ажратиб турувчи белгилари алоҳида суратга олинishi лозим

Фотожадвал тузувчи

(имзо)

Х.Тойиров

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Бухоро вилояти божхона
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари, божхона хизмати
майори

(имзо) **И.Сейдеметов**
2020 йил “ ____ ” февраль

Қ А Р О Р

Судга оид техникавий экспертизани тайинлаш тўғрисида

2020 йил “ ____ ” февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости катта инспектори, божхона хизмати капитани Х.Тойиров, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига нисбатан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни ,

А Н И Қ Л А Д И М :

2020 йил 08 февраль куни соат тахминан 17:³⁰ ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан Россия Федерациясидан учиб келган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли божхона назорати ҳудудининг “яшил” йўлаги орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган вақтида, ўзига нисбатан пост ходимларида шубҳа уйғотганлиги сабабли, унинг қўл юклари ва кузатиб борилаётган багажи рентген аппарати орқали божхона назоратидан ўтказилганда, йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўровида маълум қилинмаган ўзининг қўл юкида 1 (бир) дона, вертолёт кўринишидаги, “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратига ўхшаш қурилма борлиги аниқланиб, унга нисбатан ҳолат юзасидан ҳолислар иштирокида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Ушбу 1 (бир) дона, вертолёт кўринишидаги, “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратига ўхшаш қурилмани Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланган ёки тақиқланмаганлиги, вазни, учиш масофаси, учувчисиз учадиган аппаратлар ёки уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги ҳамда фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш учун махсус билим зарур.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 39², 172-173-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Юқоридаги ҳолат юзасидан олинган 1 (бир) дона, вертолёт кўринишидаги, “Т-SERIES Т-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратиға ўхшаш қурилма Ўзбекистон Республикасига олиб кириш таъқиқланган ёки таъқиқламаганлиги, вазни, учиш масофаси, учувчисиз учадиган аппаратлар ёки уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги ҳамда фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш юзасидан судга оид техникавий экспертиза тайинлансин ва унинг ижроси Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси агентлиги “Ўзавиация” агентлиги экспертлари зиммасига юклатилсин.

Экспертлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 238-моддасида кўрсатилган “Экспертни била туриб ёлғон хулоса берганлик” ҳамда Жиноят Кодексининг 240-моддасида кўрсатилган “экспертнинг хулоса беришни рад этиши” тўғрисида жиноий жавобгарликка тортилишлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

2. Экспертлар олдиға қуйидагича саволлар қўйилсин:

- Фуқаро М.Ф.Тиллоевдан олинган 1 (бир) дона “Т-SERIES Т-40” ёзувли қурилма, учувчисиз учадиган аппаратлар ёки уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари туркумиға мансубми, шунингдек ушбу қурилма видео ва фото камералар билан жихозланганми?

- Фуқаро М.Ф.Тиллоевдан олинган 1 (бир) дона “Т-SERIES Т-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратиға ўхшаш қурилма Ўзбекистон Республикасига олиб кириш таъқиқланган ёки таъқиқланмаганлиги, вазни, учиш масофаси, аниқлансин?

- Фуқаро М.Ф.Тиллоевдан олинган 1 (бир) дона “Т-SERIES Т-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратиға ўхшаш қурилмани Ўзбекистон Республикасига олиб киришға фуқаро М.Ф.Тиллоевнинг номиға рухсатнома берилган ёки берилмаганлиги аниқлансин?

- Фуқаро М.Ф.Тиллоевдан олинган 1 (бир) дона “Т-SERIES Т-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратиға ўхшаш қурилмаси фойдаланишға яроқлими?

3. Қарорнинг нусхаси ҳамда мазкур 1 (бир) дона “Т-SERIES Т-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратиға ўхшаш қурилма Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси агентлиги “Ўзавиация” агентлигига тақдим этилсин.

**“Бухоро аэропорти” чегара
божхона пости катта инспектори,
божхона хизмати капитани**

(имзо) **Х.Тойиров**

**Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги
Фуқаро авиацияси агентлигига**

Бухоро вилояти божхона бошқармаси, Сиздан Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлидан ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида олинган 1 (бир) дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратиغا ўхшаш қурилмани экспертизадан ўтказиб тегишли хулоса беришингизни сўрайди.

Илова: Қарор 2 (икки) варақда. Ашёвий далил сифатида олинган 1 (бир) дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учиш аппарати

Бошлиқ ўринбосари

(имзо)

И.О.Сейдеметов

*Баж.: М.Раҳматов
Тел.: (0365) 221-60-00*

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
“Бухоро аэропорти” чегара
божхона пости бошлиғи,
божхона хизмати майори**

С.Р.Жўраев

2020 йил “ ____ ” февраль

Қ А Р О Р

Судга оид товаршунослик экспертизасини тайинлаш тўғрисида

2020 йил “ ____ ” февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости катта инспектори, божхона хизмати капитани Х.Тойиров, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига нисбатан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И М :

2020 йил 08 февраль куни соат тахминан 17³⁰ ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан Россия Федерациясининг Москва шаҳридан учиб келган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли йўловчиларнинг ёнида, қўл юклари ва кузатиб борилаётган бағажида таъқиқланган ҳамда декларация қилинадиган ашё ва буюмларнинг мавжуд бўлмаганлагини билдирувчи, оғзаки декларацияланадиган божхона назорати ҳудудининг “**яшил**” йўлаги орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган вақтида, ўзига нисбатан пост ходимларида шубҳа уйғотганлиги сабабли унинг қўл юклари ва кузатиб борилаётган бағажи рентген аппарати орқали божхона назоратидан ўтказилганда, йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўровида маълум қилинмаган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 ноябрдаги 322-сонли ва 2016 йил 31 августдаги 287-сонли Қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган, ўзининг қўлида кўтариб келган Хитойда ишлаб чиқарилган, верталёт кўринишидаги, оқ, сариқ ҳамда қора ранг аралашган 1 (бир) дона “Т-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учуш аппаратига ўхшаш қурилма ҳамда остки қисмида жойлаштирилган, Тайванда ишлаб чиқарилган, 1 (бир) дона, хотираси 2GB. бўлган, C15LHY091334 серияли, “micro SD” ёзувли микрочип борлиги аниқланиб, фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига нисбатан ушбу

ҳолат юзасидан холислар иштирокида тегишли хужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган.

Ушбу 1 (бир) дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратига ўхшаш қурилма ҳамда 1 (бир) дона хотираси 2GB. бўлган, “micro SD” ёзувли микрочипларнинг нарҳини аниқлаш учун махсус билим зарур.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 39², 172-173-моддаларига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. Юқоридаги ҳолат юзасидан олинган 1 (бир) дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратига ўхшаш қурилма ҳамда 1 (бир) дона хотираси 2GB. бўлган, “micro SD” ёзувли микрочипларнинг нарҳини аниқлаш учун экспертиза тайинлансин ва уни ўтказиш “Biznesni baholash va Ekspert konsalt” МЧЖ экспертлари зиммасига юклатилсин.

Экспертлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 238-моддасида кўрсатилган “Экспертни била туриб ёлғон хулоса берганлик” ҳамда Жиноят кодексининг 240-моддасида кўрсатилган “Экспертнинг хулоса беришни рад этиши” тўғрисида жиноий жавобгарликка тортилишлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

2. Экспертлар олдига қуйидагича саволлар қўйилсин:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлидан юқоридаги ҳолат юзасидан олинган 1 (бир) дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратига ўхшаш қурилма ҳамда 1 (бир) дона хотираси 2GB. бўлган, “micro SD” ёзувли микрочипларнинг нарҳи аниқлансин?

3. Қарорнинг нусхалари “Biznesni baholash va Ekspert konsalt” МЧЖга тақдим этилсин.

**“Бухоро аэропорти” чегара
божхона пости катта инспектори,
божхона хизмати капитани**

(имзо)

Х.Тойиров



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
DAVLAT BOJXONA QO‘MITASINING
BUXORO VILOYATI
BO‘YICHA BOSHQARMASI
“BUXORO AEROPORTI”
CHEGARA BOJXONA POSTI
200109, Buxoro shahri,
B.Naqshband ko‘chasi 10 uy.
tel: (65) 228-91-15**

**“Biznesni baholash va
Ekspert konsalt” MCHJ
директори**

С.Нековга

“ _____ ” _____ 2020 yil

№4/21- _____

“Бухоро аэропорти” чегара божхона пости, Сиздан Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлидан ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида олинган 1 (бир) дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учиш аппаратиға ўхшаш қурилмани баҳолаш юзасидан экспертиза ўтказиб тегишли хулоса беришингизни сўрайди.

Ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида олинган товар-моддий бойликлари Бухоро шаҳрида жойлашган “Баракоти Падарон” хусусий корхонаси омборига топширилган.

Илова: Қарор 1 (бир) варақда.

**“Бухоро аэропорти” чегара
божхона пости бошлиғи,
божхона хизмати майори**

(имзо)

С.Р.Жўраев

*Терговолди текширув
муддатини бир ойгача муддатга*

“УЗАЙТИРАМАН”
Бухоро шаҳар прокурори,
адлия маслаҳатчиси

(имзо) **А.Ю.Сатимов**

2020 йил “___” февраль

Қ А Р О Р

**иш материаллари бўйича терговга қадар текширув муддатини
узайтириш тўғрисида**

2020 йил 18 февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро Аэропорти” чегара божхона пости катта инспектори, божхона хизмати капитани Х.Тойиров , ушбу куни “Шакл-2” китобидан 1756-рақам билан рўйхатдан ўтган ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И М:

2020 йил 08 февраль куни соат тахминан 17:30 ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан Россия Федерациясининг Москва шаҳридан учиб келган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли йўловчиларнинг ёнида, қўл юклари ва кузатиб борилаётган бажаида таъқиқланган ҳамда декларация қилинадиган ашё ва буюмларнинг мавжуд бўлмаганлагини билдирувчи, оғзаки декларацияланадиган божхона назорати ҳудудининг “**яшил**” йўлаги орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган вақтида, ўзига нисбатан пост ходимларида шубҳа уйғотганлиги сабабли унинг қўл юклари ва кузатиб борилаётган бажаи рентген аппарати орқали божхона назоратидан ўтказилганда, йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатилмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўровида маълум қилинмаган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 ноябрдаги 322-сонли ва 2016 йил 31 августдаги 287-сонли Қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган, ўзининг қўлида кўтариб келган Хитойда ишлаб чиқарилган, верталёт кўринишидаги, оқ, сариқ ҳамда қора ранг аралашган 1 (бир) дона “Т-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учуш аппаратига ўхшаш қурилма

хамда остки қисмида жойлаштирилган, Тайванда ишлаб чиқарилган, 1 (бир) дона, хотираси 2Gb бўлган, C15LHY091334 серияли, “micro SD” ёзувли микрочип борлиги аниқланиб, фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига нисбатан ушбу ҳолат юзасидан холислар иштирокида тегишли хужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган.

Мазкур ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси агентлиги “Ўзавиация” агентлигига "Судга оид техникавий экспертиза тайинлаш тўғрисида" қарор тайинланган.

Шу муносабат билан мазкур ҳолат юзасидан тайинланган экспертиза хулосаларини олмасдан туриб, бирон бир қарор қабул қилишнинг имкони йўқлигини инобатга олиб, ушбу ҳолат бўйича терговга қадар текширув муддатини узайтириш лозим бўлади.

Юқорида баён этилганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддаси 3-қисми 1-бандига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. Мазкур ҳолат юзасидан терговга қадар текширув муддати 2020 йил 08 март кунига қадар узайтирилсин.

2. Қарор нусхаси назорат қилувчи прокурорга юборилсин.

“Бухоро аэропорти” чегара божхона

пости катта инспектори,

божхона хизмати капитани

(имзо)

Х.Гойиров

ДАЛАЛАТНОМА

Ашёни вақтинча сақлаш учун қабул қилиш-топишириш ҳақида

2020 йил 19 февраль

Бухоро шаҳри

Тузамиз ушбу далалатномани шу ҳақдаким, бизлар куйида имзо чекувчилар Бухоро вилояти божхона бошкармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости катта инспектори, божхона хизмати капитани Х.Тойиров, “Баракоти Падарон” ХК раҳбари Ш.Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат даромадига ўтказилаётган мол-мулкни олиб кўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Низомига асосан, 2020 йил 08 февраль куни фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлидан олиб кўйилган товарлар, яъни :

№	Товарлар номи ва таснифи	Сони
1.	“T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учуш аппарати	1 (бир)дона
2.	хотираси 2GB. “micro SD” ёзувли микрочип	1 (бир)дона

ларни ҳолат бўйича якуний қарор қабул қилингунга қадар “Баракоти Падарон” хусусий корхонаси омборига вақтинча сақлашга топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 5-бандига асосан, “Баракоти Падарон” хусусий корхонасига топширилган товарларни сақлаш шартларига риоя этиш ва тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда мол-мулкнинг бузилиши, камомади, яширилиши ва йўқ қилиниши учун шахсан моддий жавоб бериши ва жинойий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огохлантирилди:

“Баракоти Падарон” хусусий корхонаси омбори раҳбари Ш.Каримов

(ТМБ топширилади жой, ваколатли шахс)

томонидан вақтинча сақловга қабул қилинган товарлар учун №26- сонли юк хатига расмийлаштирилди.

Топширдим:

**“Бухоро аэропорти” чегара
божхона пости катта инспектори,
божхона хизмати капитани**

(имзо)

Х.Тойиров

Қабул қилдим:

“Баракоти Падарон” ХК раҳбари

(имзо)

Ш.Каримов

19.02.2020 йил.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бухоро вилояти божхона
бошқармаси бошлиғи,
божхона хизмати майори

(имзо) **Э.Рахматов**

2020 йил “ ____ ” февраль

Фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига нисбатан
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан
қўзғатилган жиноят иши юзасидан

СУРИШТИРУВ РЕЖАСИ

2020 йил “ ____ ” февраль

Бухоро шаҳри

Иш ҳолати: 08.02.2020 йил соат тахминан 17³⁰ ларда фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли учувчисиз учадиган апаратини олиб кириш учун тегишли рухсатномага эга бўлмасдан туриб, бир дона учиш вазни 0.652 кг. ва “T-SERIES T-40” ёзуви мавжуд бўлган учувчисиз учадиган апаратини ҳамда “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган, мазкур апаратнинг видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи бир дона, ҳажми 2GB бўлган, C15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картасини йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатмасдан қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кирган.

Мазкур ҳолат юзасидан 21.02.2020 йилда фуқаро М.Ф.Тиллоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

т/р	Аниқланган ҳолатлар ва суриштирув версиялари	Ўтказилиши лозим бўлган суриштирув шаклидаги тергов ҳаракатлари	Ижро муддати
1.	2020 йил 8 февраль куни соат тахминан 17 ³⁰ ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан учиб келган фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли, қўл юкида 1 (бир) дона “T-SERIES T-40” ёзуви мавжуд бўлган учувчисиз учадиган	1. Фуқаро М.Ф.Тиллоевни иш юзасидан тайинланган экспертиза қарорлари ва хулосалари билан таништириб, баённомаларни расмийлаштириш; 2. Фуқаро М.Ф.Тиллоевни гумон қилинувчи тариксаида эътироф этиш, ҳимоя ҳукуқи билан таъминлаш ва ҳолат юзасидан гумон қилинувчи	24.02.2020 й. 24.02.2020й. 25-26.02.2020й.

	<p>аппаратини ҳамда “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган, мазкур аппаратнинг видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи бир дона, ҳажми 2GB. бўлган, C15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунга ҳилоф равишда олиб кираётганлиги аниқланган.</p>	<p>тариқасида батафсил сўроқ қилиш; 3. Иш юзасидан ҳодиса содир бўлган ҳолатни расмийлаштириш жараёнида ҳолис сифатида иштирок этган фуқаролар А.А.Сроджев ҳамда М.С.Шамсидиновни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш; 4. Иш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда зарурат туғилган тақдирда хулоса берган экспертларни гувоҳ сифатида сўроқ қилиш масаласини ҳал қилиш. 5. Ҳолатни аниқланган божхона ходими Х.Э.Тойировни иш бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш. 6. Учувчисиз учадиган аппаратни ҳамда унинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ашёвий далил деб эътироф этиш;</p>	<p>суриштирув давомида 26.02.2020й. 27.02.2020й.</p>
2.	<p>- жиноят иши бўйича тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона суриштирув ҳаракатларини ўтказиб, ишда айбланувчининг айбини фош этувчи далилларни тўплаш, шу жумладан суриштирув давомида янги ҳолатлар аниқланган тақдирда, қўшимча суриштирув режасини тузган ҳолда тегишли суриштирув ҳаракатларни ўтказиш. - жиноят иши бўйича, жиноят содир этган шахснинг содир этилган ижтимоий хавfli қилимишидан келиб чиқиб, ЖКнинг тегишли моддаси билан таснифлаган ҳолда ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиб, сўроқ қилиш ҳамда тегишли эҳтиёт чорасини қўллаш, - жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида айбланувчининг яшаш жойига тақдимнома киритиш; - суриштирув натижасига кўра, айбланувчи (ҳимоячи)ни иш материаллари билан таништириб, айблов далолатномасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни тузиш.</p>		

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.Рахматов

Қ А Р О Р

Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида

2020 йил 24 февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, 060004/2020-1КР-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И М :

Дастлабки суриштирув ҳужжатларига кўра, 08.02.2020 йил соат тахминан 17³⁰ ларда фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли учувчисиз учадиган аппаратини олиб кириш учун тегишли рухсатномага эга бўлмасдан туриб, бир дона учиш вазни 0,652 кг ва “T-SERIES T-40” ёзуви мавжуд бўлган учувчисиз учадиган аппаратини ҳамда унинг эҳтиёт қисмларини йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатмасдан, қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирган.

Мазкур ҳолат юзасидан 21.02.2020 йилда фуқаро М.Ф.Тиллоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Юқоридагиларга кўра, М.Ф.Тиллоевни мазкур жиноят иши юзасидан гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этиш учун жалб қилиш лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38¹, 359, 360-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. 060004/2020-1 КР- сонли жиноят иши бўйича фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинсин.

2. Ушбу қарор гумон қилинувчи М.Ф.Тиллоевга эълон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилсин.

3. Қарор нусхаси Бухоро транспорт прокуратурасига юборилсин.

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.Рахматов

Мазкур қарор менга 2020 йил “_____” февраль куни эълон қилинди ва унинг моҳияти тушунтирилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодексининг 111-моддасига асосан, ЖПКнинг 48-моддасида (*Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиши; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиши ёхуд хабар бериши; у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиши ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиши вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиши, ушбу Кодекснинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиши; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериши ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиши ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиши; ўзининг ҳимояланиши ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириши; илтимоснома бериши ва рад қилиши; далиллар тақдим этиши; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиши; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериши ҳуқуқига эга.*

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиши, сохталаштириши, гувоҳларни қўндиришига уриниши ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириши, эксперт текшируви учун намуналар олиши, экспертиза ўтказиши учун тиббий муассасага жойлаштириши тўғрисидаги қарорлари ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишида тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериши, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.) **кўрсатилган гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.**

Гумон қилинувчи:- (имзо) Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли

Ҳимоячи : (имзо) А.М.Рамазонов

2020 йил “_____” февраль



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT BOJXONA QO‘MITASINING
BUXORO VILOYATI
BO‘YICHA BOSHQARMASI
“BUXORO AEROPORTI”**

CHEGARA BOJXONA POSTI

200109, Buxoro shahri,
B.Naqshband ko‘chasi 10 uy.
tel: (65) 228-91-15

**Адвокатлар палатаси
Бухоро вилоят ҳудудий
бошқармаси бошлиғи**

З.И.Мухамедовга

“ ___ ” “ _____ ” 2020 yil

№4/21- _____

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости томонидан Ўзбекистон Республикаси (26.08.1998 йил, Жондор туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, Бухоро вилояти Жондор тумани Зандавоис қишлоғи 54-уйда яшовчи, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, №АВ 2165193 рақамли паспорт, Бухоро вилояти Жондор тумани ИИБ томонидан 09.12.2015 йилда берилган, муқаддам судланмаган) фуқароси Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига нисбатан ЎЗР ЖКнинг 244⁴–моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан М.Ф.Тиллоевнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш мақсадида адвокат ажратишда амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.Рахматов

Қ А Р О Р

Гумон қилинувчига ҳимоя ҳуқуқини тушунтириш тўғрисида

2020 йил 24 февраль

Бухоро шаҳар

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, 060004/2020-1 КР-сонли жиноят иши билан танишиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И М :

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилишда жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида эътироф этилган фуқаро М.Ф.Тиллоева ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқини тушунтириш лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 24, 38¹, 48, 50-моддаларига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. 060004/2020-1 КР-сонли жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида эътироф этилган Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

2. Қарор нусхаси Бухоро транспорт прокуратурасига юборилсин.

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.Рахматов

24-модда. Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш

Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишида ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриши мажбурияти билан таъминланади.

Гумон қилинувчи: *(имзо)* Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин
ўғли

2020 йил “___” февраль

БАЁННОМА

Гумон қилинувчини ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирилганлиги
ва уни ҳимоячи хизматидан воз кечганлиги ҳақида

2020 йил 24 февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, ушбу куни иш юритувимдаги 060004/2020-1 КР-сонли жиноят иши бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинаётган М.Ф.Тиллоевга суриштирувда ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқи ҳимоячи “Бухоро” адвокатлар ҳайъати адвокати А.М.Рамазонов иштирокида тушунтирилди.

Гумон қилинувчи М.Ф.Тиллоев Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан ҳамда ҳимоячига эга бўлиш тўғрисидаги қарор билан танишиб чиқиб, ҳимоячи билан холи учрашиб, қуйидагиларни билдирди:

Гумонланувчи:
М.Ф.Тиллоев

(имзо)

Ҳимоячи:

(имзо)

А.М.Рамазонов

Инспектор-суриштирувчи
24.02.2020 йил.

(имзо)

М.Рахматов

**Гумон қилинувчини экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорлар ва ўзига берилган ҳуқуқлар билан таништириш ҳақида
Б А Ё Н Н О М А**

2020 йил 24 февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 179-моддасига асосан, гумон қилинувчи Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига

- 2020 йил 10 февраль куни тайинланган “Судга оид техникавий экспертизани тайинлаш тўғрисида”ги қарорлар;

- 2020 йил 19 февраль куни тайинланган “Товар моддий бойликларини нархини аниқлаш бўйича экспертиза тайинлаш тўғрисида”ги қарорлари билан таништирилди.

Шунингдек, унга экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим билан танишиб чиқиш ва ўзига берилган ҳуқуқлар тушунтирилишини талаб қилиш, экспертни рад этиш, ўзи кўрсатган шахслар орасидан эксперт тайинланишини илтимос қилиш, эксперт хулоса бериши учун унинг олдига қўшимча саволлар қўйиш, қўшимча материаллар тақдим этиш, экспертиза ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, суднинг рухсати билан ҳозир бўлиш, экспертдан текширув вақтида қўллаётган усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиш, экспертга тушунтиришлар бериш, эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқларига эга эканлигини тушунтирилди.

Гумон қилинувчи М.Ф.Тиллоев ушбу қарорлар билан танишиб, қуйидагиларни билдирди:

Гумон қилинувчи:

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.Рахматов

Гумон қилинувчини эксперт хулосалари билан таништириш ҳақида

Б А Ё Н Н О М А

2020 йил 24 февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 179-моддасига асосан, гумон қилинувчи Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига

- Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги фуқаро авиацияси агентлиги “Ўзавиация” агентлигининг 2020 йил 18 февралдаги 01-39/20-231сонли;

- Тошкент шаҳридаги 10002-сонли ҳарбий қисмнинг 2020 йил 19 февраль кунидаги ЕТ/1-2211-сонли;

- “Бизнесни баҳолаш ва эксперт консалт” МЧЖнинг 2020 йил 20 февраль кунидаги 02-11В-сонли халосаларини тақдим қилиб, унга эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиши, эътирозлар киритиши ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирдим.

Гумон қилинувчи Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли экспертиза хулосалари билан танишиб, қуйидагиларни билдирди:

Гумон қилинувчи

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.Рахматов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ
“БУХОРО АЭРОПОРТИ” ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТИ

ГУМОН ҚИЛИНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ БАЁННОМАСИ

2020 йил 24 февраль

Бухоро шаҳар

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, ушбу кун 060004/2020-1 КР-сонли жиноят иши бўйича хизмат хонамда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96-111-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда М.Ф.Тиллоевни гумон қилинувчи тарикасида сўроқ қилдим:

Сўроқ бошланди: соат “15” “00” дақ. Сўроқ тамомланди: соат “15” “45” дақ.

1.	Фамилияси, исми, шарифи	Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли
2.	Туғилган йили, ой ва куни	26.08.1998 йил
3.	Туғилган жойи	Жондор тумани
4.	Миллати	Ўзбек
5.	Фуқаролиги	Ўзбекистон Республикаси фуқароси
6.	Маълумоти, касби	Ўрта-махсус
7.	Иш жойи, лавозими	Вақтинча ишсиз.
8.	Яшаш жойи	Бухоро вилояти Жондор тумани “Зандавоис” қишлоғи 54-уйда яшайди.
9.	Телефон рақами	№+99897 239-33-19, +99891 310-69-55
10.	Оилавий аҳволи	бўйдоқ.
11.	Шахсини тасдиқловчи ҳужжат	Шахси аниқ.
12.	Судланганлиги	Судланмаган
13.	Партиявийлиги	Йўқ
14.	Депутатлиги	Йўқ
15.	Ҳарбий хизматга мажбурлиги	Ҳарбийга алоқадор эмас

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 48-моддаси (гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари).

Гумон қилинувчи: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиши; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгироқ қилиши ёхуд хабар бериши; у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиши ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиши вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиши, ушбу Кодекснинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини талаб қилиши; ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда шунинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериши ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиши ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиши; ўзининг ҳимояланиши ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириши; штимоснома бериши ва рад қилиши; далиллар тақдим этиши; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиши; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериши ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувиغا биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиши, сохталаштириши, гувоҳларни кўндиришига уриниши ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириши, эксперт текшируви учун намуналар олиши, экспертиза ўтказиши учун тиббий муассасага жойлаштириши тўғрисидаги қарорлари ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишида тартибга риоя этиши шарт.

Гумон қилинувчи: _____

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48 ва 360-моддаларига асосан гумон қилинувчи М.Ф.Тиллоевга, у ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жинойтни содир этганликда гумон қилинаётганлиги эълон қилинди.

Гумон қилинувчи: _____

Имзо

Ф.И.Ш.

Савол: Қайси тилда кўрсатув беришни хоҳлайсиз ва таржимон хизматига муҳтожмисиз?

Жавоб: Мен кўрсатувларимни ўзбек тилида беришни хоҳлайман, таржимон хизматига муҳтож эмасман.

Гумон қилинувчи: _____

Имзо

Ф.И.Ш.

Савол: Кўрсатувларингиз суриштирувчи томонидан компьютер техника воситасида расмийлаштирилишига қарши эмасмисиз? Ёки ўз кўрсатувларингизни ўзингиз ёзиб беришни хоҳлайсизми?

Жавоб: Кўрсатувларим суриштирувчи томонидан компьютер техника воситаси ёрдамида расмийлаштирилишини хоҳлайман.

Гумон қилинувчи: _____

Имзо

Ф.И.Ш.

Савол: Кўрсатувларингизни ўзбек тилининг қайси алифбосида, яъни лотин ёки кирилл алифбосида ёзиб борилишини хоҳлайсиз?

Жавоб: Кўрсатувларимни ўзбек тилининг кирилл алифбосида ёзиб борилишини хоҳлайман.

Гумон қилинувчи: _____

Имзо

Ф.И.Ш.

Савол: Сиз ҳимоячингиз билан холи учрашдингизми?

Жавоб: _____

Гумон қилинувчи: _____

Имзо

Ф.И.Ш.

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

Мен 2020 йил 8 февраль куни соат тахминан 17³⁰ ларда Россия Федерациясининг Внуково аэропортидан “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан “Бухоро халқаро аэропорти”га етиб келдим.

Аэропортда паспорт назоратидан ўтгач, багаж ва қўл юкларимни божхона назоратидан ўтказиш мақсадида божхона назорати ҳудудининг “яшил” йўлаги орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кираётган вақтимда, божхона ходимларида менга нисбатан шубҳа уйғонганлиги сабабли, менинг багаж ва қўл юкларимни “Rapiscan 624XR” рентген аппарати орқали божхона назоратидан ўтказишди.

Божхона назорати давомида божхона ходимлари менга тегишли қўл юкимда бир дона, “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учуш аппарати ҳамда “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган, мазкур аппаратнинг видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи бир дона, ҳажми 2GB. бўлган, C15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картаси борлигини аниқладилар.

Шундан сўнг, божхона ходимлари менга мазкур “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учуш аппаратни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланганлигини, ушбу турдаги қурилмаларни олиб кириш учун рухсатномани лозимлигини тушунтиришди ва мендан мазкур “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учуш аппаратини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома бор ёки йўқлигини сўрашди.

Шундан сўнг, мен божхона ходимларига ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учуш аппаратини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома йўқлигини маълум қилдим ва божхона ходимлари ушбу ҳолат юзасида ҳолислар иштирокида менга нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирдилар ҳамда мазкур “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учуш аппаратини ҳамда бир дона, ҳажми 2GB. бўлган, C15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картасини экспертизадан ўтказиш мақсадида вақтинча сақловга олдилар.

Савол: Сиз қачон Ўзбекистондан Россия Федерациясига жўнаб кетгансиз?

Жавоб: Мен Ўзбекистондан Россия Федерациясига 01.06.2019 йил куни жўнаб кетганман.

Савол: Сиз нима мақсадда Ўзбекистондан Россия Федерациясига жўнаб кетгансиз?

Жавоб: Мен Ўзбекистондан Россия Федерациясига ишлаш мақсадида борганман. Россия Федерациясининг Москва шаҳри Метро лублино тумани Ситовраполиски кўчаси 2-уйда махсус қурилиш ахлатларини ажратиш билан шуғулландим.

Савол: Сиз ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратини қаердан олгансиз?

Жавоб: Мен ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратини Москвада ишлаб юрган вақтимда қариндошим, яъни амакимнинг ўғли “Тиллоев Азамат” менга берган эди. Мен ушбу қурилмани Тиллоев Азаматнинг Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи 6 ёшли фарзандига олиб бориб беришим керак эди.

Савол: Сиз ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратидан қандай фойдаланишни ҳамда йиғишни биласизми?

Жавоб: Мен ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланишни ҳамда йиғишни билмайман.

Савол: Сиз ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган апаратини нима учун йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатмадингиз?

Жавоб: Мен ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган апаратини йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатиш керак эканлиги ёдимдан кўтарилган.

Савол: Сиз ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган апаратини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган эканлигини билармидингиз?

Жавоб: Мен ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган апаратини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган эканлигини билмаган эдим.

Савол: Кўрсатувларингизга қўшимчаларингиз борми?

Жавоб: _____

Гумон қилинувчи:

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.Рахматов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ
“БУХОРО АЭРОПОРТИ” ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТИ
ГУВОҲНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ БАЁННОМАСИ

2020 йил 27 февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, хизмат хонамда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38¹, 114-120-моддаларига асосан гувоҳ тариқасида сўроқ қилдим.

Сўроқ бошланди: “09” соат “00” дақиқада
 Сўроқ тамомланди: “09” соат “30” дақиқада

1.	Фамилияси, исми, шарифи	Сроджев Ахтамжон Аминович
2.	Туғилган куни	21.11.1989 йил
3.	Туғилган жойи	Бухоро шаҳри
4.	Миллати	Ўзбек
5.	Фуқаролиги	Ўзбекистон Республикаси фуқароси
6.	Маълумоти, касби	олий, 2011 йил Бухоро давлат университетининг жисмоний тарбия мутахассислигини тамомлаган.
7.	Иш жойи, лавозими	“Бухоро халқаро аэропорти”да авиа-назоратчи бўлиб ишлайди.
8.	Яшаш жойи ва телефони	Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Олимхўжа кўчаси 3-муъолиш 9-уй. Тел.: +99893 474-77-72
9.	Оилавий ахволи	оилали, 2 нафар фарзанди бор.
10.	Шахсини тасдиқловчи ҳужжат	№АА 5888493 рақамли паспорт, Бухоро вилояти Бухоро шаҳар ИИБ томонидан 24.06.2014 йилда берилган.
11.	Судланганлиги	Муқаддам судланмаган.
12.	Харбий хизматга мажбуриги	Харбий хизматга алоқадор.
13.	Мукофотланганлиги	Йўқ
14.	Депутатлиги	Йўқ

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддаси (Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари).

Гувоҳ: адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиш; сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш; кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга.

Гувоҳ: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қақуриғига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг руҳсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ушбу Кодекснинг 261 — 264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб қилиниши мумкин.

Гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Гувоҳ: _____

(имзо)

Ф.И.Ш

Гувоҳ А.А.Сроджевга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилди ҳамда у ёлғон гувоҳлик берганда ёки кўрсатув беришни рад этганда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-240-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огохлантирилди.

Гувоҳ: _____
(имзо) Ф.И.Ш

Савол: Қайси тилда кўрсатма беришни хоҳлайсиз, шунингдек таржимон хизматидан ҳамда адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланасизми?

Жавоб: Кўрсатувимни ўз она тилимда, яъни ўзбек тилида бераман, таржимонга ҳамда адвокатнинг юридик ёрдамига эҳтиёжим йўқ.

Гувоҳ: _____
(имзо) Ф.И.Ш

Савол: Кўрсатувларингиз қўлда ёзасизми ёки компьютерда ёзилишини хоҳлайсизми?

Жавоб: Хуснихатим яхши бўлмаганлиги сабабли кўрсатмамни компьютерда ёзиб олинишини хоҳлайман.

Гувоҳ: _____
(имзо) Ф.И.Ш

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

Мен юқорида кўрсатилган манзилда оила аъзоларим билан яшаб келмоқдаман. Мен 2020 йил 8 февраль куни “Бухоро халқаро аэропорти”да ўзимнинг хизмат вазифаларимни бажараётган вақтимда, божхона ходимлари келиб, менга бир иш юзасидан холис бўлишимни сўрашди ва мен вақтим бўлганлиги учун рози бўлдим.

Шу куни соат тахминан 17³⁰ ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан учиб келиб, постнинг “яшил” йўлаги орқали ҳаракатланиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли пост ходимлари томонидан шубҳа уйғотганлиги сабабли, божхона ходимлари мен ва яна бир холис иштирокчимизда унинг қўл юклари ва кузатиб борилаётган багажини рентген аппарати орқали божхона назоратидан ўтказишди.

Божхона назорати давомида божхона ходимлари, фуқаро М.Ф.Тиллоев ўзининг қўл юкида ХХРда ишлаб чиқарилган, бир дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппарати ҳамда бир дона, “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган, мазкур аппаратнинг видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB. бўлган, C15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кираётганлигини аниқлашди.

Шундан сўнг, божхона ходимлари фуқаро М.Ф.Тиллоевга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.11.2014 йилдаги 322-сонли қарорига биноан бу турдаги учувчисиз учадиган аппаратларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш таъқиқланганлигини тушунтиришди ҳамда мен ва яна бир холис иштирокчимизда уни шахсий кўриқдан ўтказишиб, унинг юқларини кўздан кечиришди ва бу ҳақда баённома расмийлаштириб, фуқаро М.Ф.Тиллоевдан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишди.

Шахсий кўриқ давомида фуқаро М.Ф.Тиллоевда ишга алоқадор ҳеч қандай ноқонуний ашёлар борлиги аниқланмади.

Савол: Ушбу кун божхона ходимлари томонидан фуқаро М.Ф.Тиллоевнинг кўл юқи ва багажларини кўздан кечирилганда қандай турдаги ашёлар борлиги аниқланди?

Жавоб: Ушбу кун божхона ходимлари мен ва яна бир холис иштирокчимизда фуқаро М.Ф.Тиллоевнинг кўл юқи ва багажини кўздан кечирганларида, унинг кўл юқидан ХХРда ишлаб чиқарилган, бир дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппарати ҳамда бир дона, “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган, мазкур аппаратнинг видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB. бўлган, C15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картаси борлигини аниқлашди.

Савол: Мазкур ҳолат юзасидан дастлабки ҳужжатларни расмийлаштириш давомида божхона ходимлари фуқаро М.Ф.Тиллоевга нисбатан бирор-бир ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир қилишдими?

Жавоб: Мазкур ҳолат юзасидан дастлабки ҳужжатларни расмийлаштириш давомида божхона ходимлари фуқаро М.Ф.Тиллоевга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир қилишмади.

Савол: Сўроқ қилиш жараёнида божхона ходимлари томонидан Сизга бирор-бир тазйиқ ўтказишдими?

Жавоб: Сўроқ қилиш жараёнида божхона ходимлари томонидан менга нисбатан ҳеч қандай тазйиқ ўтказишмади.

Савол: Кўрсатмаларингизга қўшимчаларингиз борми?

Жавоб:

Гувоҳ:

(имзо)

А.А.Сроджев

Сўроқ қилдим:

(имзо)

М.М.Рахматов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ
“БУХОРО АЭРОПОРТИ” ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТИ
ГУВОҲНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ БАЁННОМАСИ

2020 йил 27 февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, хизмат хонамда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38¹, 114-120-моддаларига асосан гувоҳ тариқасида сўроқ қилдим.

Сўроқ бошланди: “10” соат “00” дақиқада
 Сўроқ тамомланди: “10” соат “35” дақиқада

1.	Фамилияси, исми, шарифи	Шамсидинов Миршод Санжар ўғли
2.	Туғилган куни	26.05.1994 йил
3.	Туғилган жойи	Бухоро шаҳри
4.	Миллати	Ўзбек
5.	Фуқаролиги	Ўзбекистон Республикаси фуқароси
6.	Маълумоти, касби	ўрта-махсус
7.	Иш жойи, лавозими	“Бухоро халқаро аэропорти”да авиа-назоратчи бўлиб ишлайди.
8.	Яшаш жойи ва телефони	Бухоро вилояти Бухоро шаҳри А.Сомий кўчаси 38-уй 25-хонадонда яшайди. Тел.: +99890 512-34-33
9.	Оилавий ахволи	оилали.
10.	Шахсини тасдиқловчи ҳужжат	№АА 7417541 рақамли паспорт, Бухоро вилояти Бухоро шаҳар ИИБ томонидан 01.11.2014 йилда берилган.
11.	Судланганлиги	Мукаддам судланмаган.
12.	Харбий хизматга мажбурлиги	Ҳарбийга алоқадор.
13.	Мукофотланганлиги	Йўқ
14.	Депутатлиги	Йўқ

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддаси (Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари).

Гувоҳ: адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиш; сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш; кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; сўроқ баённомаси билан танишиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга.

Гувоҳ: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг руҳсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ушбу Кодекснинг 261 — 264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин.

Гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Гувоҳ: _____
 (имзо) _____ Ф.И.Ш _____

Гувоҳ М.С.Шамсидиновга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилди ҳамда у ёлғон гувоҳлик берганда ёки кўрсатув беришни рад этганда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-240-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огохлантирилди.

Гувоҳ: _____
(имзо) Ф.И.Ш

Савол: Қайси тилда кўрсатма беришни хоҳлайсиз, шунингдек таржимон хизматидан ҳамда адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланасизми?

Жавоб: Кўрсатувимни ўз она тилимда, яъни ўзбек тилида бераман, таржимонга ҳамда адвокатнинг юридик ёрдамига эҳтиёжим йўқ.

Гувоҳ: _____
(имзо) Ф.И.Ш

Савол: Кўрсатувларингиз қўлда ёзасизми ёки компьютерда ёзилишини хоҳлайсизми?

Жавоб: Хуснихатим яхши бўлмаганлиги сабабли кўрсатмамни компьютерда ёзиб олинишини хоҳлайман.

Гувоҳ: _____
(имзо) Ф.И.Ш

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

Мен юқорида кўрсатилган манзилда оила аъзоларим билан яшаб келмоқдаман. Мен 2020 йил 8 февраль куни “Бухоро халқаро аэропорти”да ўзимнинг хизмат вазифаларимни бажараётган вақтимда, божхона ходимлари келиб, менга бир иш юзасидан холис бўлишимни сўрашди ва мен вақтим бўлганлиги учун рози бўлдим.

Шу куни соат тахминан 17³⁰ ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан учиб келиб, постнинг “яшил” йўлаги орқали ҳаракатланиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли пост ходимлари томонидан шубҳа уйғотганлиги сабабли, божхона ходимлари мен ва яна бир холис иштирокчимизда унинг қўл юклари ва кузатиб борилаётган багажини рентген аппарати орқали божхона назоратидан ўтказишди.

Божхона назорати давомида божхона ходимлари, фуқаро М.Ф.Тиллоев ўзининг қўл юкида ХХРда ишлаб чиқарилган, бир дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппарати ҳамда бир дона, “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган, мазкур аппаратнинг видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB бўлган, C15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кираётганлигини аниқлашди.

Шундан сўнг, божхона ходимлари фуқаро М.Ф.Тиллоевга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.11.2014 йилдаги 322-сонли қарорига биноан бу турдаги учувчисиз учадиган аппаратларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш таъқиқланганлигини тушунтиришди ҳамда мен ва яна бир холис иштирокчимизда уни шахсий кўрикдан ўтказишиб, унинг юқларини кўздан кечиришди ва бу ҳақда баённома расмийлаштириб, фуқаро М.Ф.Тиллоевдан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишди.

Шахсий кўрик давомида фуқаро М.Ф.Тиллоевда ишга алоқадор ҳеч қандай ноқонуний ашёлар борлиги аниқланмади.

Савол: Ушбу кун божхона ходимлари томонидан фуқаро М.Ф.Тиллоевнинг кўл юки ва багажларини кўздан кечирилганда қандай турдаги ашёлар борлиги аниқланди?

Жавоб: Ушбу кун божхона ходимлари мен ва яна бир холис иштирокчимизда фуқаро М.Ф.Тиллоевнинг кўл юки ва багажини кўздан кечирганларида, унинг кўл юкидан ХХРда ишлаб чиқарилган, бир дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппарати ҳамда бир дона, “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган, мазкур аппаратнинг видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB. бўлган, C15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картаси борлигини аниқлашди.

Савол: Айтингчи, мазкур ҳолат юзасидан дастлабки ҳужжатларни расмийлаштириш давомида божхона ходимлари фуқаро М.Ф.Тиллоевга нисбатан бирор-бир ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир қилишдими?

Жавоб: Мазкур ҳолат юзасидан дастлабки ҳужжатларни расмийлаштириш давомида божхона ходимлари фуқаро М.Ф.Тиллоевга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир қилишмади.

Савол: Айтингчи, сўроқ қилиш жараёнида божхона ходимлари томонидан Сизга бирор бир тазйиқ ўтказишдими?

Жавоб: Сўроқ қилиш жараёнида божхона ходимлари томонидан менга нисбатан ҳеч қандай тазйиқ ўтказишмади.

Савол: Кўрсатмаларингизга қўшимчаларингиз борми?

Жавоб:

Гувоҳ: *(имзо)* М.С.Шамсидинов

Сўроқ қилдим: *(имзо)* М.М.Рахматов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ
“БУХОРО АЭРОПОРТИ” ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТИ
ГУВОҲНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ БАЁННОМАСИ

2020 йил 26 февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, хизмат хонамда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38¹, 114-120-моддаларига асосан гувоҳ тариқасида сўроқ қилдим.

Сўроқ бошланди: “09” соат “10” дақиқада
Сўроқ тамомланди: “09” соат “40” дақиқада

1.	Фамилияси, исми, шарифи	Тойиров Хуршиджон Эркинович
2.	Туғилган куни	01.10.1989 йил
3.	Туғилган жойи	Ғиждувон тумани
4.	Миллати	Ўзбек
5.	Фуқаролиги	Ўзбекистон Республикаси фуқароси
6.	Маълумоти, касби	олий, 2012 йил Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг “Халқаро бизнес” факултети “Божхона иши” йўналишини тамомлаган.
7.	Иш жойи, лавозими	Божхона органларида 2013 йил январь ойидан, эгаллаб турган, яъни “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости катта инспектори лавозимида 2018 йил август ойидан ишлайди.
8.	Яшаш жойи ва телефони	Бухоро вилояти Ғиждувон тумани “Армечан” ҚФЙ Чаримгар кишлоғи 165-уй Тел.: + 99891 416-00-65
9.	Оилавий ахволи	оилали, 2 нафар фарзанди бор.
10.	Шахсини тасдиқловчи хужжат	Шахси аниқ.
11.	Судланганлиги	Муқаддам судланмаган.
12.	Харбий хизматга мажбурлиги	Ҳарбий хизматга алоқадор.
13.	Мукофотланганлиги	Йўқ
14.	Депутатлиги	Йўқ

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддаси (Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари).

Гувоҳ: адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиши; тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга иштирок этиши; сўроқ юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериши ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиши; унинг сўроқ қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиши; кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериши; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; сўроқ баённомаси билан танишиши, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиши; кўрсатувлар беришида ёзма белгилар ва хужжатлардан фойдаланиши; ўз манфаатларини ҳимоя қилиши учун, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириши ҳуқуқига эга.

Гувоҳ: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўроқ қилувчининг рухсатисиз ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ушбу Кодекснинг 261 — 264-моддаларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб келиниши мумкин.

Гувоҳ кўрсатув беришдан бош тортганлик, шунингдек била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Гувоҳ: _____
(имзо) Ф.И.Ш

Гувоҳга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 66-моддасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилди ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-240-моддаларига асосан жавобгарликка тортилиши ҳақида огохлантирилди.

Гувоҳ: _____
(имзо) Ф.И.Ш

Савол: Қайси тилда кўрсатма беришни хоҳлайсиз?

Жавоб: _____

Савол: Кўрсатувларингиз қўлда ёзасизми ёки компьютерда ёзилишини хоҳлайсизми?

Жавоб: _____

Менга берилган саволларга қуйидагича жавоб бераман:

Мен юқорида кўрсатилган манзилда оила аъзоларим билан яшаб келмоқдаман.

Божхона органларига 2013 йилдан бери, эгаллаб турган лавозимимга 2018 йил август ойидан буён хизмат қилиб келмоқдаман. Менинг хизмат вазифамга фуқароларнинг қўл юки ва багажларини бојхона назоратидан ўтказиш, ўзига нисбатан шубҳа уйғотган йўловчиларни шахсий кўрикдан ўтказиш ва қизил йўлак орқали ҳаракатланаётган йўловчиларнинг йўловчи бојхона декларацияларини белгиланган тартибда расмийлаштириш ҳамда бојхона ҳақидаги қонун ҳужжатларни бузганлик тўғрисидаги ишларни расмийлаштириш киради.

Мен 2020 йил 8 февраль куни соат 09⁰⁰ да “Бухоро аэропорти” чегара бојхона постига ўз хизмат вазифаларимни бажариш учун келдим. Шу куни пост бош инспектор-смена бошлиғи томонидан олиб борилган тарқатув йўриқномасига асосан, мен бојхона назоратининг кириш йўналишида “яшил” йўлакда хизмат олиб боришни бошладим.

Ушбу кун тахминан соат 17³⁰ ларда “Бухоро аэропорти” чегара бојхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан учиб келиб, бојхона назорати зонасининг “яшил” йўлаги орқали ҳаракатланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлининг хатти ҳаракатларига нисбатан менга шубҳа уйғонганлиги сабабли, мен ундан “Йўловчи бојхона декларацияси”ни тўлдирган ёки тўлдирмаганлигини ҳамда сумкаларида нималар борлигини сўрадим ва унинг қўл юклари ва сумкаларини рентген

аппарати орқали божхона назоратидан ўтказишим лозимлигини тушунтирдим.

Кўздан кечиримим давомида, фуқаро М.Ф.Тиллоевга тегишли кўл юкида, “Йўловчи божхона декларацияси”да ёзиб кўрсатилмаган ва менинг оғзаки сўровимда маълум қилмаган, бир дона, олдин фойдаланилган, қизил рангли, “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппарати ҳамда бир дона, “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган, мазкур аппаратнинг видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB. бўлган, C15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картаси борлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг, мен фуқаро М.Ф.Тиллоевга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.11.2014 йилдаги 322-сонли Қарорига биноан бу турдаги учувчисиз учадиган аппаратларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тақиқланганлигини тушунтириб, икки нафар холис иштирокида уни шахсий кўрикдан ўтказиб, унинг юкларини кўздан кечирдим ва бу ҳақида баённома расмийлаштириб, фуқаро М.Ф.Тиллоевдан ҳолат юзасидан тушунтириш хати олдим.

Шахсий кўрик давомида фуқаро М.Ф.Тиллоевда ишга алоқадор ҳеч қандай ноқонуний ашёлар борлиги аниқланмади.

Савол: Фуқаро М.Ф.Тиллоев сизнинг “Йўловчи божхона декларацияси”ни тўлдирган ёки тўлдирмаганлигини ҳамда сумкаларида нималар борлигини сўраганингизда қандай жавоб берганлигини айта оласизми?

Жавоб: М.Ф.Тиллоев менинг “Йўловчи божхона декларацияси”ни тўлдирган ёки тўлдирмаганлигини ҳамда сумкаларида нималар борлигини сўраганимда “Тақиқланган ҳеч нарса йўқ менда”, - деб айтди.

Савол: Айтингчи, 2020 йил 8 февраль куни фуқаро М.Ф.Тиллоевдан қандай техник қурилмалар олиб қўйилди?

Жавоб: 2020 йил 8 февраль куни фуқаро М.Ф.Тиллоевдан ХХРда ишлаб чиқарилган, бир дона “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппарати ҳамда бир дона, “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган, мазкур аппаратнинг видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB. бўлган, C15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картаси олиб қўйилди. Ушбу олиб қўйилган учувчисиз учадиган аппарати эса фуқаро М.Ф.Тиллоевнинг кўл юки кўздан кечирилганда, юқоридаги учувчисиз учадиган аппарати холислар иштирокида олиб қўйилди.

Савол: Айтингчи, сўроқ баённомаси Сизга танишиб чиқишлик учун тақдим қилинмоқда. Кўрсатувларингизга қўшимчаларингиз борми?

Жавоб: _____

Гувоҳ: _____ (имзо) _____ Х.Э.Тойиров

Сўроқ қилдим: _____ (имзо) _____ М.М.Рахматов

Қ А Р О Р

Нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳамда уларни ишга қўшиб қўйиш ҳақида

2020 йил 25 февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, иш юритувимидаги 060004/2020-1 КР-сонли жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатлар билан танишиб,

А Н И Қ Л А Д И М:

2020 йил 8 февраль куни соат тахминан 17³⁰ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости ходимлари томонидан иш юзасидан гумон қилинувчи Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлининг қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганда, у томонидан бир дона учувчисиз учадиган аппарати ҳамда унинг эҳтиёт қисмларини йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кираётганлиги қайд этилиб, тегишли тартибда расмийлаштирилган.

Бинобарин, М.Ф.Тиллоевдан олиб қўйилган ашё (нарсалар) иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қилишлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 203-204-,207-209-моддалари қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

1. 060004/2020-1 КР-сонли жиноят иши бўйича гумон қилинувчи М.Ф.Тиллоевдан олиб қўйилган ХХР ишлаб чиқарилган, учиш вазни 0.652 кг. ва “Т-SERIES T-40” ёзуви мавжуд бўлган учувчисиз учадиган аппарати ҳамда эҳтиёт қимлари:

- бир дона, “Т-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган, мазкур аппаратнинг видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2 Gb бўлган, С15LHY091334 серия рақамли, “micro SD” ёзувли хотира картасини иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қилишлигини инобатга олиб, улар ашёвий далил деб эътироф этилсин ва жиноят ишига қўшилсин.

2. Ашёвий далил деб эътироф этилган мазкур ашё (нарсалар) 19.02.2020 йилда 26-сонли юк хати асосида Бухоро шаҳридаги “Баракоти падарон” хусусий корхонасининг омборига вақтинча сақловга топширилганлиги инобатга олинсин.

3.Қарор нусхаси Бухоро транспорт прокуратурасига юборилсин.

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.Рахматов

Қ А Р О Р

жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишига жалб қилиш тўғрисида

2020 йил 27 февраль

Бухоро шаҳри

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.М.Рахматов, 060004/2020-1 ҚР-сонли жиноят иши материаллари билан танишиб чикиб,

А Н И Қ Л А Д И М:

Суриштирувда тўпланган ҳужжатларига кўра, 26.08.1998 йил, Жондор туманида туғилган, Бухоро вилояти Жондор тумани “Жамият” МФЙ., “Зандавоис” қишлоғи 54-уйда яшовчи Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар туркумига кирувчи, учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш жиноятини қуйидаги вақт, усул ва ҳолатларда содир этган.

Хусусан, М.Ф.Тиллоев 2020 йил 8 февраль куни соат тахминан 17³⁰ларда “Москва-Бухоро” йўналиши бўйича қатновчи НУ608-сонли авиарейс билан “Бухоро халқаро аэропорти”га келиб тушиб, чегара назоратидан ўтиб, “Бухоро аэропорти” чегара божхона постининг “яшил” йўлаги орқали ҳаракатланиб, ўзига нисбатан пост ходимларида шубҳа уйғотганлиги сабабли унинг кўл юклари “Rapiscan 624XR” рентген аппарати орқали божхона назоратидан ўтказилганда, у белгиланган тартибни, яъни 26.11.2014 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида учувчисиз учуш қурилмаларидан санкциясиз фойдаланишда огоҳлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 322-сонли қарори ва 31.08.2016 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учуш қурилмаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 287-сонли қарори талабларини кўпол равишда бузиб, учувчисиз учадиган аппаратини олиб кириш учун тегишли рухсатномага эга бўлмасдан туриб, бир дона учуш вазни 0.652 кг.ни ташкил қилган, “T-SERIES T-40” ёзуви мавжуд бўлган учувчисиз учадиган аппарати ҳамда унинг эҳтиёт қисмларидан:- бир дона, “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB., C15LHY091334 серия рақамли “micro SD” ёзуви бўлган хотира картасини йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатмасдан қонунга хилоф равишда олиб қираётганлиги қайд этилиб, ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Шундай қилиб, Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли белгиланган тартибни бузиб, учувчисиз учадиган аппаратни ҳамда эҳтиёт қисмини қонунга хилоф равишда олиб киришда ифодаланган ҳаракатлари билан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38¹, 45, 111 ва 361-моддасини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И М:

1. Мазкур жиноят иши буйича Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиниб, айблов эълон қилинсин.

2. Ушбу қарор М.Ф.Тиллоевга эълон қилиниб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида назарда тутилган айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушинтирилсин.

3. Қарор нусхаси Бухоро транспорт прокуратурасига юборилсин.

“Бухоро аэропорти” чегара божхона

пости инспектор-суриштирувчиси,

божхона хизмати лейтенанти

(имзо)

М.М.Рахматов

Мазкур қарор менга 2020 йил “_____” февраль куни эълон қилинди ва айбловнинг моҳияти тушунтирилди.

Айбланувчи:

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

Менга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 111-моддасига асосан, ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, яъни:

Айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиши; қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиши ёхуд хабар бериши; ҳимоячига эга бўлиши ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиши вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиши, ушбу Кодекс 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериши ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортishi ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиши; ўзининг ҳимоячилиги ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириши; илтимоснома бериши ва рад қилиши; далиллар тақдим этиши; суриштирувчи ёки терговчининг руҳсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиши; суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиши ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиши, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиши ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиши; жиноят ишининг суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириши ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиши; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг руҳсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиши; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериши; суд мажлисининг байъномаси билан танишиши ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириши; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиши ва уларга нисбатан эътирозлар билдириши ҳуқуқига эга.

Судланувчи охириги сўз билан чиқиши ҳуқуқига эга.

Айбланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиши, сохталаштириши, гувоҳларни кўндиришига уриниши ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириши, эксперт текшируви учун намуналар олиши, экспертиза ўтказиши учун тиббий муассасага жойлаштириши ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг терговчи ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Айбланувчи зиммасига кўрсатув бериши, шунингдек ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмаслиги тушунтирилди.

Айбланувчи:

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ
“БУХОРО АЭРОПОРТИ” ЧЕГАРА БОЖХОНА ПОСТИ

АЙБЛАНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ БАЁННОМАСИ

2020 йил 27 февраль

Бухоро шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси божхона хизмати лейтенанти М.Рахматов, ушбу кун 060004/2020-1 МН-сонли жиноят иши бўйича Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими хизмат хонасида, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96-111-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда айбланувчини сўроқ қилдим.

Сўроқ бошланди: соат “11” “20” да.
Сўроқ тамомланди: соат “12” “10” да.

1. Фамилия, исми, шарифи:	Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли
2. Тугилган йили, куни:	26.08.1998 йил
3. Тугилган жойи:	Жондор тумани
4. Миллати:	Ўзбек
5. Фуқаролиги:	Ўзбекистон Республикаси фуқароси
6. Маълумоти, касби:	Ўрта-махсус
7. Иш жойи, лавозими:	Вақтинча ишсиз.
8. Яшаш жойи:	Бухоро вилояти Жондор тумани Зандавоис қишлоғи 54-уйда яшайди.
9. Оилавий аҳволи:	№+99897 239-33-19, +99891 310-69-55
10. Паспорти:	бўйдоқ.
11. Судланганлиги:	Шахси аниқ
12. Харбий хизматга мажбурлиги:	Муқаддам судланмаган
13. Муқофотланганлиги:	Йўқ
14. Депутатлиги:	Йўқ

Айбланувчи: (имзо)

М.Ф. Тиллоев

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддаси
(айбланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари).

Айбланувчи: ўзининг нимада айбланаётганлигини билиши; қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгироқ қилиши ёхуд хабар бериши; ҳимоячига эга бўлиши ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиши вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиши, ушбу Кодекс 230-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериши ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиши ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиши; ўзининг ҳимояланishi ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириши; илтимоснома бериши ва рад қилиши; далиллар тақдим этиши; суриштирувчи ёки терговчининг руҳсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиши; суриштирув ёки дастлабки тергов тамом бўлгандан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиши ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиши, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиши ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиши; жиноят ишининг суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириши ҳамда суд муҳофазаси ўтказилишини

талаб қилиши; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг рухсати билан эса, кассация ва назорат инстанциялари судининг мажлисларида иштирок этиши; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериши; суд мажлисининг баённомаси билан танишиши ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириши; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиши ва уларга нисбатан эътирозлар билдириши ҳуқуқига эга.

Судланувчи охириги сўз билан чиқиши ҳуқуқига эга.

Айбланувчи: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиши, сохталаштириши, гувоҳларни кўндиршига уриниши ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириши, эксперт текишуви учун намуналар олиши, экспертиза ўтказиши учун тиббий муассасага жойлаштириши ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Айбланувчи зиммасига кўрсатув бериши, шунингдек ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

Айбланувчи:

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46 ва 361-моддаларига асосан, айбланувчи Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланаётганлиги эълон қилинди.

Айбланувчи:

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

Суриштирувчининг 2020 йил 27 февраль кунидаги қарорида баён этилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганлигим тўғрисидаги айбловга _____ иқроп_____.

Айбланувчи:

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

Савол: Сиз кўрсатув беришни хоҳлайсизми, агар кўрсатув беришни хоҳласангиз қайси тилда кўрсатув беришни хоҳлайсиз ва таржимон хизматига муҳтожмисиз?

Жавоб: Мен ўзбек тилида кўрсатув беришни хоҳлайман, таржимон хизматига муҳтож эмасман.

Савол: Кўрсатувларингизни суриштирувчи томонидан компьютер техника воситасида расмийлаштирилишига қарши эмасмисиз? Ёки ўз кўрсатувларингизни ўзингиз ёзиб беришни хоҳлайсизми?

Жавоб: Кўрсатувларим суриштирувчи томонидан компьютер техника воситаси ёрдамида расмийлаштирилишини хоҳлайман.

Савол: Кўрсатувларингизни ўзбек тилининг қайси алифбосида, яъни лотин ёки кирилл алифбосида ёзиб борилишини хоҳлайсиз?

Жавоб: Кўрсатувларимни ўзбек тилининг кирилл алифбосида ёзиб борилишини хоҳлайман.

Савол: Сиз ҳимоячингиз билан холи учрашдингизми?

Жавоб: Ҳимоячининг юридик ёрдамига муҳтож эмасман. Ўз ҳуқуқларимни ўзим ҳимоя қила оламан, бу менинг молиявий шароитим билан боғлиқ эмас.

Айбланувчи:

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

Менга берилган саволларга қўйидагича жавоб бераман, яъни:

Мен юқорида кўрсатиб ўтилган манзилда оилам билан биргаликда яшайман. Мен наркология ва психиатрия касалликлари рўйхатида умуман турмайман. Тергов жараёнида бераётган кўрсатмаларимнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етаман.

Мен 2019 йил 01 июнь куни Ўзбекистон Республикасидан Россия Федерациясига ишлаш мақсадида кетганман. Россия Федерациясининг Москва шаҳрида қурилиш молларини ажратиш билан шуғулланганман.

2020 йил 8 февраль куни тахминан соат 17³⁰ ларда Россия Федерациясининг Внуково аэропортидан “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан “Бухоро халқаро аэропорти”га етиб келдим. Аэропортда паспорт назоратидан ўтгач, багаж ва қўл юкларимни божхона назоратидан ўтказиш мақсадида божхона назорати худудининг “яшил” йўлаги орқали Ўзбекистон Республикаси худудига кираётган вақтимда, божхона ходимларида менга нисбатан шубҳа уйғонганлиги сабабли, менинг багаж ва қўл юкларимни “Rapiscan 624XR” рентген аппарати орқали божхона назоратидан ўтказишди.

Божхона назорати давомида божхона ходимлари менга тегишли қўл юкида, бир дона, ХХРда ишлаб чиқарилган, “T-SERIES T-40” ёзуви мавжуд бўлган учувчисиз учадиган аппарати ҳамда унинг эҳтиёт қисмларидан:- бир дона, “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB., C15LHY091334 серия рақамли “micro SD” ёзуви бўлган хотира картаси борлиги аниқлаб, мазкур қурилмани Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланганлигини тушунтиришиб, “MEZON” модели FH1059 тарозисида ўлчаб кўрилганда соф оғирлиги

600 граммлиги маълум бўлди ва менга нисбатан ҳолислар иштирокида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди ва ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратини вақтинча сақловга олдилар.

Савол: Сиз ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппарати ва унинг эҳтиёт қисмини қаердан олгансиз ва нима мақсадда Ўзбекистон Республикасига олиб келяпсиз?

Жавоб: Мен ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппарати ҳамда унинг эҳтиёт қисмларидан:- бир дона, “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB, C15LHY091334 серия рақамли “micro SD” ёзуви бўлган хотира картасини Москвада ишлаб юрган вақтимда қариндошим, яъни амакимнинг ўғли “Тиллоев Азамат” менга берган эди. Мен ушбу қурилмани Тиллоев Азаматнинг Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи 6 ёшли фарзандига олиб бориб беришим керак эди.

Савол: Сизга ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратини олиб келишни бирор киши буюртма берган эдими?

Жавоб: Менга ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратини олиб келишни ҳеч ким буюртма бермаган.

Савол: Сиз Россия Федерациясининг божхона чегараси орқали неча марта ҳаракатлангансиз (кириш ёки чиқиш)?

Жавоб: Мен Россия Федерациясининг божхона чегараси орқали саккиз марта ҳаракатланганман, яъни Ўзбекистондан Россия Федерациясига бир марта ҳам кириш, ҳам чиқиш, Россия Федерациясидан Қозоғистон Республикасига уч марта ҳам кириб, ҳам чиққанман.

Савол: Сиз Россия Федерациясидан Ўзбекистон Республикаси “Бухоро халқаро аэропорти”га келиб тушган вақтингизда багажларни кутиб олиш учун ажратилган нейтрал ҳудудда телевизиор орқали намойиш этиладиган реклама роликлари, постнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ахборот бурчаги ҳамда баннерларга эътибор қаратмадингизми?

Жавоб: Мен Россия Федерациясидан Ўзбекистон Республикаси “Бухоро халқаро аэропорти”га келиб тушиб, багажларни кутиб олиш учун ажратилган нейтрал ҳудудда турган вақтимда телевизиор орқали намойиш этиладиган реклама роликлари, постнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ахборот бурчаги ҳамда баннерларга эътибор берганим йўқ, шошилиб эшитганим ҳам йўқ.

Савол: Айтингчи, Сиз ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланишни биласизми?

Жавоб: Мен мазкур “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратидан фойдаланишни билмайман ва бундан олдин ҳам фойдаланмаганман.

Савол: Айтингчи, Сиз ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратини нима учун йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатмадингиз?

Жавоб: Мен ушбу “T-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратини оддий олдин фойдаланилган нарса бўлганлиги учун йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатиш шарт эмас деб ўйладим.

Савол: Кўрсатувларингизни ўз хоҳишингиз билан бердингизми, Сизга нисбатан Божхона органи ходимлари томонидан жисмоний ёки рухий тазйиқ ўтказилмадими?

Жавоб: _____

Савол: Кўрсатувларингизга қўшимчаларингиз борми ?

Жавоб: _____

27.02.2020 йил. (имзо)

Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли

Сўроқ қилдим: (имзо)

М.М.Рахматов

Қ А Р О Р

Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат орқали очиқда қолдириш эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида

2020 йил 27 февраль

Бухоро шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.М.Рахматов, иш юритувимдаги 06004/2020-1КР-сонли жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чикиб,

А Н И Қ Л А Д И М:

2020 йил 8 февраль куни тахминан соат 17³⁰ ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НУ608-сонли авиарейс билан учиб келган фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли, ўзига тегишли бўлган қўл юкида бир дона “Т-SERIES T-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппарати ҳамда унинг эҳтиёт қисмларидан:- бир дона, “Т-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB., C15LHY091334 серия рақамли “micro SD” ёзуви бўлган хотира картасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунга ҳилоф равишда олиб кираётганлиги аниқланиб, унга нисбатан ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзғатилган.

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, 27.02.2020 йилда М.Ф.Тиллоевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан айблов эълон қилиниб, сўроқ қилинганида, у ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, учувчисиз учуш аппаратини қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кирганлигини баён қилган.

Айбланувчи М.Ф.Тиллоевни содир этган жинояти ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, Жондор туман ИИБ ХПБ ТП профилактика инспектори томонидан ижобий тавсифланганлигини, оила аъзолари орасида спиртли ичимликларга ружу қўйганлар ва диний экстремистик оқимида мойиллик йўқлигини ҳамда тергов ва суддан яширинмаслик, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик, жинойий фаолият билан шуғулланмаслик, суриштирувчи ва суднинг чақириши билан дарҳол етиб келиши ҳақида берган тилхатини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Баён қилинганларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 38¹, 236-240 ва 250-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р К И Л Д И М:

1. Мазкур жиноят иши бўйича 26.08.1998 йилда Жондор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, бўйдоқ, ҳарбий хизматга мажбур эмас, давлат мукофотлари олмаган, депутатликка сайланмаган, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Бухоро вилояти Жондор тумани “Жамият МФЙ.”, “Зандавоис” қишлоғи

54-уйда яшовчи, Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилсин.

2. Ушбу қарор айбланувчи М.Ф.Тиллоевга эълон қилинсин.

3. Қарор Бухоро транспорт прокуратурасига юборилсин.

“Бухоро аэропорти” чегара божхона

пости инспектор-суриштирувчиси,

божхона хизмати лейтенанти

(имзо)

М.М.Рахматов

Мазкур қарор менга 2020 йил “_____” февраль куни эълон қилинди.

27.02.2020 йил

(имзо)

Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли

ТИЛХАТ

Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида

Мен, Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости томонидан суриштирув шаклидаги тергов ҳаракатлари олиб борилаётган 060004/2020-1 КР-сонли жиноят иши бўйича айбланувчи М.Ф.Тиллоев, бераман ушбу тилхатни шу ҳақдаким, ўзимнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганимни тасдиқлаб, тергов ва суддан яширинмасликка, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмасликка, жиноий фаолият билан шуғулланмасликка, суриштирувчи, прокурор ва суднинг биринчи чақируви билан дарҳол етиб келишликка, суриштирув ва суд органи рухсатсиз Бухоро вилояти Жондор туманидан бошқа жойга кўчиб кетмасликка, Жондор тумани худудида яшаш жойим ўзгарган тақдирда, бу ҳақда дарҳол суриштирув ва суд органини хабардор қилиш мажбуриятини оламан.

Ушбу тилхатда кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган бошқа мажбуриятларимни бузган тақдиримда менга нисбатан бундан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланиши мумкинлиги ҳақида суриштирувчи томонидан огоҳлантирилдим.

Ушбу тилхатни Бухоро вилояти божхона бошқармасининг суриштирув хонасида инспектор-суриштирувчи М.Рахматов ҳузурида менинг сўзларимдан тўғри ёзилди.

(имзо) **М.Ф.Тиллоев**
2020 йил ”___” февраль

Тилхатни олдим:

Инспектор-суриштирувчи

(имзо)

М.М.Рахматов



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
DAVLAT BOJXONA QO‘MITASINING
BUXORO VILOYATI
BO‘YICHA BOSHQARMASI
“BUXORO AEROPORTI”
CHEGARA BOJXONA POSTI

200109, Buxoro shahri,
B.Naqshband ko‘chasi 10 uy.
tel: (65) 228-91-15

Бухоро вилояти Жондор
тумани “Жамият” маҳалла
фуқаролар йиғини раиси

И.И.Куллиевга

“ ____ ” _____ 2020 yil

№4/21- _____

ТАҚДИМНОМА

Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости томонидан Бухоро вилояти Жондор тумани “Жамият” МФЙ “Зандавоис” қишлоғи 54-уйда яшовчи фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига нибатан Жиноят Кодексининг 244⁴-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган жиноят иши юзасидан суриштирув шаклидаги тергов ҳаракатлари яқунлаш арафасида турибди.

Суриштирув шаклидаги тергов ҳужжатларига кўра, 26.08.1998 йил, Жондор туманида туғилган фуқаро Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли – қасддан жиноят содир этиш йўлига ўтиб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар туркумига кирувчи - учувчисиз учадиган аппаратни, унинг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кириш жиноятини қасддан содир этганлиги аниқланди.

Жумладан, 2020 йил 8 февраль куни тахминан соат 17³⁰ ларда “Бухоро аэропорти” чегара божхона постига “Москва-Бухоро” йўналишидаги НҲ608-сонли авиарейс билан учиб келган фуқаро М.Ф.Тиллоев, ўзига тегишли бўлган қўл юкида бир дона “Т-SERIES Т-40” ёзувли учувчисиз учадиган аппаратини ҳамда эҳтиёт қисмларини йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатмасдан ва божхона ходимининг оғзаки сўровида маълум қилмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.11.2014 йилдаги 322-сонли Қарори ва 31.08.2016 йилдаги 287-сонли

Низом қоидаларининг талабларини бузган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кирган.

Фуқаро М.Ф.Тиллоев ўзининг юқоридаги хатти-ҳаракатлари билан ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилган.

Юқорида кўрсатилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганда ушбу жиноятга “Жамият” МФЙ мансабдор шахслари қонунларни тарғиб қилишда ҳамда жиноятчилик тўғрисидаги тарғибот ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги, маҳалла фуқаролари ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ҳамда бу борада доимий равишда тарғибот ишлари амалга оширилмаганлиги сабаб бўлган.

Келгусида, юқорида қайд этилган ҳолатларнинг такрорланмаслиги мақсадида масъул ходимларнинг масъулиятини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар проилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори ҳамда Президент раислигида 15.11.2017 йилда “Ҳуқуқбузарликлар проилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик, бу борада амалга оширилган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар тўғрисида” ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш, аниқланган ёки юз бериши кутилаётган бундай ҳолатларнинг олдини олиш, амалдаги қонунларимиз юзасидан доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириб бориш лозим бўлади.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, фуқароларни қонунга ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ва келгусида йўл қўймаслик чораларини кўриш талаб этилади.

Баён қилинганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 297, 299-моддаларини қўллаб,

С Ў Р А Й М А Н:

1. Ушбу тақдимномани зудлик билан “Жамият” мафалла фуқаролар йиғини фуқаролари иштирокида кенгайтирилган йиғилишда муҳокама қилиб, келгусида юқорида кўрсатилган жиноят содир этилишига имкон берган ҳолатларни олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаб, уларни амалга оширилишини таъминлашингизни;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар проилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори ҳамда Президент раислигида 15.11.2017 йилда “Ҳуқуқбузарликлар проилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги ҳамкорлик, бу борада амалга оширилган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар тўғрисида” ўтказилган видеоселектор йиғилишида

берилган топшириқларнинг ижросини сўзсиз таъминлашнинг барча чораларини кўриб боришни;

3. Тақдимномани кўриб чиқиладиган куни ҳақида унда божхона органи ходими иштирокини таъминлаш учун вилоят божхона бошқармасига хабар беришингизни;

4. Тақдимномани кўриб чиқиш натижалари ва белгиланган чора-тадбирлар ҳақида қонунда белгиланган бир ойлик муддатда ёзма равишда маълум қилишингизни.

5. Киритилган тақдимнома нухаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича масъул профилактика инспекторига юборишингизни.

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.М.Рахматов



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT BOJXONA QO‘MITASINING
BUXORO VILOYATI
BO‘YICHA BOSHQARMASI
“BUXORO AEROPORTI”
CHEGARA BOJXONA POSTI
200109, Buxoro shahri,
B.Naqshband ko‘chasi 10 uy.
tel: (65) 228-91-15

Бухоро вилояти Жондор тумани
“Жамият” МФЙ “Зандавоис”
қишлоғи 54-уйда яшовчи

“ _____ ” _____ 2020 yil

М.Ф.Тиллоевга

№4/21- _____

**Суриштирув тамомланганлиги ва жиноят иши материаллари
билан таништириш тўғрисида**

Х А Б А Р Н О М А

Менинг иш юритувимда бўлган Сизга нисбатан ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан кўзғатилган 060004/2020-1 КР-сонли жиноят иши бўйича Сиз 27.02.2020 йилда айбланувчи деб эътироф этилгансиз.

Ушбу жиноят иши бўйича тўпланган далиллар айблов далолатнома тузиш учун етарли бўлганлиги ва суриштирувнинг тамомланганлиги муносабати билан бу ҳақда сизга маълум қиламан.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 381¹³-моддасига асосан сиз мазкур 060004/2020-1 КР-сонли жиноят ишининг барча материаллари билан танишиб чиқиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, оғзаки ёки ёзма тарзида иш учун аҳамиятли илтимосномалар киритишга ҳақлисиз.

Шунга асосан, Бухоро вилояти божхона бошқармаси (*Манзил: Бухоро шаҳри Б.Нақшбанд кўчаси 352-уй*)га етиб келишингиз ва бошқарманинг Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлими хизмат хонасида 02.03.2020 йилдан бошлаб жиноят иши материаллари билан танишингиз мумкин.

Жиноят иши материаллари билан танишиш учун келишга

имкониятингиз бўлмаса, сиз ўз вакилингиз ёрдамидан фойдаланишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 60-моддасига асосан адвокатлар, вакил сифатида иштирок этишга махсус рухсатномалари бўлган шахслар, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорига кўра ишда қатнашишга рухсат берилган яқин қариндошларингиз ва бошқа шахслар ишда сизнинг вакилингиз тариқасида иштирок этиши мумкин.

Иш материаллар билан танишиш истагингиз тўғрисида Бухоро вилояти божхона бошқармасига маълум қилишингизни сўрайман.

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.Рахматов

**Айбланувчи (унинг ҳимоячисига) суриштирувнинг тамомланганлигини
эълон қилиш ва унга жиноят ишининг барча материалларини танишиш
учун тақдим қилиш
Б А Ё Н Н О М А С И**

2020 йил “___” март

Бухоро шаҳар

Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси, божхона хизмати лейтенанти М.М.Рахматов, иш юритувимидаги 060004/2020-1КР-сонли жиноят иши бўйича тўпланган далиллар айблов далолатномаси тузиш учун етарли, суриштирув тамомланган деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 381¹³-моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда, бу ҳақда ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан айбланувчи Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғлига суриштирув тамомланганлигини эълон қилдим ва унга: суриштирув тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш каби ҳуқуқлари тушунтирилди.

Айбланувчи Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли қуйидагиларни билдирди:

Айбланувчи М.Ф.Тиллоевга оид 060004/2020-1 КР-сонли жиноят иши 1 жилдда, тикилган ва рақамланган ва рўйхатланган ҳолда тақдим қилинди, айбланувчи ушбу жиноят иши ҳужжатлари билан 2020 йил «___» март куни соат «___» дан соат «___» гача хизмат хонамда танишиб чикди.

Танишиб чиқиш тамомлангач, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 381¹⁴-моддаси қоидаларига риоя қилган ҳолда, жиноят иши бўйича қўшимча суриштирув ҳаракатлари ўтказиш ёки янги қарорлар қабул қилиш хусусида илтимослари бор ёки йўқлиги сўралганда у қуйидагиларни билдирди:

Мазкур баённомани ўқиб чикдим. Тўғри ёзилган. Иш материаллари билан танишиш ва баённома мазмунига қўшимча ва эътирозларим йўқ.

Айбланувчи:

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

Жиноят ишининг материаллари билан таништирдим ва баённома туздим:

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.Рахматов

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Бухоро транспорт прокурори
3-даражали Давлат адлия
маслаҳатчиси

_____ **М.И.Наимов**

2020 йил “___” март

А Й Б Л О В Д А Л О Л А Т Н О М А С И

Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин
ўғлини Ўзбекистон Республикаси
ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан
айблаш ҳақидаги 060004/2020-1 КР-
сонли жинойт иши юзасидан

Мазкур жинойт иши Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости Суриштирув ва маъмурий амалиёт гуруҳи томонидан 2020 йил 21 февраль куни фуқаро М.Ф.Тиллоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган.

и.в. 1

Жинойт иши қўзғатилишига фуқаро М.Ф.Тиллоевнинг учувчисиз учадиган аппарати ва унинг эҳтиёт қисмини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кирганлиги юзасидан тўпланган ҳужжатлар асос бўлган.

и.в. 2-15

Суриштирув давомида тўпланган далилларга кўра:

26.08.1998 йилда Жондор туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, Бухоро вилояти Жондор тумани “Жамият” МФЙ “Зандавоис” қишлоғи 54-уйда яшовчи, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, АВ 2165193 рақамли паспорт, Бухоро вилояти Жондор тумани ИИБ томонидан 09.12.2015 йилда берилган, муқаддам судланмаган депутат эмас, давлат мукофотлари олмаган, 2020 йил 27 февралда муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган **Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли**

2020 йил 8 февраль куни соат тахминан 17³⁰ларда “Москва-Бухоро” йўналиши бўйича қатновчи НУ608-сонли авиарейс билан “Бухоро халқаро аэропорти”га келиб тушиб, чегара назоратидан ўтиб, “Бухоро аэропорти” чегара божхона постининг “яшил” йўлаги орқали ҳаракатланиб, ўзига нисбатан пост ходимларида шубҳа уйғотганлиги сабабли унинг қўл юклари “Rapiscan 624XR” рентген аппарати орқали божхона назоратидан ўтказилганда, у белгиланган тартибни, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.11.2014 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг ҳаво бўшлиғида учувчисиз учиш қурилмаларидан санкциясиз фойдаланишда огоҳлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 322-сонли қарори ва 31.08.2016 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учиш қурилмаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 287-сонли қарори талабларини қўпол равишда бузиб, учувчисиз учадиган аппаратини олиб кириш учун тегишли рухсатномага эга бўлмасдан туриб, бир дона учиш вазни 0.652 кг.ни ташкил қилган, “T-SERIES T-40” ёзуви мавжуд бўлган учувчисиз учадиган аппарати ҳамда унинг эҳтиёт қисмларидан:- бир дона, “T-SERIES T-40”нинг остки қисмида жойлаштирилган видео ва фото тасвирларини хотирасида сақловчи ҳажми 2GB., C15LHY091334 серия рақамли “micro SD” ёзуви бўлган хотира картасини йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатмасдан қонунга хилоф равишда олиб кираётганлиги қайд этилиб, ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Шундай қилиб, Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли белгиланган тартибни бузиб, учувчисиз учадиган аппаратни ҳамда эҳтиёт қисмини қонунга хилоф равишда олиб киришда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир этган.

и.в. 73

Жиноят иши бўйича Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлигини билдирган.

и.в. 74-75

Айбланувчининг содир этган жинояти қуйидаги далиллар билан ўз исботини топган:

- фуқароларнинг қўл юки ва кузатиб борилаётган сумкасини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова ҳужжатлар,

и.в. 3-15,

- билдирги, экспертиза хулосалари;

и.в. 24-26, 29-30, 39-40, 41-45,

- гувоҳлар А.Сроджев, М.Шамсидинов, Х.Тойировнинг кўрсатувлари;

- иш бўйича фуқаро М.Ф.Тиллоевдан ходиса содир бўлган вақтда олинган ашёвий далиллар ҳамда бошқа процессуал ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланган.

и.в. 3-6, 17-20, 24-30, 37-45, 33-35, 73

Жиноят иши бўйича айблов далолатномаси Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 381¹²-моддаси тартибида 2020 йил 02 март куни Бухоро вилояти божхона бошқармаси Суриштирув ва маъмурий амалиёт бўлимидаги хизмат хонамда тузилди.

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.М.Рахматов

**“Қ ў ш и л а м а н”
Суриштирув ва маъмурий
амалиёт бўлими бошлиғи в.б.,
божхона хизмати подполковниги**

(имзо)

Б.Н.Бурхонов

ТИЛХАТ

2020 йил “_____” март

Бухоро шаҳри

Мен Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли, Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости инспектор-суриштирувчиси М.М.Рахматов томонидан менга нисбатан кўзгатишган 060004/2020-1 КР-сонли жиноят иши юзасидан, 2020 йил 2 март куни тузилган айблов далолатномаси билан танишиб чиқдим ва мазкур айблов далолатномасининг бир нусхасини олдим.

Кўшимча ва эътирозларим йўқ.

Айбланувчи

(имзо)

М.Ф.Тиллоев

Тилхатни олдим:

Инспектор-суриштирувчи:

(имзо)

М.М.Рахматов

02.03.2020 йил.

МА Ё Л У М О Т Н О М А

060004/2020-1КР -сонли жиноят иши бўйича

1. Мазкур жиноят иши 21.02.2020 йилда Бухоро вилояти божхона бошқармаси “Бухоро аэропорти” чегара божхона пости Суриштирув ва маъмурий амалиёт гуруҳи томонидан фуқаро М.Ф.Тиллоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан кўзгатилиб, иш юритувига олинган ва жиноят ишига 060004/2020-1КР -рақам берилган.

и.в. 74-75

2. Жиноят иши бўйича Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244⁴-моддаси 1-қисми билан эълон қилиниб, жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишликка жалб қилинган ҳамда унга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида тилхат қўлланилган.

и.в. 74-75

3. 01.03.2020 йил куни айбланувчи М.Ф.Тиллоевга дастлабки терговни тамомланганлиги эълон қилиниб, уларни жиноят ишидаги материаллар билан таништириш ҳақидаги баённома тузилган.

и.в. 74-75

8. 02.03.2020 йилда айблов далолатномаси тузилган.

и.в. 74-75

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.М.Рахматов

**060004/2020-1КР -сонли жиноят иши бўйича
суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар**

Р Ў Й Х А Т И

Айбланувчи	Тиллоев Муҳаммад Фатхиддин ўғли	Бухоро вилояти Жондор тумани “Жамият” МФЙ “Зандавоис” қишлоғи 54-уй
Гувоҳлар	Сроджев Ахтамжон Аминович	Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Олимхўжа кўчаси 3-муъолиш 9-уйда яшайди. Тел.: +99893 474-77-72
	Шамсидинов Миршод Санжар ўғли	Бухоро вилояти Бухоро шаҳри А.Сомий кўчаси 38-уй 25-хонадонда яшайди. Тел.: +99890 512-34-33

**“Бухоро аэропорти” чегара божхона
пости инспектор-суриштирувчиси,
божхона хизмати лейтенанти**

(имзо)

М.М.Рахматов

Жиноятларни, уларни содир этган шахсларни,
терговга қадар текширув, суриштирув,
дастлабки терговни амалга оширувчи органлар
хамда суднинг процессуал қарорларини ҳисобга
олиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага
6-ИЛОВА

Жиноят ишига тикилади.

**Ишни судда кўриб чиқиш
натижаси бўйича**

**МАЪЛУМОТНОМА-
КАРТОЧКА**

Фамилияси **Тиллоев**

Исми **Мухаммад**

Шарифи **Фатхиддин ўғли**

Туғилган санаси **26.08.1998 й**

_____ **М.М.Рахматов**

Маълумотнома-карточкани тузган
ходимнинг имзоси

Кесиш чизиги

Суд томонидан жиноят ишини кўзғатишни
рад қилиш материални ёки жиноят ишни
кўриб чиқиб, ички ишлар органига
(худудийлиги бўйича) юборилади.
Жиноятларни ҳисобга олиш Ягона журналига
маълумотлар киритилиб, худудий Ахборот
марказига юборилади.

Бухоро вилояти божхона бошқармаси
(шаҳар, туман, вилоят)

Бухоро шаҳар ИИБ бошлиғига
(ички ишлар органи номи)

**Ишни судда кўриб чиқиш
натижаси бўйича**

МАЪЛУМОТНОМА-КАРТОЧКА

1. Фамилияси **Тиллоев**
2. Исми **Мухаммад**
3. Отасининг исми **Фатхиддин ўғли**
4. Туғилган санаси **26.08.1998 йил**
5. Туғилган жойи **Бухоро вилояти Жондор
тумани**
6. Манзили **Жондор тумани “Жамият” МФЙ
“Зандавоис” қишлоғи 54-уй**
7. Иш жойи ва лавозими: **Вақтинча ишсиз**
8. Миллати **Ўзбек**
9. Фуқаролиги **Ўз.Рес.**
10. Судланганлиги **Судланмаган**

Шакл 6

**БВББ
Суриштирув ва маъмурий
амалиёт бўлими**

Жиноят иши
№ **060004/2020-1КР**

Ягона журнал №

Тилхат 27.02.2020 й

ЖК моддаси 244⁴-моддаси
1- қисми

ОМЭ жойларидан муддатдан
илгари шартли равишда озод
этилган _____

санаси

_____ нима асосида

_____ маъмурий ёки жамоат таъсир
чоралари қўлланилиши

_____ қачон, нима учун

_____ чиқарилган қарор

А.Ахлимирзаев, С.Шомирзаев

**БОЖХОНА ОРГАНЛАРИДА ЖИНОЯТЛАР
ЮЗАСИДАН СУРИШТИРУВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Услубий қўлланма

Божхона институтининг босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй.